

Б.Н.ОРИПОВ

ТАСВИРИЙ САНЪАТ

ВА УНИ УКИТИШ

МЕТОДИКАСИ


Б.Н.ОРИПОВ

ТАСВИРИЙ САНЪАТ

ВА УНИ УКИТИШ

МЕТОДИКАСИ

Педагогика колледжлари учун ўқув құлланма



To shken t – 2004 ил

КИРИШ

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлашни миллий дастури ишлаб чиқилиши ва уни амалга оширилиши таълим-тарбия жараёнида ғоят мухим аҳамият касб этади. Чунки, миллий кадрлар тайёрлаш ва уни сифат-савия жиҳатидан юксалтириш – бу юқори малакали ўқитувчи-педагогларни тайёрлаш билан бирга ёш авлодга таълим-тарбия беришни ҳам юқори савияга қўтарилишини асосий омили бўлиб хизмат қиласди.

Маълумки, таълим-тарбия жараёнида бошланғич синфлар таълими алоҳида босқич, алоҳида этап бўлиб, бу давр бола шахсини энг кучли ривожланиш даври хисобланади. Чунки, бу давр болаларни 5-6 ёшидан 10-11 ёшгacha бўлган ўсиш даври бўлиб, унда бола шахси ўзининг етуклик ва ўсмирлик даврига илм, тафаккур, тасаввур, малака ва кўникмалар йиғади. Чунки, худди шу даврда бола шахсининг кўриш, кузатиш, идрок этиш, тасаввур ва тафаккур қилишга ўрганиш даврининг энг шиддатли босқичи бўлади. Шу боисдан ҳам бошланғич синф ўқитувчилари тайёрлайдиган педагогика ўқув юртлари ва уларнинг бўлимларининг ўқув режаларини ва дастурларини бугунги кун жамиятимиз талаби даражасида бўлишини таъминламоғи лозим.

Маълумки, педагогика колледжларининг «Бошланғич синф ва меҳнат ўқитувчиси» тайёрлаш бўлиmlарида ўқитилидагина «Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси» ўқув фани мутахассисликнинг асосий ва бош ўқув фанларидан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки, бу ўқув фани бўладак ўқитувчи-педагогларни эстетика ва санъат асослари билан қуроллантиради, табиатдаги, жамиятдаги ва санъатдаги гўзалликни кўра билишга ўргатади. Шунингдек, бу фан айниқса, ўқитувчи касби учун ғоят зарур, ҳар соатда, ҳар дақиқада керак бўладиган – расм чизиш кўникмасини беради. Бу расм чизишни билиш ўқитувчи, айниқса, бошланғич синф ўқитувчиси учун шунчалик зарурки, - «Расмни қўрган соқов ҳам тилга киради»¹ - деган иборани эслаб ўтиш ўринли эди. Демак, бошланғич синф ўқитувчисини расм чизишни билишида бошқа ўқув предметларини ўқитишда ҳам расмдан яхши фойдаланиш имконияти туғилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Педагогика колледжларида ўқитиладиган «Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси» ўқув фани олдига: ҳар томонлама шаклланган бошланғич синф ўқитувчини тайёрлаш, унга эстетика, санъат ва материалистик тушунчаларни бери шва расм чизиш кўникмаларини сингдириш мақсадини қўйган ҳолда фаолият кўрсатади.

Юқоридаги анча мураккаб ва масъулиятли мақсаддан келиб чиқилган ҳолда курс ўз олдига:

1. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларига табиат-жамиятдаги нарса ва ҳодисаларни кузатиш, кўриш, уларни илмий асосда идрок этишга ўргатиш;
2. Талабаларни бадиий дидини, эстетик тушунчасини, материалистик дунёқарашини, гўзаллик оламини ва ижодий истеъдодини, ижодкорлик қобилиятини тарбиялаш.
3. Нарса, воқеа, ҳодисалар тасвирини - расмини чиза билиш, уларни ижодкорлик асосида бажариш бўйича малака-кўникмалар ҳосил қилиш;

¹ К.Д.Ушинский. Танланган педагогик асарлар. Т. 1959 й. (244, 313, 314, 438 – бетларга շаралсин).

4. Рассомчиликнинг барча тур ва жанрларидаги санъат асарларини кўра билишини, идрок этишни, тушуниб, уларни паст савиядаги, қалбаки расмлардан фарқлай олиш қўнималарини бериш;
5. Бўлажак ўқитувчи-педагогларга расм чизишни ўқитувчиларга ўргатишнинг энг осон, қисқа, илмий асосда бўлишининг замонавий услуби, дидактик принциплари билан таништириш каби мазмунга эга бўлган вазифаларни кўяди.

Бундай мақсад ва вазифаларни бажариш учун курс ўз мазмунига:

1. Санъат назариясидан қисқача маълумот беришни;
2. Расм чизишни ўргатиш бўйича қаламтасвир, рангтасвир, композиция, бадиий-безаш, лой ва пластилин билан ишлаш ва санъат асарларини ўргатиш;
3. Бошланғич синф ўқитувчиларига расм чизишни замонавий, энг самарали услубларда ўргатиш бўйича методик тавсиялар бери кабиларни киритади.

Маълумки, педагогика коллежларининг бошланғич синф ва меҳнат ўқитувчиларини тайёрлайдиган бўлимларда тасвирий санъат фанини ўқитилишида ўзига хос қийинчиликлар мавжуд. Бу энг аввало бу бўлимдаги талабалар расм чизиш бўйича мутлақо малакага эга бўлмаганлиги, иккинчидан бу бўлимда расм чизишни ўргатиш бўйича жуда оз вақт ажратилганлигидир.


Шу боисдан қўлланмани яратишда эътиборни асосан бошланғич синф ва меҳнат ўқитувчиси учун зарур бўладиган билим ва қўнималарни беришга қаратилди. Шунга кўра қўлланмада расм чизишни жуда оддий нарсалар расмини чизишдан бошлаб, қўпроқ машқ қилишга, ҳатто қўлланмадан фойдаланиб, мустақил ҳолда расм чизишни ўрганишгacha имконият яратилди. Лекин, қўлланмада расм чизиш жуда оддий нарсалардан бошлансада, унинг ўқув материалларини давлат стандарт ива дастуридан орқада қолишга имконият берилмаган. Чунки. Қўлланмада расм чизишни анча кенг ва мураккаб жараёнлари бўйича назарий ва амалий тушунча-қўнималар берилади.

Қўлланмада муаллифни узок йиллик тажрибалари асосида тузилган «Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси» (Н. 2003 й) дастури асосида яратил-

ган бўлиб, уни ёзилишида Р.Ҳасанов, Н.Ростовцев, Н.Шорохов, Қ.Косимов, М.Набиев, Н.Абдуллаев, С.Булатов, П.Алексеев, С.Савицкий, В.Кузин каби методист-олимларнинг дарслик, ўқув-методик қўлланмаларидан ижодий фойдаланилди. Адабиётлар рўйхати қўлланма охирида илова қилинди. Қўлланма мамлакатимиз мустақиллиги йилларида биринчи бор яратилаётганлиги учун унда айрим камчиликлар бўлиши мумкин. Таклиф ва фикр-мулоҳазаларни бизга ёзиб юборасиз деган умид билан китобхонларимизга расм чизишни ўрганиб олишларига омадлар тилаб қоламиз.

I – ҚИСМ

САНЪАТ НАЗАРИЯСИ



I - БОБ.

*Кунлик ижодкор – бу санъаткордир,
Ижодкор санъаткор – бу рассомдир.*

ТАСВИРИЙ САНЪАТ НАЗАРИЯСИ

Ижтимоий онг шаклларидан бири - санъат-табиат ва жамиятда бўлган, бўлаётган ва бўладиган воқеа-ходисаларни бадиий тасвирларда ифодаданишидир. Санъат ўзида моддий оламнинг умумий ҳолатини ва ривожланишини акс эттириб, одамларга уни билдиришида муҳим восита бўлади ва уларни сиёсий, аҳлоқий ва бадиий жиҳатдан тарбиялашнинг қурдатли омили бўлиб хизмат қилади. Санъат воқеликнинг ўзида ифодалаш услуби ва ҳарактери, мазмунига кўра тасвирий санъат, меъморчилик, адабиёт, мусиқа, цирк, театр, кино, радиотелевидения каби турларга бўлинади.

Санъатнинг энг ижобий ва муҳим хусуеияти шундаки, у фандан фарқли ўлароқ воқеа ва ҳодисаларни тушунчаларда эмас, балки сезги ва ҳис билан идрок қилинадиган шаклларда, типик-бадиий образларда ифодалайди.

Маълумки, ҳар бир жамият формацияси санъат ривожига ўзининг маълум иқдисодий-сиёсий позициясида туриб, маълум даражада шароит яратади. Шу боисдан ҳар бир жамият санъати ўша ўз даври талабида хизмат қилади. Санъат қайси жамиятга, қайси синфга ва миллатга хизмат қилиши ва бу синф ва мил-

латнинг иқтисодий ва сиёсий йўлида хизмат қилишига қараб, уни синфий ва миллийлик хусусияти белгиланади.

Ҳар бир жамиятдаги санъат эркин, халқчил, инсонпарвар, меҳнатсевар ва бошқа юксак инсоний ғоявийлиги асосида вужудга келса, бу санъат ўзида халқпарвар, инсонпарвар, ватанпарварлик ва миллийлик каби илғор ғояларни илгари суришга хизмат қиласди. Бу санъат кенг меҳнаткашлар оммасига хизмат қиласди. Бу санъат халқининг мақсади, вазифалари, орзу-умидларини сиёсий ва иқтисодий йўлини ифодалайди.

Бу санъат ҳар қандай шовинизм, бюрократизм, эгионизм, молпастлик, ирқчилик, зўравонлик, фоҳишабозлик, айши-ишратбозлик ва ман-манликнинг барча кўринишларига қарши курашади. Бу принциплар ва талаблар бугунги жаҳон прогрессив инсониятининг эзгу ниятларини, уларнинг орзу-умидларини ҳам тўла ифода этади, Шу боисдан халқимиз ўз санъатини қанчалик ардоқлаб, унга хурмат ва эҳтиром билдирса, жаҳон халқлари ҳам бугунги ўзбек санъатига ана шундай ихлос ва эҳтиром билан қарайдилар.

Ўзбек рассомлари ана шу талаб ва принциплардан келиб чиқсан ҳолда ўзларини қизиқтирган, ҳаяжонга солган нарсалар, воқеаларни миллийлик маънавияти асосида ўз асарлари сюжетига мавзу қилиб олдилар. Чунки, илғор санъаткор рассомларнинг дунёқараши кенг, прогрессив, илғор бўдганидек, уларни қизиқтирадиган, ҳаяжонга соладиган, ўзига тортадиган вқкеа ва ҳодисалар ҳам илғор ва прогрессив бўлади. Маълумки, ўзбек рассомлари мамлакатимизнинг кенг меҳнаткаш халқ оммасидан етишиб чиқсанки, улар ана шу меҳнаткаш халқининг орзу-умиди, ҳис-туйғуси, миллий қадриятларини ва манфаатларини ҳимоя қиласди ва уларни ифода этадилар.

Мустақил Ўзбекистон тасвирий санъатини миллийлиги ундан энг аввало реалистик позицияда туришни, моддий оламнинг объектив қонуниятларини эътироф этилган ҳолда тасвирлашни талаб қиласди. Бу ўз ўрнида рассомдан нарса ва воқеаларни аниқ, ўзига ўхшатиб, реал ҳолда ифодалашни ва жамиятнинг муҳим масалаларини аниқ мақсад сари йўналтирилган ҳолда, бадиий жиҳатдан

юксак талабларда бўлган ва ижодий ишланган санъат асарлари яратилишини талаб қиласди.

Жаҳон реалистик тасвирий санъати - жаҳон халқларининг ўтмиши, ҳозирги куни ва келажакдаги ҳаётини ифода этувчи, шунингдек, табиат ва жамиятни тасвир этувчи ҳақиқий кўзгу бўлиб қолади. Биз ундан ўтмишни бугунни ва келажакни кўрамиз. Шу боисдан ҳам реалистик тасвирий санъати уеталари ўтмиш тарихини ҳам, маерия ва тараққиётни ҳам, математика ва табиётни ҳам, география ва биологияни ҳам яхши билиши лозим.

Мустақил Ўзбекистон халқининг эстетик фалсафаси, гўзалликни санъатнинг ажралмас қисми ва категорияси, шакл ва мазмуни, унинг зарурый шарти деб кўрсатади.

Санъат жуда қадимги тарихга эга бўлиб, у жамиятнинг меҳнат фаолиятини ривожланиши, такомиллашуви ва ижтимоий фаолиятининг тараққиёти асосида шаклланди. У моддий ишлаб чиқаришни жамиятнинг иқдисодий тузуми ва меҳнат муносабатлари, қуролларини такомиллашувидан, жамият онгининг эволюцион тараққиёти жараёнида вужудга келди ва ривожланди.

Синфий жамиятнинг вужудга келиши билан санъат ҳам синфий характерга ўтди. Ҳар бир жамиятда турли синфлар мавжуд бўлганидек, ўша жамиятнинг санъатида ҳам турли синфлар манфаати, сиёсати, дунё қарashi ва аҳлоқини ҳимоя қилди ёки уни рад этди.

Санъатни синфий характери-унинг қайси синф вакилини қандай мазмунда ифодалашга ва қайси синфнинг иқтисодий ва сиёсий манфаатини, ҳаётини ҳимоя қилишига қараб белгиланади. И.Репиннинг «Волга Бурлаклари» асарини кузатар эканмиз, унда меҳнаткашлар оммасининг ҳаёти, уларнинг оғир турмуши ва меҳнати ифодаланади ва улар манфаати ҳимоя қилинади.

Тасвирий санъатнинг муҳим хусусиятларидан бири - инсон учун фақат борлиқни, табиат ва жамиятдаги воқеа-ҳодисалар ва нарсаларни билдирибгина қолмай, одамларга янги билим, тасаввур ва тушунчалар бериб, маънавий бойитувчи, ижодий юксалишга бошловчи қурдатли фактор бўлиб, хизмат қиласди.

Ёки бир сўз билаи айтганда, «Санъат, - В.Г.Белинский таърифича, - образли та-факкурдир». ¹

Ана шу образлар тасвирий санъатда ўзининг яққоллиги, ишонарлилиги, объективлиги, реаллиги билан одамларнинг ақлий фаолиятига тез ва аниқ таъсир кўрсатувчи восита бўлиб хизмат қиласди. Аммо тасвирий санъат асарларини ҳамма ҳам тўғри тушунавермайди. Унинг бадий жиҳатларини тўғри баҳолай олмайди. Бундай кишилар кўргазма залларига, музейларга кириб қолишса тезгина зерикиб қоладилар, Чунки бундай томошабин асарни мароқ билан тушуниб, кўролмайди, хис-ҳаяжон ва кучли эҳтирос билан таҳлил этолмайди. Улар агар манзара жанрида яратилган асарларни: А. К. Саврасовнинг «Қора қарғалар учиб келишди», Й.Левитаннинг "Олтин куз", Р. Темуровнинг "Бибихоним ҳовлисида баҳор" кабиларни томоша қилсалар бу расмларда «қуриб қолган дарахтларни» ёки «ёз иссиғида куйиб, жизғанак бўлган дарахтларни тасвирлашибди» деган фикрда бўладилар.

Биз, бир неча санъат асарлари репродукцияларини турли ёшдаги кишилар ихтиёрига бериб, уларни фикрини билмоқчи бўлдик. Улар манзара асарларини кузатиб, "дарахтлар ва далаларни расмини чизибди", - дедилар.

Турмуш жанрида яратилган асарлар: Ж.Милленинг "Бошоқ йигувчи аёллар", В.Г.Перовнинг "Учовлон", В.Е.Маковскийнинг "Учрашув", Ф. П. Решетниковнинг "Яна икки олдингми?", З.М.Ковалевскаянинг "Ложада" асарларини тавсия этганида "одамларни, болаларни ит ва кучукларни расмини ишлабди, манави расмда болага ит ёпишяпти, уйдагилари томоша қилаяпти", - дейишдан нари ўтмадилар. Яна бир тоифадаги томошабинлар "ўтмишдаги болаларни қийинчиликлари, яъни етим болалар, мана бу расмда болага онаси нон бераяпти, бу расмда болани ит талаляпти, бу расмда эса спектакл кўришаётган аёл ва қизларни тасвирлашипди" - дейишиди.

Кузатувчи-томушабинларга Белолининг "Чўмилувчи аёл", Жорженинг "Ухлаётган Венера", Родиннинг "Ева", Ренуарнинг "Ялонғоч аёл", Рембрандт-

¹ Н.Г.Белинский. Танланган асарлар. 3-том. М. 1948 й. 67-бет.

нинг "Дания", Фолконенинг "Флора" асарлари репродукциясини кузатишга берганимизда, "Ялонғоч аёлларни тасвирлашипди", айримлари яrim ҳазил ҳолда, "Рассомларингиз чизадиган нарса тополмай қолишибди шекилли", - деб түнғиллаб кетишиди. Фақат бир, икки кишигина, «О, мен шунчалик раем чизганимда бахтли инсон бўлган бўлардим», - дедилар. Ҳатто, айрим аёллар "Уятсизлар", - деб ҳам қўшиб қўйишиди.

Яна бир кишигина, "Мен бу ҳайкални Парижда кўрганман". Мана бунисини Дрезденда кўрганман, аммо бунисини /"Чўмилувчи аёл"/ ни учратмаган эканман. Тасанно, минг тасанно, бундай асар яратган ақлга тасанно, зўр рассом экан, ким бу рассом, бу расмни қаерда босишибти, у қайси музейда сақланади, бу "классиками"? Яна бир киши, расмларни кузатар экан, ўйланиб қолди, бироз тургач, мен чет элда бўлмаганман, аммо санъатни жуда севаман расмларни тўплайман, буларни ҳаммасидан бор менда, менинг альбомларим тематика ва жанрлар бўйича тайёрланган. Родинни яхши биламан, у кўпроқ психология билан шуғулланган. Унинг альбомини бир дўстим Париждан совға қилган.

Яна бир тоифадаги киши "0, боплабтику, жуда чиройли, қўзни қамаштиради" - деб тиржайган ҳолда қўшиб қўйди, - "ўзидан ҳам ўтказиб юборибти". Яна бир киши, расмларни қўлига олиб, бир-бир кўриб чиқдида, «Мен бунақаларга қизиқмайман, менга Р.Аҳмедов, Левитан, Шишкин, Айвазовский, Тансиқбоев, Кораханлар ёқадилар. Уларни биласизми, о..., улар табиатни кулдириб юборишади, кўпчилик буни тушунмайди, сизларга бунақа бўлса бас,» ҳоказоларни бизга қойил килиб тушунтириб қўйди.

Яна бир киши, биз берган манзара, портрет ва турмуш жанридан репродукцияларни қўлига олар экан, у расмлар орасидан О.Родиннинг "Ева"сини, Фолконени "Флора"сини ажратиб олиб, - "Мен,.. ҳайкалларни ееваман. Улар жонли инсонлар, тасодифан бир секундга, сизга ўз гўзаллигини намойиш этиш учун тўхтаб, сизга боқади, мана буни кўринг...а, ана инсон гўзаллиги, ўзини гўзаллигини яшираётган Ева, унга қараманг, у уялганидан, ўзининг қизлик ифратини кўз-кўз қилаётганини тушунмаяпсизми? Мен бир мартагина Парижга

борсам эдим, Родиннинг музейида албатта бўлган бўлардим. Унинг фақат 3-4 тагина асарини биламан холос. Албатта Парижга бораман, уни ҳамма асарлари-ни фотосини олиб келаман.....", - деган фикрни айтади. (.....расмлар).

Юқоридагилардан қўриниб турибдики, санъат асарларини тушуниш учун албатта бадий маълумот бўлмоғи керак, - деган иборани келтириш жуда ўринли бўларди.

Биз музей ва кўргазма заллари бўйлаб юриб, томошабинларни туширилган дастхатларини ўқир эканмиз, уларни, - "Тасанно, ҳазрати инсонга, уни қўли шунчалик гулки, бу гул яратган гўзаллик олдида табиат ҳам, унинг гўзаллиги ҳам беистисно бош эгажак", - деган мазмундаги жуда қўп ёзувларни кўрамиз. Албатта бундай ёзувларни санъат илмидан хабардор, ўзи расм чизишни билмасада, санъатни яхши тушунадиган кишилар ёзади.

Бадий дид ва маълумот том-том китоблар ўқиши ёки узундан-узоқ лекциялар тинглаш билан юзага келмайди, балки у кишиларни эстетик жиҳатдан тарбиялаш ва аҳлоқий жиҳатларини мужассамлаштирилиши жараёнида вужудга келади. Бу жуда ёшлиқдан оила тарбиясини бошланиши билан бошланиб, у кейинчалик шахсий ва жамият /хатто маҳалла тарбияси/ тарбияси жараёнида такомиллашиб боради.

Кимки, санъат асарларини диққат билан кузатиб, у ҳақида маълум тасаввур ҳосил қила олсагина, асар ҳақида бирон бир фикр айта олади. Бунинг учун асарни томоша қилиш билан у ҳақидаги айрим маълумотларни бўлеада билиши зарур. Бунинг учун болалик давридан ота-оналар назорати остида санъат аеарлари репродукциясини йиғишга, улардан альбомлар ташкил этишга ўргатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Умуман асарни қузатишда, уни автори, асарни мавзуси сюжети ва ғояси нимадан иборат эканлигини кузатиб, улар ҳақида фикр юритиш лозим. Асарлар ҳақида фикр юритиш ва уларни тушуниш, улардаги мазмун, сюжет ва ғоялар ҳақида жуда қўп марта газета, журналлар, радио ва телетқўрсатувларда ўз материалларида бериб бормоқдалар.

Маълумки, ҳар бир санъат асарида мавзу, сюжет, мазмун ва унинг ғояси, яъни расмни ишлашдан рассомнинг мақсади нима?, шу асар билан у нима демоқчи, аеарда қандай воқеа, қандай халқлар, қандай давр тасвирланмоқда?, буларнинг ҳаммаси рассомнинг бадиий маҳорати воситасида, ранг ва бўёқлар колорити асосида ифодалаб берилади. Шу боисдан асарни тўғри тушунадиган киши бўлса, у асарни мавзуси, ғояси ва сюжетини ҳам ўз билими, асарни тушуниши бўйича аниқлаши ва ифодалаши мумкин.

Р.Аҳмедовнинг "Оналик" асарини кузатар эканмиз, уни кимцир "Оналик" деса, кимцир "Тонг" дейди, яна кимдтр "Қишлоқда тонг отмоқда", ва ҳоказо ким қандай тушунса, шундай атайди. Ҳақиқатда ҳам бу асарда баҳтли оналик, сулум тонг, қишлоқ ҳавоси, гўзал манзара, ёш ўзбек оиласи тасвирланган. Томошибин асарни тушиниш ва унга ўзи мавзу белгилаши учун, уни умумий композициядан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир элементни композицияга нима мақсадда киритилганини, у нарса қандай ҳолда ва қандай ҳаракатда турганини, бу ҳаракат ривожлантирилса қандай воқеа содир бўлишини аниқлаб олинса, асарни мавзуси ҳам, ғояси ҳам ва сюжети ҳам тўғри аниқланилган бўлади.

Рассомлар воқеани турли метод, характер ва мазмунда ифодалайдилар. Ана шу тасвирлаш услуби, характери ва мазмунига кўра санъат асарлари нафис санъат, графика, ҳайкалтарошлиқ, амалий ва меъморлик, фотография каба санъатига бўлинади,

НАФИС САНЪАТ

Нафис санъат - реал борлиқни, ҳаётни, воқеа-ходисаларни бўёқлар восита-сида мато, қофоз, тахта, картонларга ишланадиган тасвирий санъат асарларига айтилади. (.....расм).

Нафис санъат асарларини рангтасвир асарлари ҳам дейилади. Чунки, рангтасвир асарларини мой бўёқда, акварелда, гуаш, темпера, пастелда ишланади.

Нафис санъат турига мой бўёқ ва бошқа сувда эрувчи рангларда материалларга ишланган манзара, турмуш воқеалари, жанг манзаралари, тарихий воқеалар, жонсиз табиат тўпламлари /натюрморт/, одамларнинг тўла ва ярим қоматлари, мой бўёқ, акварел, гуаш ва бошқа бўёқларда ишланган деворий расмлар, шунингдек кино-театр декорациялари учун ишланган расмлар киради. Умуман бўёқ билан ишланган барча турдаги расмлар нафис санъат ёки рангтасвир асарлари турига киритилади.

Рангтасвир - нарса ва воқеаларни, реал борлиқни, инсои тафаккурини, бирон-бир ғояни бўёқлар ёрдамида одамлар кўрадиган ҳолатда ифода этилишидир.

Воқеликни ва борлиқни бўёқлар ёрдамида ифодаланган санъат асарлари ҳам «рангтаевир» - дейилади. (.....расм).

Рангтасвир асарда нарса ва воқеани барча элементлари, уларни перспективаси, ўрни, ранги, материали, туриш ҳолати, ички моҳиятини бўёқлар ёрдамида, бадиий образ ва шаклларда ифодалайди Рангтасвир асарларида - композиция, яъни асаддаги нарсаларни шакли, тузилиши, уларни ўзаро боғлиқлиги, ўрни ва туриш ҳолатига кўра аниқ, тўғри ифодаланиши; колорит - рангларни уйғунлиги; ритм - асарни композицион элементларни бежирим, текис, динамик ҳолатда такрорланиши; ранг контрасти - бир ҳил рангни ўз атрофидаги рангларга мос идрок қилиниши; ранг перспективаси каби тасвирлаш воситалари асосида яратилади.

Рангтасвир техникаси деганда - санъат асарини яратиш учун зарур воситаларни тайёрлаш, ундан фойдаланиш уеул - методлари тушунилади. Маълумки, рангтасвир асарларини яратишда рассом турлича бўёқлардан фойдаланилади. Рассомлик техникаеи узок тарихга эга бўлиб, у рассомларнинг ижодий изланишлари билан ривожланиб такомиллашиб келди. Ибтидоий жамиятнинг полеолит давридаёқ ишланган қоялардаги табиий қизил, жигарранг, сариқ ва қора рангдаги ишлар маълум. Антик ва ўрта аср даври рангтасвири табиий, минерал ва органик бўёқларда яратилган санъат асарида яққол кўринади.

Рангтасвир асарлари мойбўёқ, акварель, гуаш, темпера, пастель, рангли қаламда ишланади. XV-XVI асрлардан мойбўёқда ишлаш ривожланди.

Рангтасвирни амалий ва меъморлик, ҳайкалтарошлиқ санъати билан боғлиқ ҳолда ривожланиши антик давр санъатининг асосий белгиси бўлди. ўрта асрда эса Европа, Кавказ, ўрта Осиё, Хитой, Ҳиндистон, Японияда рангтасвирнинг қатор тур ва жанрлари ривожланди. Жаҳон рангтасвиригининг уйғониш даври алоҳида из қолдирди. Чунки, бу давр ўзининг илгор традициялари, фикр ва ғоялари санъат асарларида реалистик услубда ўз ифодасини топиши билан бутун санъат тарихига алоҳида муқаддима бўлиб кирди. Уйғониш даври тасвирий санъати бутун уйғониш даврининг монументал тарихини яратди, десак муболага бўлмайди. Бу даврда ижод қилган Мазаччо, Франческа, Боттичелли, Леонардо Да Винчи, Мкеланжело, Рафаэль, Тицион, Беҳзод каби рассомлар ва XVIII-XIX асрларда ижод қилган Европа рассомлари Рубенс, Лорен, Веласкес, Рембрандт, Караваджо, Шарден, Луи Давид, Делокури, Констабел, Курбе, Мане каби рассомлар ижодида рангтасвир санъати ғоят ривожланди.

Ўзбекистон ҳудудидан /Тешиктош ғори, Зараутсой, Чуст, Сополлитепа, Қизилқир, Варахша каби/ топилган буюмлар, сопол идишлар ва деворий расмлар бўёқлар билан ишланганлиги кўринади. Ўзбекистоннинг Залчаёнда қазиб очилган сарой деворларидағи, Зараутсой қояларидаги рангтасвирлар милоддан аввалги ва милоднинг бошларида шаклланган рангшунослик бўйича маълумотлар беради.

Эрамизнинг бошларида ва Араб истелосигача ўзбек рангтасвири анча шаклланган бўлиб, унда ҳайвонлар, одамлар. ва табиат тасвири ўз ифодасини топган. Бу Гавр қалъаси, Афрасиёб, Варахша деворларидағи рангтасвирларда ҳам ўз ифодасини топган.

Араблар ва мусулмон динини ўрта Осиёга кириб келиши билан ўзбек тасвирий санъатида жонли зотларни тасвирланиши қатъиян ман этилади. Шу исдан VII асрдан бошлаб, ўзбек рангтасвирида портрет ва анамалистик жанрлар ривожланмай қолди. Рангтасвирда амалий ва меъморлик санъати шиддатли ри-

вожланди. Маълумки, VII-X асрларда Самарқанд ва Бухоро қоғози шуҳрат қозонди. Бу рангтасвирни ривожланишида катта аҳамият бўлди. Аммо мўғул истилоси (ХІІІ-аср) энг аввало ўрта Осиё санъати, маданияти ва фанини ер билан яксон қилди. Ўша даврнинг энг гўзал, жаҳонга машҳур Самарқанд, Бухоро, Ургенч, Хива, Ўтрор шаҳарларни кулинини кўкка совурди.

XV-XVII асрларда, яъни Темурийлар даврида ўзбек тасвирий санъати яна шаклланиб, унда рангтасвир эътиборга лойик бўлди. Рангтаевир амалий ва меъморлик ва китоб графикаси билан биргаликда тараққий топди. К.Бехзод, М.Музахҳиб, А.Бухорий, М.Самарқандий каби таниқли мусавиirlар ўзбек рангтасвирини ривожланишига катта ҳисса қўшдилар. Ўзбек рангтасвири тарихига назар ташлар эканмиз, ундаги портрет ва анамалистик жанрнинг ман этилишига қарамай ўзига хос йўналишда ривожланганлиги китоб графикасида ва деворий рангтасвиirlарда яққол кўринади.

Советлар даврида ўзбек рангтасвири янги йўналишга кирди ва у ўзига хос йўналишда ривожланди. Унинг барча жанрлари: портрет, манзара, натюроморт, майший, тарихий жанрлар ва амалий санъат янги мазмун, моҳият ва характерда тараққий этди. Ўзбек рангтасвирини шаклланиши ва ривожланишида Л.Бурэ, А.Николаев, П.Бенков, У.Тансиқбоев, П.Абдуллаев, А.Абдуллаев, Н.Қораҳон, Ч.Ахмаров, М.Набиев, Р.Чориев, Р.Ахмедов, Б.Жалолов, Ж. марбеков, М.Сайдов, З.Иногамов каби рассомлар катта хизмат қилдилар.

Мустақиллик йилларида ўзбек рангтасвириининг кекса ижодкорлари Р.Чориев, Р.Ахмедов, М.Набиев, Н.Қўзибоев, Б.Бобоев кабилар билан бирга Б.Жалолов, Ж.Умарбеков, И.Турғунназаров, Ю.Талдикин, В.Бурмакин, С.Алибеков, Акмал Нур, Л.Ибрагимов, Т.Курязов, А.Икромжонов, В.Охунов каби юзлаб ёш рассомлар ижод қилмоқдалар.

Рантасвир асарлар ўзининг яратилиш методи, услуби, мақсади ва вазифасига кўра бир меча турларга бўлинади.

1. Монументал рангтасвир - архитектура меъморчилиги билан боғланган ҳолда, жамият ҳаётидан олинган воқеаларни ифодалаб, умумтарбиявий вазифа-

ни бажаради. Бундай асарлар асосан умумий характерда бўлиб, узокдан кўринишга мослаштирилади ва мўлжаллаб ишланади. Шу боисдан улар бино деворлариға ёки бирон сатхга бўёқлар асосида ишланадиган деворий расмлар ва рангли тошлар, сопол, шиша, ойна каби материаллар воситасида ишланади. Монументал рангтасвир ишлари ҳайкалтарошлиқ композициялари билан ҳам ишлатилади. Бунда ишланадиган ҳайкални улуғворлигини, гўзаллигини оширишча фойдаланилади. Монументал рангтасвир ҳозирги кунда санъат саройларини, вокзалларни ва метро станцияларини безатишда ишлатилмоқда.

2. Дастроҳли рангтасвир - маҳсус тайёрланган рамкага тортилган материал мато /холост/ юзасига бўёқлар ёрдамида ифода этилган санъат асидир. Бу асарлар маҳсус станокда ёки мольберт деб аталган қурилмада ишланади, шу боисдан бундай асарларни дастроҳли асарлар, яъни дастроҳли рангтасвир дейилади.

3. Декоратив рангтасвир - асосан безатиш воситасида қўлланиб, меъморлик ва амалий санъат билан боғлиқ ҳолда ишланади. Бу санъат асосан безаг санъати бўлиб, ундаги тасвирлар ҳам қўпроқ декоративлаштирилган ҳолатда ифодаланади. Бу санъат наққошлиқ, саҳналарни безатиш, кино санъати ва телекўрсатувларини безатипша кенг қўлланилади.

ГРАФИКА

Тасвирий санъатнинг кенг тарқалган турларидан бири графикадир. Графиканинг асосий материали оқ-кора ранг бўлиб, қўпроқ қофозга ишланади. Бошқа ранглар жуда кам ишлатилади. Ишлатилганида ҳам маҳсус - плакат графикасида ишлатилади. Чунки, график рассомлар ўз асарларини факат оқ-кора рангларда ифодалайди, қайсики, асарнинг моҳияти, мазмуни ва одам портретларини ички туйғуларини ва характерини ифодаланиши лозим бўлган асарларда ишла-

тилади. Чунки, айрим плакат асарларда воқеа ва одамнинг ички моҳиятини ҳам очиб берилади.

График рассом тасвирлаётган нарса ва воқеага бўлган муносабатини ифода воситаси бўлмиш йўғон-ингичка, қўпол-нозик, узун-қисқа, давомли-давомсиз, ранглм-рангсиз, силлиқ-дағал чизиқларда ифодалайди. Шунингдек, график рассом ўз асарларини яратишида бўёқларнинг тонидан, қоғознинг оқ рангидан, қора рангининг ҳам турли хилдаги тонларидан фойдаланади.

Графика санъатининг асосини безатиш ишлари эгаллайди. Бунда плакатлар, китоб иллюстрациялари, безаглари, турли истеъмол буюмларининг кутилари учун этикеткалари, почта ва пул маркалари қўпроқ ишланади.

Графика санъати асосан тўрт турга бўлинади.

1. Станокли графика санъати - мустақил характерга эга бўлиб, у илфор-прогрессив ғояларни, фикр-туйғуларни илгари сурадиган, мустақил ҳолдаги яратилган санъат асарига айтилади.

Станокли графикада ҳам теварак атрофдаги воқеа-ҳодисаларни маълум бир сюжет асосида берилиб, унинг ғоявий-мазмуни энг актуал масалаларни ва мавзуларни ифодалайди.

Станокли график асарларни махсус асбобларда, станок ёки мольбертларда ўрнатилган ҳолда қалам, қўмир, туш, акварель, темпера, гуашларда ишланади. Бу санъат асарлари ҳам портрет, натюрморт, манзара. жанрларида яратилади. (.....расм).

2. Китоб графикаси /китоб, журнал, газета/ - станокли графикадан фарқ қилиб, у китоб, журнал, газеталарда берилаётгаи мавзулар мазмуни ва сюжетини кучайтириш, тушуниб олишни осонлаштириш, аниқликлар киритиш ва уларни қизиқарли, чиройли қилиб ишлаб чиқариш мақсадида графикадан тўла фойдаланадилар. Булар муқоваларда ва китоб-журнал ичидаги тематик иллюстрациялар, текстнинг бошидаги "заставка", текстни тугаллашидаги "концовка", абзац бошидаги "инциал" кабилардан иборат бўлади. Китоб ва журналлардаги расмларнинг барчаси мазкур журнал ёки китобда берилаётган асарлар ва

мақолаларнинг энг аҳамиятли, энг қийин, энг юқори - кульминацион нуқталар ёки "тугун", "ечим" каби ўринлар учун ишланган бўлиб, бу расмларни етук расомлар, асарнинг авторларини тавсияси ёки зарурий маслаҳатлар бўйича яратилиди. Шу боисдан расмлар асар мазмунига, сюжети ва асарнинг мақсади ва вазифасига тўла жавоб беради. Рассом асарни тўла ўқиб чиқади, автор ва етук мутахассислар билан асар мазмунини таҳлил қиласиди ва унга расм ишлайди. Расмда бош образлар, персонажларнинг портретлари, воқеалар, содир булган манзаралар кўпроқ воқеа билан бирга берилади. (.....расм).

Китоб графикаси санъатига карикатура жанридаги расмлар ҳам киради. Бу расмлар танқидий мазмунда бўлиб, у сатирик ва юмористик характерида ифодаланади. Унда воқеанинг зарурий томони бўрттирилиб, қизиқарли, кулгили қилиб ишланади.

3. Плакат санъати – ғоят актуал, ҳозиржавоб масалаларни ифода этиб, ғоят жонли, замонавий, зарурий чақириқларга жавоб берувчи санъат асарлари ҳисобланади. Шу боисдан плакатлар тушунтирувчи, чақиравчичи, реклама, агитация-пропаганда қилувчи ва маданий-оқартув ишларида асосий восита бўлиб хизмат қиласиди.

Плакатларни энг кучли, муҳим вазифаларни бажарувчиси – сиёсий плакатдир. Сиёсий плакат халқ учун зарурий, пишиб - етилган, долзарб, жамиятнинг иқдисодий ва сиёсий талабларга ва вазифаларига оид асарларни ташкил этади.

Плакатлар - давлат, ҳокимият, халқ чақириқлари, мурожаатлар, сиёсий ва оммавий воқеалар, ички ва ташқи /халқаро/ масалаларга оид ташвиқот ва тарғиботлар жуда тез ва ҳозиржавоблик билан халққа етказишда бош восита бўлиб хизмат қиласиди.

Плакат рассомлари бадиий ифода жиҳатидан ғоят кучли бўлиши билан бирга, ҳаётни, сиёсат, ижтимоий турмушни яхши биладиган кўпни қўрган, объектив мушоҳада қила оладиган сиёсий жиҳатдан етук бўлиши керак. (.....расм).

Чунки, плакат санъати - одамлар дикқатини ўзига тортадиган, кўпчилик фикр-зикрини ўзига қаратадиган, ифодаланаётган воқеа бўйича бирон-бир хуносага кела оладиган, кишиларни таъсирлантира оладиган, ҳаяжонга сола оладиган даражада ифодаланиши керак.

4. Амалий графика - табрикнома, телеграммалар, конверт юзасидаги тасвирлар, этикеткалар, маркалар, тасвирдаги эмблемалар учун ишланган расмлардан иборат бўлади. Бу кўпроқ нарсаларни безатиш учун тайёрланадиган график тасвирларда ўз ифодасини топади.

Бу тасвирлар ижтимоий ҳаётни муҳим масалаларини ва вазифаларини тарғибот қилиш, энг яхши, кўпчилик учун фойдали маслаҳатлар, кўрсатмалар, воқеа-ҳодисалар билан, давлат ва ҳукуматнинг чақириқларини халққа етказиш бўйича катта хизмат аҳамиятига эгадир.

Ўзбекистонда графика санъати мустақиллик йилларида жуда яхши ривожлана бошланди. М.Кагаров, В.Апухтин, П.Анненков, Ф.Бойматов, Л. Ибрагимов, А.Мамажонов, М.Карпузас, М.Содиқов, Б.Исмоилов, С.Редкин, С.Исоқов, И.Васильев, Л.Тиора, Л.Зуфари, Т.Аюпов, Т.Ахмадалиев, Ю. Алигер, Р.Азизов, А.Лигай, М.Фозилов кабилар катта ижод йўлида фаолият кўрсатмоқдалар.

ҲАЙКАЛТАРОШЛИК

Ҳайкалтарошли санъати - тасвирий санъатнинг энг қадимий турларидан бўлиб, одамлар ҳали расм чизиш ва ёзишни билмасданоқ лой ва ёпишқоқ материаллардан одам ва ҳайвонлар тасвирини ишлаганликлари маълум.

Ҳайкал - воқеликни ёки нарсани уч ўлчовда, ёруғ-соялар бўйича шакл ифодасида кўринадиган тасвирлар асосида фазода ифода этилади.

Ҳайкаллар - кўчаларга, майдонларга, парк-хиёбонларга, зал ва коридорларга, хона ва бурчакларга, биноларнинг пештоқларига, карнизларга, деворларга, медалларнинг юзаларига, танга ва значоклар сатҳларига ишланади. (.....расм).

Ҳайкалтарошлик асарлари мазмуни, моҳиятия ва характерига кўра уч турга бўлинади.

1. Монументал ҳайкалтарошлик - муҳим тарихий воқеаларга, халқ қаҳрамонлари, давлат арбоблари, атоқли шахслар, рассом-ёзувчи-шоирлар, олим-фан арбоблари ва бошқа шахсларнинг хотирасига бағишлиб ишланади. Бундай ҳайкаллар катта, очик майдонларга, кўча бошларига қўйилади.

2. Декоратив ҳайкалтарошлик - биноларни, кўча ва хиёбонларни, боф ва аллеяларни безаш учун ишланган ҳайкалларга айтилади. Декоратив ҳайкалтарошликни монументал ҳайкалтарошликдан фарқи: 1-дан кичик ҳажмда ишланиши билан; 2- яқиндан кўришга мўлжалланиб ишланиши; 3-дан образларни турли психологик кечинмалар асосида ишланиши билан фарқланади.

Биноларни дераза, деворларини безатиш, фонтанлар ва уйлардаги стол устларига қўйишга ишланган, уйинчоқлар шаклида ифодаланиши ва буюмларни юзасига ишланган бўртма тасвирларнинг ҳаммаси декоратив - ҳайкалтарошликнинг турига мансубdir.

3. Дастроҳли ҳайкалтарошлик – мустақил мазмун ва сюжетга эга бўлган, санъатни бошқа турларига кирмайдиган, кўргазма заллари, уйларга, ишхона, ўқув-жамоат жойларига қўйиш учун ишланган ҳайкалларга айтилади. Бундай ҳайкаллар кичикроқ ҳажмда бўлсада, унда инсон психологияси ва ички кечинмалари ўз ифодасини топадт. Шу боисдан бундай асарлар ғоят нозик, ҳистийғулар билан суғорилган бўлади.

Ҳайкалтарошликнинг бу турига: бъюст-одамни ярим белигача ишланган ҳайкали, терракота - лойдан ясалиб, печда пиширилган ҳайкаллар ҳам киради.

Ҳайкаллар тузилаши ва ишланиши методига кўра думалоқ /уч ўлчовда ишланган/ ва қабарик /рельеф/ усулида ишланган турларга бўлинади, Думалоқ баландлик, эни ва узунлик ўлчовда ишланиб, у бирон таглик /станок-дастроҳ/ устига қўйиб ишланади. Уни айланиб кўриш мумкин.

Қабарик /рельеф/ ҳайкалини фақат бир томондан кўрилади. Чункв, уни маълум бир текисликка ишланади. Рельеф усулида ишланадиган ҳайкаллар ҳам

ўз ўрнида иккига бўлинади. Улар барельеф ва горельдан иборат бўлиб, горельеф - текислик юзасадан анча қабариб чиқсан бўлса, барельефда тасвир юза текислигидан бироз /яъни озрок/ чиқсан бўлади.

Тошкент шаҳридаги Метрополитен станцияларини безатишда рельефдан анча яхши фойдаланилган. Шунингдек, А.Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонаси деворига ишланган шоир ва ёзувчиларнинг портретлари эса барельеф усулида ишланган. Ҳайкаллар одатда бўялмайди. Лекин айрим рельеф усулида ишланган декоратив-монументал ҳайкалларни бўяш холлари учрайди. Бу, унинг кўринишидаги таъсирчанлигини ошириш ёки асар сюжети ва мазмунини кучайтириш ёки асар ишланган ўрин, майдон ва понарамани ранг уйғунлигига мослаштириш мақсадида қўлланилади.

Ҳайкалтарошликтининг тарихи бошқа санъат турлари каби Қадимги Мисрдан бошланади. Ҳайкалтарошлиқ асосан Миср, Юнон, Рим, Ҳиндистон, Хитой ва ўрта Осиё давлатларида жуда қадимдан маълумлиги кузатилади. Бу санъат Қадимги Миср ҳайкалтароши Тутмосдан бошлаб, жаҳон ҳайкалтарошлиқ санъатини ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келган Полигнот, Фидий, Поликлет, Мирон, Леохар, Пракситель, Лисипп, Агесандр, Скопас, Микеланжело, Челлини, Физано, Леонардо да Винчи, Пilon, Гиберти, Гужон, Сансовини каби буюк ҳайкалтарошлар кейинги ҳайкалтарошларга хилма-хил йўналишдаги классик мактабларни мерос қилиб қолдирдилар.

Ўзбек ҳайкалтарошлиги XX-асрнинг 40-50 йилларида шаклланиб, жуда секинлик билан ривожланиб келди. Ўзбекистонда ҳайкалтарошлиқни ривожланишида Ф.Гришченко, Д.Рябичев, М.Мусабоев, Д.Рўзибоев, А.Тоиров, Х.Хусанходжаев, А.Ахмедов, Я.Шапиро, А.Бойматов, Ж.Куттимуродов каби рассомлар халқимизнинг ўтмиши, тарихи, ҳозирги ҳаётини оригинал, объектив ҳолатда, реалистик услубларда ифода этиб келдилар ва келмоқдалар.

Ҳайкалтарошлиқ Ўзбекистоннинг мустақиллиги йилларида жуда тез ривожлана бошлади. Бу ўзбек халқининг бир қатор буюк алломаю-бобокалонлари

ва қадимий халқ қаҳрамонлари образларини яратилиши билан ўз ифодасини топмоқда.

Мустақиллик йилларида А.Рахматуллаев, Л.Рябцов, И.Жабборов, К. Жабборов, Э.Алиев, Н.Банделадзе, П.Подосинников, Р.Миртоҗиев, К. Норхўрзов, У.Мардиев, А.Хотамов, Ж.Куттимуротов, А.Бойматов, Т.Тожиев каби рассомлар ижод қилиб келмоқдалар. Улар халқимизнинг мустақиллик йилларидаги ҳис-туйғулари, меҳнат шиҷоати, уларни ота-боболарини сиймоларини юксак маҳорат билан ифода этиб келмоқдалар.

АМАЛИЙ САНЪАТ

Тасвирий санъатнинг энг қадимги турларидан бири - амалий санъат бўлиб, уни асосан безаш санъати дейилади. Амалий санъат ўзининг категориясидан ҳам кўриниб турибдики, бу санъат кишиларнинг амалий ва кундалик ҳаётида, турмушида, уй-жой қурилиши фаолиятида қўлланиладиган, турмушни, оилани, рўзғор-уйларни, меҳнат қуроллари ва рўзғор буюмларини безатиш санъатидир.

Амалий санъат сўзана-палакларга, идиш-товоқларга, гилам-полосларга, рўзғор-мебель буюмларига, кийим-кечакларига, бош ва оёқ кийимларига, атторлик предметлари, меҳнат қуролларига, ўйинчоқларга бериладиган бадиий - безаг композицияларидан иборат бўлади. Меъморчилик санъати дарвоза, хўжалик уйлари, жамоат бинолари, маданият ва санъат саройлари қурилишларида қўлланиладиган бадиий ва амалий безаклар ва қурилишнинг ўзига хос тузилишдаги мослилиқ, шакллар уйғунлигини ифодалайди.

Амалмий санъатнинг матерлалларя асосан олтин, кумуш, мис, бронза, ганч, тош, ёғоч, еуяқ, лой, ип, газлама ва бўёқ кабилардан иборат бўлади.

Амалий санъат қўпроқ бадиийликка, ижодийликка амал қиласиди. Шу боисдан безакларнинг аксарияти такрорланмас, у табиат элементларидан нусха олинган бўлсада, албатта унга ижодий рух, кўриниш ва элемент киритилади.

Амалий санъат ҳам тасвирий санъатнинг бошқа турлари каби жуда қадимдан ривожланиб, кишилар турмушини безаб келади. Инсоният эндигина одам бўлиб шаклланган давриданоқ ўзининг тирикчилигини ўтказиш учун овқатини топиш, уни ейиш, уни тайёрлаш учун зарурий буюм-асбоблар ясаганлар (улар қанчалик примитив бўлмасин). Уларни аста-секин қулай, чиройлироқ, қилиш учун ҳам ҳаракат қиладилар. Кейинчалик меҳнат қуролларини, рўзғор буюмларини, ов ва жанг қуролларини ясаш билан уни безашга астойдил киришганликлари маълум.

«Эрамиздан аввалги 3-минг йиллик ўрталарига келиб, одамлар мисни қалай, қўрғошин, рух ёки сурма билан эритиб, бронза тайёрлашни ўрганиб оладилар».¹ Бу рўзғор буюмлари қурол-аслаҳалар, зебу-зийнат ясашни такомиллаштириб, уларни сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Санъат тарихидан маълумки, ер юзини қайси ўринларида мис ва бронзани топилиши аввал бўлган бўлса, шу халқлар санъатининг, жумладан амалий санъатни анча эрта ривож топганидан далолат беради. Ҳақиқатда ҳам Эрон, Месопотамия, Кавказ ва ўрта Осиёда амалий санъат анча илгарироқ ривожланганлиги санъат тарихига маълумдир.

Айрим манбаларда кўрсатилишича, одамлар олтиндан ҳам жуда эрта /яъни металл асидан бошлаб/ фойдаланганликлари кўрсатилади. Ҳақиқатда ҳам Миср, Ирландия, Франция, Шимолий Америка неолит давридан қолган ёдгорликлар орасида олтин буюмларнинг намуналари учрайди. Одамлар турмушига мис, бронза, олтин, темир каби металларни кириб келиши амалий санъатнинг ривожланишига катта йўл очилганлигидан далолат беради. Одамларнинг санъат соҳасидаги билим ва малакаларини такомиллашиб, металларга суяқ ва ёғочларни қўшиб ишлатишта ўтадилар. Амалдй санъат аста-секин меъморлик санъати билан қўшилиб, ҳар иккала санъатнинг ривожланишида шиддатли даври бошланадики, бу эрамизнинг бошларидан бугунги кунгача бўлган жаҳон

¹ Н.Абдуллаев. Санъат тарихи. Т. 1986 й. 13-бет.

тасвирий санъатининг амалий ва меъморлик соҳасидаги эришилган юксак на-
тижалари билан белгиланади.

Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқлар мисни ўзини яхлит ҳолла ишлатган-
лар /бу тахминан эр.авв. 3 мингинчи йиллар охири ва 2 мингинчи йиллар боши-
га тўғри келади/, сўнгра мисни қалайга қўшиб, бронза олганлари ва жуда кўп
курол-аслаҳа, рўзғор буюмлари меҳнат қуроллари ясаганлар ва уларни безаган-
ликлари маълум. ўрта Осиёнинг Хоразм, Туркманистон, Фарғона, Чуст, Замон-
бобо қўли каби ерларидан топилган жуда кўп ашъёвий буюмлар, безаглар,
меҳнат ва жанг қуроллари, улардаги безакларнинг нозиклиги бу ерларда яшаган
қадимги халқлар амалий санъати ривожидан далолат беради. ўрта Осиё ва Эрон
давлатлари ҳудудида яшаган халқлар динини ўзида мужассам этган "Овесто"
асарини ёзилиши ва уни безатилиши бу ерли халқларнинг тасвирий санъати,
жумладан амалий санъат тараққиёти анча такомиллашганини кўрсатади.

Ўрта Осиё халқлари санъати ва маданияти ривожланишига қаттиқ еалбий
таъсир этган уч салб юриши: Александр Македонский, эр.авв. 4-асрлар; Араб-
лар истелоси эр. VII-VIII асрлари; Чингиз юришларн 13-аср, қанчалик зарар ет-
казмасин, ўрта Осиё, жумладан, ўзбек санъати ўзига хос йўналишда ривожла-
ниб келди.

XX-асрга келиб, ўзбек амалий санъати янги куч, шиддат билан, илмий ва
фан ютуқлари асосида тасвирий санъатнинг бошқа соҳаларига боғланган ҳолда
тараққиёт йўлига кирди.

Ўзбек миллий амалий санъати ўзининг тур, жанр, мазмун ва характеристига
кўра қуйидаги шаклларда намоён бўлиб, улар амалий санъатнинг бутун тари-
хий тараққиёти даврида энг нозик ва такомиллашган композициялар галереяси-
ни ташкил этади.

1. Кулолчилик. Кулолчилик - ганчкорликнинг бир тури бўлиб, табиий
лойдан турли буюмлар ясаш ва уни безатишдан иборатdir. Санъатнинг бу тури
кишилик жамиятининг неолит давриданоқ /эр.авв. 5-мингинчи йиллардан/
ўзлаштириб олинган. Дастрлаб идишларни лойдан тайёрлаб, уни офтобда

куритиб, сўнгра маҳсус печларда пиширилган. Кулолчилик ер юзасининг барча халқларида ривожланган, бунинг боиси шуки, планетамизнинг барча еридаги лой кулолчилик учун ишлатилиш имкониятига эгадир.

Кулолчилик энг аввал қўлда тайёрланган бўлсада, кўп утмай уни становги - чарх яратилган. Чархни эр.авв. 4-мингинчи йилларда Месопотамия, кейинчалик Мисрда ишлатилганлиги маълум. Чархни яратилиши билан бу санъат эркаклар қўлига ўтади. Кулолчиликнинг энг дастлабки иш услублари Осиёнинг тогли районларида ҳалигача сақланиб келади,

Кулолчилик санъати тинимсиз такомиллашиб, ривожланиб келди. У хозирги кунда ўзинг рангба-ранг тур, шакл ва хилларига эга бўлиб, унинг маҳсус завод-фабрикалари мовжуд.

Ўзбек кулолчилиги ҳам жуда қадимдан эр.авв. II-мингинчи йилларданоқ шакллангани маълумдир. Қадимги Хоразм, Чуст, Айритом, Замонбобо, Жонбосс қалъа, Фарғона, Ошқолтепа, Далварзин, Калтаминон ва кейинчалвк Кўхна Ургенч, Хоразм, Хева, Афрасиёб, Бухоро, Кўқон, Шахрисабз кулолчилиги жаҳонга донг таратди.

Ўзбек классик кулолчилиги ўзининг пишиклиги, нозиклиги, чиройли, гўзал композицияси, рангларининг ўзига хос уйғунлиги, тозалиги ва такрорланмаслиги билан ажралиб туради. Айникса Чуст маданиятида эрамиздан аввалги II-мингинчи йилдарда яшаган халқларнинг кулолчилик санъатининг ўзига хос юксак санъати намоён бўлади. Унда такомиллашган кулолчилик, гулли сополлар, нақшинкор буюмларни нодир намуналари яратилганлигини кузатилади. (.....расм).

Феодализм даврида оид магериаллар Афрасиёб, Бухоро, Кўхна Ургенч, Хоразм, Хева, Самарқанд, Кўқон, Шахрисабз каби шаҳарларда кулолчиликнинг нодир намуналари яратилганлигидан далолат беради. Юксак маҳоратли халқ усталари етишиб чиқдики, уларнинг нафис санъати туфайли ўзбек классик тасвирий санъатининг кулолчилик соҳаси ҳам жуда ўзига хос йўналишда такомиллашиб борди. Ўзбек классик кулолчилиги ўзининг пишиқ, нозик, сержило, чи-

ройли, кўркам ва нақшинкорлиги билан жаҳон халқлари кулолчилик, санъати орасида алоҳида ўрин эгаллаб келди. Ўзбек кулолчилигига турли хилдаги орнамент ва нақшлар, ўсимлик ва дараҳтлар, қуш ва ҳайвонлар тасвири асосида яратилган безаглар, турли хилдаги рангларнинг гаммалари ўз аксини топган бўлиб, бу ўзбек санъатининг ўзига хос йўналишини белгилаб келди.

XX-асрга келиб ўзбек кулолчилиги ўзининг янги услугуб ва методлари, санъатнинг нозик қирралари билан бойиб, янада юкеалиб, янада ривожланиб борди. 1930-32 йилларда Самарқанд ва Тошкент керамика заводлари ишга тушди, 1943 йилда Шахрисабз керамика ўқув-устахонаси ишлай бошлади. Сўнгги йилларда эса Ғиждувон, Риштон, Фарғона, Наманган каби қатор керамика завод-фабрикалари ишга тушдики, булар ўзбек кулолчилигини янги эрасини бошлаб берди. Ҳозирги кунда Ўзбек кулолчилиги жаҳонга машхур, ноёб ва но-дир буюмларни яратмоқдалар. Улар Халқаро кўргазмаларда яхши баҳоланмоқда.

Наққошлиқ – нақш чизиш ва яратиш санъати бўлиб, халқ амалий санъатининг энг қадимий турдаридан биридир. Нақш - арабча - гул ва тасвир сўзидан олинган бўлиб, маълум тартибда такрорланадиган геометрик шакллар, табиат материалларининг бадиийлаштирилган тасвирини маълум қоидалар асосида композицион тузилишидан ташкил топган санъат асаридир (.....расм).

Нақшларни ҳам бошқа санъат асарлари каби етук, профессионал рассомлар яратадилар. Улар ўzlари яратган нақшга ном берадилар. Нақшлар, унинг фойдаланадиган материалига кўра композиция, ранг ва уни ишлаш усуллари танланади.

Нақшлар ганч, ёғоч, лой, мис, тош, пахта, газмол-матоҳ ва қофоз каби материалларга бўёқларда, тушларда ва қирқиши, кесшп, тикиш услубида ишланади. Нақш ишлайдиган рассомларни наққошлар дейилади. Нақшни ва уни ўрганадиган фанни "Наққошлиқ" дейилади. Ўзбек наққошлиги жаҳон халқлари нигоҳини беихтиёр тортмоқда. Чунки, ўзбек наққошлигига ранглар, ҳошиялар, симметрия, ритм ва мотивларнинг ғоят нозиклиги, композициядаги жилолар-

нинг жонлилиги ва элементларнинг одамлар табиатига мос келиши, ҳис-ҳаяжонини қўзғата олиши бу нақшларнинг ўзига хос гўзаллигини ифода қиласди.

Ўзбек нақшлари бир-бирига жуда яқин турсада, улар ўзларинининг композицияси, рангларни қўлланиши ва табиат элементларидан фойдаланиш услубига кўра ажралиб туради. Фарғона наққошлари ўз асарларида бодомгули, атиргул, анор ва мажнунтолнинг новдаларидан, гули ва меваларидан кенг, жуда моҳирлик билан фойдаланадилар. Тошкент рассомлари ҳам ўсимлик ва уларнинг гулларидан кенг фойдаланадилар. Лекин, Тошкент нақшларида рангларнинг ғоят нағислиги ва "бодом", "шобарг", "ойгул", "мадоҳил" каби нақшларни усталик билан бир-бирига боғлаб ишлатилиши қўзга яққол ташланади.

Хева нақшида юлдуз шаклидаги грихлар орасида ўсимлик ва гуллардан ташкил топган нақшлар жойлаштириши кўпроқ учрайди. Нақшларда барг шаклидаги безагларни кўплиги, нақш элементларини, кўп ва тигизлиги билан ўзига хос композиция ва жозиба кашф этади.

Бухоро нақши анча мураккаб нақшлар туридан бўлиб, бу нақшда симметрия, ритм, грихлар ғоят аниқ ўлчамлар асосида ташкил топган. Бухоро нақшлари кўпроқ «машрафа», «Ваза», «Коса», «Гулдонлар» услубида яратилиб, уларда гул, барг, мева ва гул буталарининг тасвиirlаридағи ритмларига алоҳида эътибор билан қаралиши, бу нақшларнинг ўзбек наққошлиқ санъатининг энг такомиллашган даражасига кўтарилганлигидан далолат беради. Бухоро нақшлари фақат безаг элементлари бўлибгина қолмай, у предметлар ва меъморлик санъатининг ҳам ажралмас бир қисмига айланиб кетган. Лекин умумий ҳолда қараганда ўзбек наққошлиги ғоят нозик, жозибали, рангларни танланиши, қайсики, аоосан қўк (ложувард), зангори (осмон ранги), яшил, сариқ, қизил, оқ ранглар билан ишланиши ўзига хос майнлик, жозиба, гўзаллик кашф этади. Ўзбек нақшларининг яна бир ўзига хос хусусияти ҳар бир рангдан тақрорланмайдиган туслар яратилишидир. Шунингдек, ёнма-ён қўйиладиган рангларни ғоят юксак дид билан танланиши ўзбек нақшининг так-

рорланмайдиган гўзаллиги ва нафосатини тўла таъминлай олади. Нақшлар юза-
сидаги сайқал эса одамлар кайфиятини оширишда, эҳтиросини уйғотишда ва
нақш чиройини очишда яна бир самарали омил бўлиб ҳисобланади.

Ўймакорлик - ўймакорлик санъаги ўзбек амалий санъатининг узок тарих-
га эга бўлган соҳаси бўлиб, у ёғоч, тош, ганч, металл, суяқ, лой кабиларни ўйиб,
қирқиб, йўниб бадиий безатиш санъатидир. Ўймакорлик санъати ўзининг иш-
ланиши ва материалига кўра турларга ажralади. Унинг ёғоч, суяқ, ганч, тошта-
рошлиқ ва металл ўймакорлиги каби турлари мавжуд.

Ёғоч ўймакорлиги - ҳамма халқлар каби ўзбек халқида ҳам кенг оммалаш-
ган бўлиб, бу санъат уйларнинг шипидан тортиб, устун, хари-тўсинлари, кар-
низлари, эшик-дераза, рўзгор буюмлари, меҳнат қуроллари, болалар
ўйинчоқларигача, безатишка қўлланилади. Бухоро, Хева, Самарқанд, Кўқон ка-
би кўхна шаҳарларда ҳозир ҳам ёғоч ўймакорлигининг нодир намуналари
сақланмоқда. Бу ерлардаги ўйиб гул ишланган устунлар, карниз, айвон
пештоқлари, дарвоза ва эшиклар, кўп қиррали столлар, курсилар, ўқув-ёзув
курсилари ўзининг нозик, гўзал ва тиник композициялари билан кишини
ҳайратга солади, Бу санъат бугунги кунда ҳам ўз мавқенини йўқотмай, тобора
такомиллашиб, янги-янги мазмун ва характер олиб, ўзбек меъморчилиги ва
амалий санъатда етакчи санъат тури сифатида ривожланмоқда.

Суяқ ўймакорлиги - асосан фил, кийик, морж ва бошқа ҳайвонларнинг шох
ва суякларга ўйиб пардоз бериш, гул ва накшлар ишлаш санъати бўлиб
ҳисобланади. Бу санъат анча мураккаб бўлиб, санъаткор энг аввал суякни
маълум бир шаклга келтириб, сўнгра унга пардоз беради ва ўйиб нақш ёки би-
рон тасвир ишлайди. Бу санъат ҳам бугунги кунда жуда кўп ёдголик буюмла-
рида кенг қўлланилмоқда.

Ганч ўймакорлиги - бугунги кунда кенг қўлланилаётган меъморлик санъа-
тининг ажralmas қисми бўлиб қолмоқда. Ганч оқ рангда бўлиб, уни гипс ва
тупрок аралашмасидан тайёрланади. Ганч санъати - безаги учун аввало девор
ганч билан сувалиб, уни текисланади. Сўнгра юзага улги (максус ганчни ўйиш

асбоби) ёрдамида тасвиirlар (нақш ёки бирон безатиш элементи) чизилади. Сўнгра тасвиirlарнинг катта ҳажмдагилари ўйиб чизилади ва кейин майда элементлар ўйиб олинади. Тасвиirlар тўла ишлаб бўлингач, пардозланади.

Ҳозирги кунда Тошкент метрополитенларининг барчасида ўзбек ганчкорлигининг нодир намуналари қўлланилмоқда. Ҳозирги кунда республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқ, посёлкаларида ганч ўймакорлиги санъатидан санъат саройлари, вокзаллар, кино-театрлар, клублар, мактаб, ўкув юртлари кабиларни безатилишида кенг фойдаланилмоқда. Шу боисдан ҳам бу санъат ўзининг янги-янги қирралари билан бойиб, такомиллашиб бормоқда.

Ўймакорлик санъатининг бошқа турлари - металл, тош кабилар ҳам бугунги кунда жуда кенг кўламда қўлланилиб келинмоқда. Металл ўймакорлигининг классик традициялари давом эттирилиб, бугунги кунда рўзғор буюмлари, заргарлик буюмлари, меҳнат қуроллари ва ёдгорлик буюмларини безатилишида кенг қўлланилмоқда. Тош ўймакорлиги ҳам ҳозирги кунда кўпроқ биноларнинг пештоқ ва фасадлари, монументал ёдгорликлар, ҳайкаллар ва бошқа ёдгорлик буюмларини тайёрлашда кенг қўлланилмоқда. Мармар тошлардан бу мақсадда жуда кенг фойдаланилмоқда.

Зардўзлик. Зар ип ва ипакдан тўқилган қимматбаҳо материал - газмолларга зарланган ип билан гул ва нақшлар ва бошқа тасвиirlар композициясини тикиш санъати - зардўзлик дейилади. (..... расмлар).

Бу санъат эрамизнинг 1-2 асрларидан маълум бўлиб, бу Ўрта Осиё халқларида шаклланди ва ривожланди. Айниқса, Бухоро зардўзлиги ўзига хос услуг ва йўналишда ривожланди, такомиллашди. Зардўзлик икки турда бўлиб, икки усулда яратилади,

1. Заминдўзи - зар тикиладиган нақш ёки гулни таги - материали ҳам зар ип билан тикилади.

2. Гулдўзи - зар тикиладиган нақш, гул ёки тасвиirlни таги (фони) - яъни тасвиirl тикиладиган юзага ҳеч қандай ишлов берилмай нақш ва гуллар зар ип билан тикилаверилади.

Санъатнинг бу тури ўзининг Ватани бўлмиш мустақил Бухорода бугунги кунда ҳам ўзига хос йўналишда равнақ топмоқда.

Хозирги кунда Бухорода иккита зардўзлик корхонаси бўлиб, уларда зар дўппи, нимча, телпак, чопон, махси ва бошқа совға-ёдгорлик буюмлари тайёрланмоқда. Бугунги кунда жуда кўп хонадонларда, музейларда, ишхона ва ўқув юртларида бу санъат кошонасининг ажойиб, юксак дид билая сайқал бе-риб яратилган буюмларини учратамиз. Халқимиз маданиятини ривожланти-ришда, чиройли кийинишимизда, турмушишимизни гўзаллашиб боришида бу са-нъатни ўзига хос ўрни ва мавқеи албатта таҳсинга сазовордир.

Газламага гул босиш. Маъдумки, газламалар тўқилганидан сўнг унга мах-сус ишловлар берилади» Газлама туки-ни тукишлиб, текисланади (яъни, охори тўкилади), сўнгра бўялади. Шунингдек, газламаларни ишлатилиши мақсадига кўра гул солинади.

Гул босиш газламани ўнг томонига турли ранглардэ, махсус машиналар (Жиккард станогида) ёрдамида гуллар босилади.

Маълумки, ўзбек газламачилигига алоҳида ўрин эгаллайдиган мато - ат-ласдир, Атлас - арабча сўздан олинган бўлиб, туксиз, силлик, ўрими ҳам, арқоғи ҳам табиий ипакдан тўқиладиган газламадир. Атласга гул ва нақшлар рангли ипаклар, яъни уни тўқилиши давридаёқ рангли иплар билан гул босила-ди. Атласга тушириладиган безак-нақшлар унинг ишлатилиши, фойдаланиш ўрнига кўра рассомлар томонидан тайёрланади. Шу нақш ва гуллар бўйича махсус рангли иплар тайёрланади.

Ўзбек атласининг шуҳрати жаҳонга тарқалдики, бу ўринда Марғилон, На-маяган, Қўқон, Андижон ва Самарқанд атлас фирмаларида яратилаётган нақшинкор атласлар ўзининг бежирим, майин, гоят чиройли нақш ва кўринишлари билан алоҳида ажralиб туради. Бугунги кунда ўзбек атласининг «Қора атлас», «Бахри карам», «Ҳосиятхон», «Наманган», «Намозшомгул», «Яхудий», «Нодира», «Нурхон», «Марғолон», «Лайли», «Ширин», «Янги Тош-кент», «Саодат», «Лола» каби турлари мамлакатимизда ва бошқа чет элларда

катта шуҳрат қозонган. (.....расмлар). Буларнинг энг асосида кўпроқ рассом ва бўёвчи тўкувчиларнинг ғоят эътиборли ҳамкорлиги ва юксак дидли кузатувчанлиги ётади.

Ўзбекистонда ҳамма турдаги газламалар тўқилади ва уларга рассомларнинг классик ва ҳозирги замон услуби, шакл ва ранглар воситасида тайёрланган гул ва безаглар берилади. Уларнинг кўпчилиги станокларда босилади. Гул ва нақшларни яратишда безаг ва тасвиirlар табиат материалларидан (барг, гул, шохчалар, мева-сабзавотлардан) қуш ва ҳайвонлар тасвиридан, рўзғор буюмлари ва бошқа предметлар тасвиридан фойдаланилади.

ДИЗАЙН САНЬАТИ

Дизайн санъати амалий, бадий ва график санъатдан иборат бўлади. Бу санъат асосан техника ва унинг тараққиёти йўлида хизмат қиласи. Шу боисдан уни «саноат эстетикаси» ёки «техника санъати» деб ҳам юритилади.

Маълумки, техника одамлар меҳнатини енгиллаштириш ва яратувчилик фаолиятига қулай имкониятлар ҳосил қилишнинг муҳим омилидир.

Техниканинг содда, қулай ва кўркамлиги ишчининг меҳнат шароитини яхшилайди, кайфиятини оширади. Шу боисдан меҳнат куроллари, рўзғор буюмлари, техника воситаларини, унинг янги-янги форма ва турларини яратилиши жамият иқтисоди ва моддий-маънавий ҳаётини бошқаришда муҳим роль ўйнайди.

Маълумки, рўзғор буюмларидан тортиб, моддий-маънавий буюмлар, меҳнат қуроллари, транспорт, техника, ишлаб чиқариш воситалари ва механизациянинг барча авлоди саноат маҳсулотлари ҳисобланади. Чунки, уларнинг барчаси завод-фабрикаларда, устахона ва цехларда тайёрланади.

Одамларнинг ҳаёти ва фаолияги учун техника воситалари ёрдамида; ишлаб чиқариладиган барча буюмлар ва предметларни ижтимоий-маданий ва эстети-

каси масалалари билан техника эстетикаси фани ёки дизайн санъаги шуғулланади.

Дизайн санъати фани - тасвирий санъатнинг энг янги турларидан бўлиб, у рассом – конструкторлик санъатидан иборатdir. Бу санъат фанини асосан саноатни бадиий лойихалаш фаолиятининг назарий асоси, унинг ижтимоий-иқдисодий ва тарихий тараққиёти қонуниятлари, шунингдек, бадиий лойихалашнинг принцип ва методлари, ясовчи (конструктор) рассомларнинг ижодий фаолиятлари каби масалаларни ўрганади.

Дизайн санъати умумий ва бадиий лойихалаш санъатдан иборат бўлиб, у машиналарни, техника воситаларини, бино фасадлари, деворларини, қўл асбобларини, рўзгор буюмлари, кийим-кечакларнинг янгидан-янги турларини яратадилар. (.....расмлар). Дизайн санъати бу яратишни инсон меҳнати билан гўзалликни ёнма-ён қўйган ҳолда амалга оширади. Бу ўз ўрнида кишиларни чиройли-гўзал, қулай, яхши меҳнат қилиш ва яшашга ўргатади ва уларни юксак дидли, меҳнатга муҳаббатли, маънавий-маданиятли, табиат ва жамият гўзаллигига юксак эҳтиросли қилиб тарбиялади.

Ўзбекистон Президентининг кўрсатмаси асосида мустақил Ўзбекистоннинг техника эстетикаси илмий-тадқиқот институти ва «Миллий санъат ва дизайн» институтлари ташкил этилди. Бу институтлар саноат эстетикаси ва техника санъатининг назарий-амалий масалалари ва бу соҳа бўйича миллий хабарлар тайёрлаш билан шуғулланади.

ФОТО САНЪАТИ.

Фотография. Фотография санъати - реаль, борлиқни, аниқ, ўзидек (натурал ҳолда), ҳеч қандай қўшимчалар киритмай фан ва техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ифода этиш санъатидир.

Сўнгги йилларда фотография техникасини ривожланиши ва унинг ғоят уста, изланувчан, табиат ва жамиятнинг энг нозик сирли ҳолатларини топа олади-

ган яратувчиларини дунёга келиши билан фотография асарлари одамлар ҳайратини оширмоқда. Шундай фото расмларни кўрасизки, у одамларда бадий жиҳатдан юксак қадрланишига шубҳа туғдирмайди. Шу боисдан фотография санъатини тасвирий санъатининг бир тури деб қаралиши лозимлиги аниқ бўлиб қолмоқда. Чунки, бу санъат ҳам одамларга эстетик завқ-шавқ беради, одамларни оғирини енгил қиласи, одамларни тарбиялайди, ўзидан бутун бир мерос қолдирмоқда, Бу санъат ҳам бугунги кунда одамлар билан, унинг меҳнати, ҳаёти, фаолияти ва ижоди билан ҳамнафас бўлиб яшамоқда, (.....расмлар).

Мана қаршиңгизда В.Клепконинг "Ўзбекистон табиати эҳсони" фотоси у ўзининг оригиналлиги, инсоният меҳнати билан яратилган меваларни, ҳар қандай одам учун хузур бағишлиши кабилар ва предметларни ўзаро боғликлиги, ранг ва шаклларнинг уйғунлиги кишини ҳайратга солади.

Фотография санъати ҳам тасвирий санъат каби ўзининг тур ва жанрларига эга. Унинг портрет, манзара, турмуш, тарихий каби жанрлари мавжуддир.

Фотография санъати XIX асрнинг 30-йилларидан ривожланган бўлсада, бугунги кунда у аралашмаган, у қўмаклашмаган соҳа қолмади десак, тўғрироқ бўлади, У кино, телевидение, китоб босиш, журнал газеталар нашрида, қадимги тарихимизни ўрганишда ҳам йўқотилган изларни топишда (креманилисталарга) ҳам, бугунги тарихимизни яратишда ҳам самарали восита бўлиб қолмоқда. Бу санъат ёш авлод тарбиясида ҳам муҳим восита бўлиб қолаётгани сир эмас.

ИКЭБАНА САНЪАТИ

Икэбана - тасвирий санъатнинг бир тури бўлиб, японча «тирик гулларнинг бадий композицияси» демакдир. Икэбана санъати одамларга энг аввало олий даражадаги руҳий кайфият бахш этади. Сўнгра инсониятни борлиққа, табиатга, одамлар меҳнатига муҳаббати руҳида тарбиялайди. Кишиларни эстетик ва бадий дидини устиради, меҳнатга, ижодга илҳомлантиради.

Икэбана санъати ўзининг тузилиши ва мазмунига кўра пайдо санъатдан фарқ қилиб, у кўпроқ ҳайкалтарошлик санъатига яқин туради. Чунки, бу санъат

композициясими бир томондан эмас, уни айланиб, ҳар томондан кўриш ва томоша қилиш имконияти мавжуддир.

Икэбана санъати кишиларни яшаш жойлари (кватира, меҳмонхона, умумий ётоқхоналар каби) га, ўкув, илмий муассаса хоналари (болалар муассасалари, мактабларнинг синфлари, аудитория, илмий лабаратория, кабинетлар, кафедра хоналари) га, меҳнат ва иш ўринлари (авлод, фабрика, устахоналар, уларнинг зал ва коридорлари, инженер ва консультацион бюролари хоналари) га, маданий-муассасалар, соғлиқни сақлаш муассасалари ва дам олиш уйлари, кинотеатр, цирк вестюбиллари ва поелари кабиларни безатилишида кенг кўлланиладига энг кулай ва жонли, тарбиявий санъат воситасидир.

Бу санъат нафакат безатиш воситасигина бўлиб қолмай, японларнинг таърифлашича, у табиатнинг бир кичик қисмини мохир рассомнинг юксак маҳорати билан исталган жойда, исталган даврда, исталган шароитда барпо этишдир, ёки яратишдир.

Бу санъатдан фойдаланиш ўрнига, жойига ёки обьектига кўра турли материаллардан фойдаланиб, турли методларда тайёрланади.

Икэбана композицияси учта - гул, барг, шохча – элементларидан ташкил топган бўлиб, бу элементларнинг уч ҳолати композиция бутунлигини, яхлитлик, тўлалигини, мазмуни ва гўзаллик-чиройини ифода этади. Композиция элементларининг уч ҳолатини:

I-чиси - композициядаги энг узун, баланд, ҳажмли шохча бўлиб, у бутун композициянинг мазмуни ва характерини ифодалайди

II-чиси - композициядаги ўртача узунликдаги шохча ёки гул (барг) бўлиб, бу композиция, мазмунини тўлдиришда, ранг ва пропорция бирлигини таъминлайди.

III-чиси - элементлар ичидаги энг кичик элемент бўлиб, у композиция мавзусини, характерини, мазмунини, ранг ва пропорцияларни тенглаштиришда, ранг уйғулигини таъминлашда ёрдамчи элемент бўлиб ҳисобланади. (.....расм).

Икэбана композициясини чиройли, ёқимли, мақсадга мувофиқ чиқишининг асосий хусусияти ва талаби, шарти элементларни баланд-пастлигига, рангларни тўғри танланганлигига, композиция учун танланадиган идишнинг шакли, ранги ва материалига, шунингдек, оренжировка қилинган композицияни қўйиладиган ўрни, жойи ва объектига қай даражада мосланганлигига боғлиқдир. Шу боисдан, икэбана оранжировка учун танланадиган идишларга эътибор ва талаб алоҳида қўйилиб, улар чинни, фарфор, хрустал, шиша, керамика, пластмасса, металл, ёғоч кабилардан тайёрланган маҳсус идишлар бўлади. Бу идишлар баланд бўйли вазалар, паст бўйли лаган, тарелка, корзинка шаклидаги идишлардан иборат бўлади (расмлар).

Икэбана санъати бундан 600 йил муқаддам Японияда ташкил топиб, унинг 60 га яқин тур ва услублари вужудга келган бўлсада, унинг Икеноба, Нагеира, Морибана, Охара, Согецу каби мактаблари ўзига хос услуг ва йўналиш яратдилар, бу санъатни ривожланишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Икэбана санъатининг жаҳон халқлари санъати орасига асга кириб бораётган бугунги кунда, Японияда бу санъатнинг яна бир янги тури – Акобана санъати вужудга келди. Бу санъат - қуритилган гул, барг, шохча, мева, ҳайвонлар, ва бошқа табиат материалларидан қайта ишлаш асосида маҳсус рамка ичидаги композиция яратишдир.

ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ ЖАНРЛАРИ.

Тасвирий санъатнинг қайси бир асари бўлмасин, у ўзининг ғоявий мазмуми ва сюжетига қўра бирон-бир жанрда ифодаланади. Тасвирий санъатнинг тарихий, одам юзи (Портрет), ҳарбий, майший, манзара, күш ва ҳайвонлар тасвири (анамалистик) ва натюроморт каби жанрлари мавжуд (расмлар).

1. Тарихий жанр. Тарихий жанрда яратилган асарлар эиг аввал тарихий воқеалар, тарихий шахслар, тарихий муносабатларни ифодадайди.

Бу жанр жуда қадим замондан Қадимги Миср санъатидаи бошланада ва ривожланиб келди. Бу санъат Миср меъморчилиги билан, яъни Малика Нефретари мақбарасидаги рангли бўртма тасвиirlардаи бошланиб, бугунги кундаги метрополитен залларига ишланган тасвиirlаргача ривожланиб келди. Бу жанр портрет ва манзара жанрига жуда яқин туради. Бу жанрда қадимги ҳайкалтарошлар, рассомлардан тортиб, уйғониш даври, Европа, Осиё ва мамлакатимиз рассомчилигини етук усталари ишлаб келдилар.

2. Ҳарбий жанр. Ҳарбий саркардадар ва жанг манзарапарини ўз сюжетида ифодалаган асарлар ҳарбий жанрига мансуб бўлади. Бу жанр ҳам жуда қадимдан Шарқ ва Ғарб халқлари санъатида ўз ўрнини топган.

3. Одам юзи тасвири (портрет) жанри. Тасвирий санъатнинг энг мураккаб жанрларидан бири одам юзини тасвиirlаш бўлиб, бу рассомдан шакл, нисбат ва рангларни моҳир устаси бўлиш билан бирга, одам шахсини, яхши тушуниши, унинг психик ҳолатини идрок эта олиши, унинг ҳис-туйғуларини кўра олиши, юз таранглиги, юздаги рангни расм ишлаётгандаги ҳолатига мос келиши, кишининг юрагидаги бўлаётган ўзгаришларни, психик ҳаяжонни реал ҳолда ифодалаш малакаларига ҳам эга бўлиши керак, чунки, асар тасвиirdаги кишини кимлигини, ёшини, феълу-одатини, амал-унвонини, ҳатто гавда тузилиши, бой-камбағаллигтши ҳам кўрсатиб бериши лозим.

4. Манзара жанри. Бу жанрдаги санъат асарлари асосан табиат, денгиз кўринишлари ўзига хос бадиий, реал услубларда тасвиirlашни ифодалайди. Чунки, тасвиirlашдаги ранглар асосан табиатдан олинади. Табиат кўринишлари эса ранглар воситасида ўз ифодасини топади. Бу жанр ҳам жуда қадимдан Қадимги Миср, Греция, Римдан бошланади. Айниқса, Уйғониш даври, Европа ва Ўрта Осиё рассомлари бу жанрни ривожланишига алоҳида мактаб яратдилар.

5. Маиший жанр. Бу жанрдаги асарларда одамларнинг кундалик ҳаёти, турмуши, меҳнати, урф-одати, маданияти, фани, дини, эътиқоди, дунёқарашлари ўз ифодасини топади. Маиший жанр ҳам қадимдан ривожланиб

кслди. Айникса, уйғониш даври, Ўрта Осиё феодал даври, Европанинг сўнгги даврлари санъатида бу жанр алоҳида урин эгаллайди.

6. Натюроморт жанри. Натюроморт жанри - табиатнинг жонсиз предметларини ўз полотноларида акс эттиради. Унда гул, мева, рўзгор буюмлари, меҳнат қуроллари, ўқув, санъат, спорт буюмлари, тўкин дастурхон кабилар ўз ифоласини топади. Натюроморт асарларида нарсалар ва предметларнинг бир мазмундаги тўплами ўз ифодасини топади. Унда жонсиз предметлар ранглар воситасида жонли табиатга айланади. Бу жанр қадимги Миср меъморчилиги деворларига, фрескаларига ишланган расмлардан - Эллинизм мозаикаларидан бошланади.

7. Анамалистик – қуш ва ҳайвонларни тасвиirlаш жанри. Тасвирий санъатнинг қуш ва ҳайвонларни ифодалайдиган бу жанри асосаи ҳайвонот ломини ифода этадиган асарлардир. Маълумки, ҳайвоиот олами инсон ва табиат билан бирга, ёнма-ён яшайдиган жонзотдир. Бу албатта рассомларни тасвиirlаш обьекти бўлмаслиги мумкин эмас. Шу боисдан тасвирий санъат ижодиёти бошланиши биланоқ, бу жанрга қўл урилганлиги маълумдир. Бу жанр кўпроқ ҳайкалтарошлиқ ва деворий расмларда ўз аксини топиб келди. Ҳозирги кунда бир қатор рассомлар бу жанрда самарали ижод қилмоқдалар.

Тасвирий санъатнинг қайси бир тури ва жанри бўлмасин, у албатта бир-бирига боғланиши, бир-бирини тўлдириши ҳақиқий санъатнинг бош принципидир. Шу боисдан айтиш мумкин-ки, тасвирий санъатнинг ҳамма тур ва жанрлари бир-бири билан боғлайиб, тўлдириб келда.

Ҳар бир санъат асарини кузатар экансиз, сиз унда портретни, манзарани, турмушни, тарихни, меъморлик обидаларини ҳам кўрасиз.

Сиз Қадимги Миср, Юнон, Рим, Ҳиндларнинг деворий рельефларидан, ҳайкалларидан тортиб, уларнинг Афродиталари, Венералари, Ҳинд Онаси ва раққосаларигача, ўрта аср Мадонналаригача, Рубейс гўзалларигача, Рембрандт портретларигача, Делокуранинг Озодлик онасигача, Деганинг раққосаларигача, Ренуарнинг рангтасвиirlари, К.Бехзоднинг «Зафарнома»-ю, «Бўстон», «Лайли ва Мажнан»ларигача, М.Мухахибининг «Навоий», «Султон Санжа-

ри»гача, В.Воснедовнинг «Уч баҳодир»и, Брюлловнинг «Помпейнинг сўнгги куни»гача, Белолининг «Чўмилаётган гўзал»игача, Ремпнинг «Волга бурлоклар»гача, Левитан ва Корахоннинг «Олтин Кузи»гача, Хруцкий ва Машқовларнинг «Натюрмортлар»и-ю, Р.Чориевнинг «Бахори»-ю, Р.Ахмедовнинг «Оналик» асарлари гача назар ташлар экансиз, санъат инсониятга нима учун керагу, у нима беради, санъат инсоният тарбиясида, уни ҳаётга, турмушга тўғри қарашга ўргатишда, меҳнат гўзаллигини, инсон баҳтини нимада эканлигини, инсон нима учун яшashi ва курашиши зарурлигини тўла тасаввур қиласиз.

Санъат – инсониятга ақл-идрок, гўзаллик туйғуларини, илм-тафаккур, меҳнат ҳурмат, инсонга садоқатли бўқлишни, табиатга-жамиятга эстетик дид, ҳис-туйғулар билан қарашга, одамлар тақдирига, юксак эзгулик фазилатлари билан қарашга мойиллик беради, шахс камолатини тўлдиради ва яратади.

МЕЪМОРЛИК САНЪАТИ

Меъморлик - кишилик жамиятининг энг қадимий илмий, амалий ва маданий фаолияти бўлиб, у инсон камолотининг ёрқин йўлини ифода этади. Меъморлик - асосан уй-жой қурилиши билан боғлиқ бўлиб, унинг қонун-қоидаларини ва тарихий-таракқиётини ўрганувчи фандир. Маъморлик кишилик жамиятини ижтимоий-маиший, ғоявий-бадиий эҳтиёжларига хизмат қиладиган, турар-жой ва меҳнат фаолияти учун бино-иншоотлари қурилишидан иборатдир. Меъморлик кишилик жамияти шаклланиши билан пайдо бўлиб, у билаи бирга ривожланди, такомиллашди, жамият ўзгариши билан ўзгарди, у шаклмазмун ва характер жиҳатидан такомиллашди, асрлар оша ўз мазмuni билан жамият талабига жавоб бериб келди (расмлар).

Инсоният энди шаклланганда оддий гор ва чайлалардан бошлаган меъморлик илми ўз бошидан ибтидоий, қулдорлик, феодализм, капитализм, социализм

жамиятларини кечириб, ўзига хос тартибда ривожланиб келди. Бу даврлар мейморлик санъати тараққиёги натижасида Миср эхромлари, Миссопотамия пирамидалари, Юнон акрополлари, амфитеатрлари, ибодатхоналари, Рим гумбазлари, равоқлари, Самоний, Амир Темур мақбаралари, Самарқанд регистонлари, Французларнинг Реймее собарлари, Ҳинд Тожмаҳали ва Москва кремли ансамбллари дунёга келди. Бу обидалар ўртз асрнинг роман, готика, дорий, ионий, коринф ордерларини, карнiz, фриз, капители, колонна, база каби мейморлик категорияларини яратиб, булар жаҳоннинг буюқ, мейморлик обидаларини яратишнинг асосий элементлари бўлиб хизмат қилди.

Ўрта аср мейморчилиги ўзига ҳайкалтарошлиқни ва деворий рангтасвирини олиб кирди. Оддий лой ва хом ғишталар билан бошланган мейморлик материаллари пишиқ ғишталар, кошинлар, тош ва мармар плиталаргача кўтарилиб борди. Жаҳон мейморлик санъатида яратилган бино ва иншоатларни ўз ҳажмини кенгайтириш билан бирга, у баландликка ва ер тубига ҳам ўсиб борди. Осмонўпар бинолар билан бирга юз метргача бўлган чуқурликдаги ер ости қасрлари (метрополитенлар) XIX-XX аср мейморчилигининг буюқ тараққиёт йиллари бўлди.

Ўрта Осиё мейморчилиги қарийб, 3000 йиллик тарихий-тараққиёт ёшига эга бўлиб, у ҳам оддий лой, пахса, хом ғишт, ёғочлар билан бошланиб, жаҳоннинг энг гўзал обидаларини, шахарларини (Олтинтепа, Намозтепа, Жонбосқалъа, Кўйқирилганқалъа, Тупроққалъа, Тешикқалъалари, Кўхна Ургенч, Афросиёб, Ўтрор, Бухоро, Самарқанд, Хева, Варахша каби шаҳарлари) дунёга келди. Уларда мейморликни энг нодир услугуб ва қоидалари ишлатилди. Геометрик тушунчалар, ритм, оҳанг, пропорция, композиция кабиларни Абу Наср Форобий (873-950) мейморчиликда қўлланиши ҳақида бундан карийб 1000 йил аввал ўзининг қонун-қоидаларини яратиб берди. Мейморчиликнинг геометриал қонунлари ҳақида Форобий 10 та китобдан иборат асари узоқ йиллар Европада мейморлар учун қўлланма бўлиб келди. Мейморлик илми Ўрта Осиёда анча йиллар муқаддам фан сифатида бошланган. Аммо қурилган обидаларнинг мейморларининг номи ва фамилиясини ёздиришмаган. Лекин бечора

меъморлар ўз номларини ўз асарлари мазмунига сингдира олганлар. Улар мутахассис назариётчи-меъморлар илми билан аста аниқланмоқда.

Бухородаги Калон минорасини Усто Бақо томонидан 1127 йилда қурилди. Жаркўрғон минораини 1108 йили меъмор Али Серахойй томонидан қурилган. Шахрисабз Оқсаройини Мухаммад Юсуф 1400 йилда, Гур Амирни Муҳаммад Исфаҳоний кабилар ва умуман ўрта аср ўзбек меъморчилигига Шамсиддин, Зайнидлин Бухорий, Бадириддин Самарқандий, Али Нафасий, Устод Фахрали, Юсуф Шерозий, Уста Сиддиқ каби меъморлар катта ижод қилдилар.

Шўролар даврида Ўзбекистон меъморчилигини асосан Рус меъморлари олиб бордилар. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Бухоро каби шаҳарлар меъморчилигига ҳозирги замон меъморчилиги ютуқлари қўлланилди. Бу даврда Европа меъморчилиги таъсири анча кучли бўлди. Сўнгти йиллардагина миллий услублар қўлланила бошланди (расмлар.....).

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, миллий меъморчилигимиз қайта тиклана бошлади. Мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида бунёд этилаётган кўп қаватли бинолар ўз чиройини ўзбек миллий меъморчилик анъаналари билан намойиш эта бошлади. Мустақиллик йилларида Р.Шокиров, Ю.Холдаев, А.Турдиев, Р.Ёқубов, Ф.Турсунов, В.Акопджанян, Н.Валиева, Н.Банделадзе каби меъморлар ижод қилмоқдалар.

II – ҚИСМ

ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖЛАРИДА

ТАСВИРИЙ САНЬАТ

**РАСМ ЧИЗИШНИ
ҮРГАТИШ**



Расм чизиши ўрганмоқчи бўлган кишининг бирон куни қаламсиз ва машқсиз ўтмаслиги керак.

ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖЛАРИДА ТАСВИРИЙ САНЬАТ

Педагогика коллажларининг бошланғич синф ўқитувчисини тайёрлайдиган бўлимларда ўрганиладиган тасвирий санъат фани бўлимнинг асосий ўкув предмети ҳисобланади. У бўлажак ўқитувчи-педагогларни тасвирий санъатнинг назарий ва амалий асослари билан қуроллантиради.

Расм чизиш, нарсаларни бадиий безаш, предметлар шаклини лой ва пластилинда ясаш, шунингдек, реалистик расм ишлашни илмий асослари билан қуроллантиришни мазкур курс машғулотлари амалга оширади.

Тасвирий санъат курси ўзининг мақсади ва вазифасидаи келиб чиқсан ҳолда ўз мазмунига кўра: нарсани ўзига қараб қаламда расм ишлаш; нарсаларни якка ва гурух ҳолатидаги расмини ранг ва бўёқларда тасвирлаш; тематик композициялар тузиш ва улар расмини акварел ва бошқа бўёқларда тасвирлаш; буюмларни бадиий безатиш; лой ва пластилинда турли ҳайвонлар ва одам тасвирини яратиш каби фаолиятларни киритади.

Машғулотларда теварак-атрофдаги нарса ва воқеаларни ўзига қараб хотира ва тасаввурда реалистик тасвирларини яратилади. Нарсаларни, буюмларни ва объектларни бадиий жиҳатдан безатишни ҳозирги замон эстетик талабларидан келиб чиқилган ҳолда бажариш таъминланади.

Нарсалар ва предметларни /қуш-ҳайвонларни/ натурал ва бадиий тасвирларини лой ва пластилинда ишлаш малакаларини ўқувчиларга сингдириб борилади.

Шунингдек, дарсларда рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик ва амалий санъатнинг ижодий асарлари ҳам ўрганиб борилади.

Машғулотлар жараёнида бўлажак педагог-ўқитувчилар тасвирашнинг қалам, қофоз, акварел, гуаш бўёқлари, пастел, рангли бўрлар, туш, резина-ўчириғич, фламастер, турли хил кистлар, щеткалар, плакат перолари, пластилин, лой, рангли қофозлар билан ишлаш малакаларини оладилар.

Педагогика коллежларида ўрганиладиган тасвирий санъат курси фаолиятининг самарадорлиги учун ва бўлажак тарбиячиларга бериладиган назарий ва амалий билимларни оистемали, изчил, илмий, пухта, асосли бўлиши учун тасвирий санъатни ўқитилишини классик, традицион услубларига асосланган ҳолда ҳозирги замон рассом-педагог олимларнинг назарий ва амалий тавсиялари бўйича нарсани ўзига караб расм чизишдан бошланади.¹

Нарсани ўзига қараб расм чизиш реалистик расм чизишнинг гениал асоси бўлиб, у ўқувчиларга энг аввало расми чизиладиган нарсаларнинг шакли, тузилиши, ранги, мазмуни ва моҳиятини материалистик нуқтаи-назардан кўришни, билишни, идрок эгишни ўргатади. Иккинчидан, нарсаларнинг тузилишидаги асосий ва иккинчи даражали элементларини топа билишни, улар тасвирини яратишда деталлар конструкцияси ва композициясининг пропорционаллигини таъминлашда муҳим услуб бўлиб ҳисобланади. Сўнгра, тематик композиция, амалий безак санъати, лой ва пластилин билан ишлаш, санъат асарларини ўрганиш бўйича назарий ва амалий билимлар бериш машғулотларида тасвирий санъат ўзининг машғулотлари мазмунини ифода этади.

НАРСАНИ ЎЗИГА ҚАРАБ РАСМ ЧИЗИШ.

Нарсани ўзига қараб расм чизиш - расми чизиладиган нарса, объект ва воқеани расм чизувчининг бевосита қузатуви асосида бирон-бир текисликда ифодаланишидир.

Расми чизиладиган нарсани натура дейилади (расм).

¹ Расм чизишнинг энг самарали услуби – натурал ва геометриал услубдир. Чунки, расм чизишни сөрганиш натурага ҳараб, геометрик շуришлар асосида расм чизиш билан олиб борилади. Бу услуб энг самарали, замонавий, классик ва традиционл услубдир.

Расмини чизиш учун бирон таглик устига ёки бирон текисликка, маълум бир мавзу ёки композиция асосида расмини чизиш учун мослаштириб қўйиладиган натура ёки натюроморт постановка дейилади (расм).

Натюроморт эса - расмини чизиш учун қўйиладиган натура ёки постановка-даги икки ва ундан ортиқ бирон-бир мавзуда, мазмунда бўлган предметлар тўпламига айтилади (расм).

Натура қўйиладиган маҳсус мосяма (установка) ни таглик (подставка) дейилади. (расм).

Натурани тагига, орқасига маҳсус ранг, ёруғлик ҳосил қилиш учун қўйиладиган мато материални фон материали ёки драпировка дейилади. (расм).

Натюромортни ҳосил (ташкил) қиласидиган нарсаларни - натюроморт предметлари ёки элементлари дейилади.

Педагогика билим юртида ўрганиладиган нарсани ўзига қараб расм чизиш икки йўналишда: "қаламтасвир", яъни қалам билан расм ишлаш ва "рангтасвир", яъни «акварель» бўёғи билан расм ишлаш олиб борилади.

ҚАЛАМТАСВИР

Қаламтасвир – нарса ва воқеалар тасвирини чизик-штрихлари воситасида қалам билан ифодаланишидир. (расм).

Қаламтасвир - расм чизишнинг асоси бўлиб, у барча тасвирлаш ва ифодалашнинг бошловчиси ёки алифбосидир. Чунки, қаламда, тасвирлашни билмай туриб, ҳеч қандай нарсани расмини, тасвирини, ранги-тусини кўрсата - ифодалай олмайди. Ҳатто бадиий безашда ҳам, ҳайкалтарошлиқда ҳам, меъморчилик ва амалий санъатда ҳам қаламтасвирсиз бирон иш қила олинмайди. Шу боисдан ҳам таниқли рассом Микеланджело – «Қаламтасвир - шакл яратиш санъати

бўлиб, рангтасвир, ҳайкалтарошлиқ ва меъморчиликнинг олий нуқтаси ва барча фанларнинг илдизи – негизидир», - деб кўрсатган эди.¹

Шунга кўра қаламтасвирга расм чизишнинг асоси, негизи, бошловчиси ва академик услуби сифатида қаралиб, Қадимги Миср, Юнондан бошлаб, Хитой, Хиндистон, Рим-Италия, Испания, Франция, Германия, Португалия, Россия мамлакатларида алоҳида эътибор берилди ва уни мустақил предмет сифатида ўқитилиб-ўргатилиб келинади.

Қаламтасвир бўйича ҳозирги мактаблар ўзига хос тажрибага эга бўлди. Нарсани ўзига қараб расм чизишдан бошлаб, Академик композициялар яратишгача қаламтасвирдан фойдаланишнинг жуда кўп ҳоллари, услублари ишлаб чиқилди.

Ишланиш техникасига кўра қаламтасвир рассом томонидан қўлда ишланган-оригинал ва маҳсус қолип-клишалар асосида печат қилинган бўлади. Печат қилинган қаламтасвир ишлар гравюра ва литография усулида ишланади.

Оригинал қаламтасвир ишлар ўзининг ишланиши услугуга кўра: этюд, эс-киз, хомаки иш, ижодий ва академик иш турларига бўлинади.

Этюд - тасвирланадиган предмет ва воқеани қисми ёки айрим-айрим элементларининг қаламтасвири ёки рангтасвиридир.

Эскиз – қаламтасвир ишларнинг бошланғич варианти (расм).

Хомаки иш – қисқа мұддатлы қаламтасвир иш (расм).

Ижодий иш – воқеликни рассомнинг ўзи кўриб, ўйлаб, умумлаштириб, ўзининг бадиий тасвирлаш услуги асосида яратган якуний, бадиий асаририр (расм).

Академик иш – расч чизишни юқори савияда ўргани і учун тасвирлашнинг барча усул ва методларидан фойдаланилган ҳолда, узоқ муддатда яратилған қаламтасвир ишдир (расм).

Академик ишни асосан юқори малакали студентлар, магистрлар, аспирантлар, педагог ва рассомлар, Академия тингловчилари ишлайдилар. Академик ишни асосан юқори малакали студентлар, магистрлар, аспирантлар, педагог ва рассомлар, Академия тингловчилари ишлайдилар.

¹ Цитата Н.Н.Ростовцевнинг «Академический рисунок» китобидан олинди. М. Просвещение. 1973 йил. 5-бет.

мик ишда тасвирланадиган нарса ва воқеа реал, аниқ, натурал ҳолда тасвирлаш услугбининг ҳамма талабига жавоб Бера олиши лозим.

Педагогика коллажларида нарсани ўзига қараб расм чизишнинг қаламда ишлаш бўйича этюд, эскиз, хомаки ишлар ва ижодий ишларни бажарадилар, Шунда ҳам натура ва воқеликдар унчалик мураккаб бўлмаган ҳолда танланади. Бунда асосан геометрик шакллар, рўзгор буюмлари, меҳнат-ўқув қуроллари, табиат материаллари, қуш ва ҳайвонлар, ўсимлик ва дараҳтлар, мева ва сабзозвотлар кабилар расми чизилади.

Нарсани ўзига қараб расм чизишнинг қаламда бажарилган ишлари ҳам қаламтасвир дейилади. Қаламтасвир машғулотлари ўқувчиларга асосан қаламда расм чизиш, график ишларни бажариш бўйича назарий ва амалий маълумотлар беради. Амалий машқлар асосан қоғозга қаламда чизиш билан олиб борилади. Тасвирлар бузилиб қолса, хатоларни тузатишга тўғри келса, резина-ўчириғичлан фойдаланилади. Расмлар ҳар қандай текис, оқ, лекин чизилмаган ва ёғланмаган қоғозларга ишланаверилади. Расм чизиш учун махсус альбом ва қоғоз папкала-ри мавжуд. (расм). Қоғозларни фақат бир томонига расм ишланади.

АМАЛИЙ ИШЛАР УЧУИ ТЕХНИК ҚУРОЛЛАР.

Тасвирлаш санъатнинг ҳамма турлари учун қўлланиладиган ўқув-техник қуроллар: қоғоз, қалам, ўчириғич-резина, акварель, гуаш, фломастер, пастель, туш, кўмир таёқчаси, бўр, кист-бўёқ, мўйқалами, лой ва пластилинлар, плакат ва харф ёзиш перолари, шарикли, автомат ва оддий ёзув ручкаларидан иборат бўлади. Булардан ташқари, бўёқларни эритиш ва қўшиш учун сув (стакан ёки банкада тайёрланади), политра (қалин, картон қоғозлардан ёки нафис тахталардан тайёрланади), плакат пероларни тозалаб туриш учун бинт-латталар бўлиши лозим.

Тасвирлаш ва безатиши санъати учун ишлатиладиган юқоридаги ўқув-техник қуролларга алоҳида талаблар қўйилади.

Қоғозлар. Қоғозлар турли хил ўсимлик ва дараҳтларнинг массалари ва целлюлозасидан тайёрланади. Қоғознинг ишлатилишига қараб турли хил қўшимча тўлдиргичлар ва химиявий ишланмалар берилади. Қоғозларга оқ тус берадиган, силлиқ, зичлик ҳолатини таъминлайдиган қатор ишловлар берилиб, асосан ёзиш-чизиш учун энг яхши навлари тайёрланади.

Қоғозни биринчи бўлиб Хитойда эрамизнинг 2-асрида ишлаб чиқилган. Хитойлилар бу янгиликларини б-асргача сир тутиб келдилар. б-асрдан шу усулда Японияда ҳам қоғоз ишлаб чиқарила бошланди. 8-асрдан бошлаб қатор Осиё мамлакатларида, 10-асрдан Европада ва Россияда қоғоз ишлаб чиқариш бошланди. 17-18 асрларда Голландияда қоғозни машиналарда ишлаб чиқариш бошланди.

Хозирги кунда жаҳонда қоғознинг 600 дан ортиқ турини ишлаб чиқарилади. Қоғоз ўзининг чидамлилигига кўра ёғоч, шиша ва айрим неметалл материаллар билан ракобатлашмоқда. Аммо қоғоз ёзув-чизув санъати ва фоалиятининг асосий материали бўлган ҳолда, унинг оқ, пушти, кўк, ҳаворанг, қизил, сарик рангларда купрок ишлаб чиқарилади.

Қоғозлар икки ўлчовда (эни ва узунлиги бўйича) тайёрланиб, унинг шу ўлчамлари бўйича форматлари белгиланади.

Расм ва чизмалар чизиш учун қўлланиладиган қоғозлар П-форматдан (ўлчами 297x210 мм.) бошланиб, 12- (ўлчами 297x420 мм.), 22- (ўлчами 594x420 мм.), 24- (ўлчами 594x841 мм.) форматгача танланади. Қоғозларнинг буралиш, эгилиш, синиш, эзилиш, хўлланиш, ўзига ранг олиш ва ушлаб туриш ҳолатларига кўра класификацияланади. Қоғознинг энг яхши, сифатли сортлари ўқиши, ёзиши, чизиши, тасвирлаши ва матбуот учуш белгиланади.

Расм чизиладиган қоғозлар нотекис, қалам ва бўёқни яхши оладиган, яхши хўлланадиган ҳолатда ва оқ рангда бўлади. Шу талаблардаги қоғозлар мактаб

ва ўқув юртларининг расм фанлари учун альбом, папка, формат ҳолатида (пачкали) қилиб тайёрланади (расм.....).

Қалам. Расм чизишда қўлланиладиган қаламлар асосан юмшоқ, рангли ҳолда бўлади. Қаламлар икки хил: қаттиқ ва юмшоқ ҳолда тайёрланади. Қаттиқ қаламлар «Қ» ҳарфи билан «Қаттиқ» маъносини англатиб, Қ-1, Қ-2, Қ-3 ва хоказо номерларда белгиланади. Юмшоқ қаламлар «М» - «Ю» ҳарфи билан "Мягкий-юмшоқ" маъносини англатиб, Ю-1, Ю-2, Ю-3 ва ЮЮ, ҚЮ хоказо номерларда белгиланади. «Қ» маркадаги қаламлар қаттиқ ва рангсиз бўлса, "»Ю» маркадаги қаламлар эса юмшоқ ва ранги тўқ бўлади.

Қаламни ишга тайёрлашнинг сифати, уни иш фаолиятини самарали бўлишини таъминлайди. Қаламнинг марка ва адреслари ёзилмаган учи томонидан: 20-25 мм. очилиб, ундан 5-8 мм. грифити, қонун шаклида чиқарилади. (расм

Рангли қаламлар – мактабгача ва кичик мактаб ёшдаги болаларни расм чизишга ўргатишида алоҳида восита бўлиб ҳисобланади. Шу боисдан педагогика коллежларининг макгабтacha тарбия педагогикаси ва бошланғич синф ўқитувчилари тайёрлайдиган бўлимларида рангли қаламлар билан ишлаш вв уларни қўлланиши бўйича машқлар ўтказилади. Рангли қаламлар комплект ҳолида бўлиб, улар 6, 9, 12, 18 рангдаги қаламдан ташкил топади. Рангли қаламларнинг графитлари анча йўғон, юмшоқ бўлади (юмшоқлиги 2Ю-4Ю да бўлади). Шу боисдан рангли қаламлар графити 3-4 мм. узунликда очилади. Педагогика ўқув юртининг мактабгача тарбия бўлимида рангли қаламлардан нақшлар чизишда, манзарани ва мева-сабзовотлар расми ишланганда, шунингдек, бадиий безаш ишларида қўлланийади.

Рангли қаламлар изини резинада ўчириш анча қийин. Шу боисдан қаламлардан фойдаланишда биринчи маротоба босмай, бенурроқ килиб ишланаади. Рангли қалам, графити ёғли, газ эзилувчи ва мўртлиги юқори бўлади. Шу боисдан рангли қаламни босмай, эҳтиётлаб ишлатилади. Рангли қаламни яна

бир хусусияти уни ўчириш оддий қора қаламдан анча қийин, шунингдек, ўчирилган ўринга иккинчи маротоба тортилган қалам ранги яхши ўрнамайди.

Кўмир таёқчалари расм ишлаш воситаларидан биридир. Аммо у қоғозга яхши ёпишмайди, кукунлари тўкилиб кетади, лекин у билан туширилган қоғоздаги тасвир кўринарли, тасвирга ўзига хос жозиба беради. Уни қоғоз юзидан қуруқ латта ва резина-ўчиргич билан осонгина ўчириш мумкин. Кўмир таёқчадан фойдаланишда, каттароқ форматда ёки рулон қоғозлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Расм чизишда ишлатиладиган қаламтасвир воситаларидан яна бири - пастелдир. Пастель ҳам кўмир таёқча шаклида бўлиб, йўғон стержен шаклида, турли рангдаги графитдан иборатдир. Пастель, рангли бўр ёки рангли қаламлар каби нотекис қоғозда яхши ёпишади. Шунга қарамай у ҳам рангли -қалам каби қоғозга ёмон ёпишади, кўмир ранги каби яхши из қолдиради. Уни ўчириш ҳам рангли қалам каби қийинрок, сабаби у ҳам рангли графитдир.

Тасвиrlаш воситаларидан яна бири фломастерлар бўлиб, улар асосан декоратив безаш ишларида, айрим рангли этюдлар ва хомаки тасвиrlар ишлашда кўлланилади. Фломастер ёғли ва спиртли бўёққалам бўлиб, у расм ва чизмачилик учун чиқарилган қоғозларга яхши ёпишади. Фломасгер билан тушурилган тасвиридаги хато ва камчиликни тузатиш анча мушкул, чунки уни ўчиргичлар ололмайди, лезвия билан қирқиб бўлмайди, чунки фломастер бўёғи қоғозга сингиб кетади. Шунинг учун ҳам бадиий безатиш ишларида чизиқлар аввал қалам билан оч рангда чизиб, из қилиб олинади ва сўнгра фломастер билан чизиқлар устидан зарурий тасвиrlар чизилади.

Акварель бўёғи. Нарсани ўзига қараб расм ишлашни кўпроқ қаламда олиб борилсада, нарсалар ранги, нарсалар ранг, шакл ва сояларини реалистик тасвиrlарини яратишда акварель асосий тасвиrlаш воситаси ҳисобланади. Тематик расмларда эса барча фаолият фақат акварель бўёғида олиб борилади»

Акварель - италянча - сувда эрийдиган бўёқ маъносини билдириб, унинг таркибиiga табиий бўёқ кукуни ва боғловчи моддалар, яъни дарахтлар елими ки-

ради. Акварель, ўз номига содик қолиб, сувда жуда яхши эрийди. Акварель бўёғи ғоят тиник, тоза ва равшандир. Акварелда оқ ранг бўлмайди, унинг ўрнида бўёқларнинг тиник, нозик, юпқа қатлами қўлланилади. Ёки оқ юзанинг ўзи қолдириладики, бу тасвирдаги оқ ранг ўрнини ифода этади.

Акварель бўёғи қадимги Мисрда пайдо бўлиб, кейинчалик Хитой, Япония, Юнонистон, Италия ва Европа мамлакатларига таркалади.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқларда акварел ва бошқа бўёқлардан жуда қадимдан фойдаланганлиги маълум.

Феодализм даврида акварел ва рангдан асосан нақш ва миниатюра санъатида фойдаланилиб, китоб безатишда ва уйларни нақшлашда кўпроқ ишлатилган. Кейинчалик, акварель билан ишлаш рассомлар ижодида, монументал декоратив санъатда, мактаб ва муассасаларни безатишда, ўқувчиларга расм чизиши ўргатишда кенг фойдаланила бошланди. Ҳозир мактабларда мактабгача ва мактабдан ташқари муассасаларда болаларни расм чизишига ўргатишда асосий рангтасвир воситаси бўлиб акварель бўёғи ҳисобланади.

Акварель бўёғи билан расм ишлашга ўрганишда, унинг ўзига хос тасвирлаш услублари бўлиб, бу маҳсус майин, юмшоқ, мўйқалам (кистлар), бўлишини талаб қиласиди. Мўйқаламлар учли, учсиз – бурчакли ва ёйсимон қилиб қирқиласиди. Ўрганиш даври учун ҳар уччаласидан бўлиши мақсаддага мувофиқ бўлади (расм.....).

ТАСВИРИЙ ВОСИТАЛАР

Маълумки, расм ва расм чизиш қалам ва бўёқларда олиб борилиб, тасвирлар чизиқлар, штрихлар, нуқталар, ранг тонлари воситасида яратиласиди.

Чизиқлар - тасвирлашнинг бош воситаси бўлган ҳолда ҳар қандай нарса ва предметлар шакли, тузилиши, ранги ва ёруғ-соялари чизиқлар ёки майда чизиқлар-штрихлар воситасида ифода эгиласиди. Чизиқлар ўзининг яратилишига,

яъни унинг узун-қисқалиги, йўғон-ингичкалиги ва тиниқ (рангли) – хира нурсизлигига кўра тасвирлар яратишда турлича ўринларда, турлича ҳолатларда қўлланилади (расмлар.....).

Расмкашлиқда ғоят кўп ўринларда, қайсики энг катта масофаларни тасвирлашдан тортиб, энг қисқа, тор, ёйсимон ва нотекис ўринларни, ёруғ-сојларни, ҳатто тезлик ва секинликни ҳам тасвирлай оладиган восита бу шжрихлардир (расмлар.....).

Шжрихлар – сиртларнинг ҳолатини, уларни текис-нотекислигини, тозалиги ёруғ-сојларини, шуъла ва яркироқлигини ҳам ифода этиш воситаси бўлиб хизмат қила олади.

Расм чизувчи штрихдан фойдалангандаги, энг аввал у штрих бериладиган ўринни яхши кузатиши, штрих йўлларини топа олиши, уни идрок этиши зарур.

Штрихлар – текисликнинг йўналишига кўра тик, ётиқ, ўнгга, чапга киялатилган, икки томонлама, устма-уст берилади. Аммо шуни эсда тутиш лозимки, расм чизувчи штрих чизиқларини (албатта бир йўналишдагисини) паралел ҳолда бўлишига жуда яхши эътибор бериши керак. Бу штрихлар оддий расм ёки этюд чизишдан бошлаб, академик, расм чизишгача асосий тасвирлаш воситаси сифатида қўлланилиб келинади.

Тасвирлашнинг яна бир воситаси - нуқталардир. Нуқталар камроқ ишлатилсада, ундан ҳар қандай текисликни, масофани, ёруғ-сојларни тасвирланиши мутлоқ мумкин. Айрим ҳолда сирт текислигини, ундаги ёруғ-сојларни, ёки суюклик юзаларини ифода этишда ҳам нуқтадан кенг фойдаланилади (расмлар.....).

Маълумки, ҳар бир предметни сирти, интеръерлар ёки ҳаво перспективалари ва масофалари маълум бир ранг тонида ифода этилади. Ёки бир текислик бир неча ранглар қоришмасидан ёки штрихларни турли ранг (ёруғликдагисидан) ҳолатларидан фойдалангандаги ҳолда ифодаланади.

Расм чизишга ҳавас қўйиб, уни ўрганишга астойдил киришаётган ҳар бир киши ишни шошилмай, нарсани ўзига қараб расмни чизиш ва унинг дастлабки

машқларини сабр-чидам билан, эринмай, мустаҳкам эгаллаб олиши лозим. Бунинг учун қўлланмада зарурий машқ қўрсатма-вазифалари берилган. Улар турли ҳолатдаги чизиқлар, штрихлар, уларни қўлланиши бўйича оддий шакллар, текисликлар берилган бўлиб, буларни машқ қилиш жараёнида қаламни ушлаш, уни йўналтириш, чизиқ ва штрихларни исталган томонга йўналтириш, исталган ҳолатда буриш, исталган ранг, ёруғ-сояларни бсриш йўлларини ўрганиб олинади.

Талабалар чизиқлар, штрихлар ва нуқталар, сиртларни тасвирлашни ўрганиб олиш машқларидан сўнгра, аста-секин нарсаларни расмини чизишга ўтилади. Бунда нарсаларни ўзига караб расм чизиш машқлари ғоят самарали бўлади.

Аммо бунинг учун ҳам энг аввало расмини чизиш унчалик қийин бўлмаган предметларни танлаш, уларни яхшилаб кузатиш, таҳлил қилиш керак. Таҳлилда эса предметнинг шаклини, тузилишини, рангини, туриш ҳолатларини синчиклаб кузатилади, уларни қандай тасвирланиши ҳақида атрофлича фикрлаб олинади.

Бу ерда нарсани умумий баландлиги ва эни биринчи ўринда аниқланади, сўнгра предметнинг элементлари, қисмлари, бўлаклари ва уларни ранги, туриш ҳолатлари кузатишдан ўтказиб, уни дафтар юзасига тушириш йўллари ўйлаб кўрилади.

Одатда расм чизувчи энг аввало предметни идиш ўлчови, яъни баландлиги ва энини яхши кўриши лозим. Шу бидан бирга баландлиги ва эни яхши кўринадиган, яъни ясси шаклга эга бўлган предметлар расмини чизишни атрофлича ўрганиб олиш зарур. Шу боисдан нарсани ўзига караб расм чизиш баландлиги ва эни асосида ёки ён томонидан, умуман бир томонидан қараганда предмет ҳақида тўла тасаввур берадиган нарсалар расмини чизиқ бўйича машқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бундай предметлар қаторига дафтар варағи, дафтар мұқоваси, уч бурчак өзінші, конвертлар, байроқча, капкир, арра, барглар, ўқувчи портфели, белкурак, балиқ кабилар киради.

Бу предметлар расмини чизиш бўйича малака ҳосил қилингач, ҳажмли предметлар расмини чизиш бошланади. Албатта, геометрик шаклларга мурожаат қилиниб, фанда ҳажм бирлиги сифатида қабул қилинган куб расмини чизиш билан бошланиши маъқул бўлади. Чунки, куб-предметларни уч ўлчовини тўла кўрсатиб берадиган ягона шаклдир. Шу боисдан тасвирий санъатдан билим ва малака беришнинг бош дидактикаси - системали, яъни осондан қийинга қараб борищдан иборатдир. Нарсани ўзига қараб расм чизиш ўқувчига расм чизишни ўргатишнинг ва бадиий ижодга боришнинг бош омили бўлган ҳолда, унирасмдагидек системада олиб борилиши, ва шу система бўйича шакллардаги предметлар расмини чизиш мутлоқ кейинги ижобий натижаларнинг бош омили ва гарови бўлиб хизмат қиласди.

Сўнгра, расм чизувчининг малакаларининг такомиллашиб бориши билан расми чизиладиган предметлар ва пастановкалар мураккаблаштириб борилади. Натура, натюрморт ва пастановка учун табиат материаллари, қуш ва ҳайвонлар, ҳатто одам қоматини тасвирлашни ҳам тавсия этилиши мумкин.

ЯССИ ВА ШАРТЛИ ЯССИ ПРЕДМЕТЛАР РАСМИНИ ЧИЗИШ

Унчалик қалин бўлмаган, яъни қалинлиги билинмайдиган предметлар борки, уларни биз ясси предметлар деб атаемиз. Булар қаторига дафтар варағи, ўсимликлар барги, рўмолча, байроқча, пластмассадан жуда нафис қилиб ишланган доиралар, учбурчак өзғичлар, қофоздан қирқиб тайёрланган балиқ, қайиқ, автомобиль, самолётнинг ён томондан кўриниш нусхалари кабилар кира-

ди. Буларни биз шартли ҳолда ясси предметлар деб ҳам атайдыз. (.....расмлар).

Бундай предметлар расмини чизиш унчалик қийин эмас, чунки, уларни расми фақат иккى ўлчовда, яъни баландлиги ва энини кўрсатиш билан яратилиши мумкин. Аммо буларнинг расмини чизиш учун ҳам чизиклар, штрихлар бўйича анчагина малака керак. Шу боисдан биз ясси предметлар расмини чизишни ўрганиб чиқамиз.

ТЎРТБУРЧАК ШАКЛДАГИ ЯССИ ПРЕДМЕТЛАР РАСМИНИ ЧИЗИШ

Тўртбурчак шакlidagi предметлар қаторига дафтар, конверт, рўмолча, дебраза, ўқувчи портфели, байрам очиқ хати (открытка), кабилар киритилиб, уларни расмини чизиш учун расм чизувчига тўғри қўйиб олиш ва уни дафтар юзига шу кўринишини жойлаштириш лозимдир. Сўнгра уни юзасини бирон томонга йўналтирилган штрихлар асосида бўяб чиқилади ёки икки томонлама, бу кўпроқ юкорига ва ётиғига штрихланади.

Дафтар муқоваси расмини чизиш.

Дафтар муқовасини расм чизувчига тўғри, тўртбурчак ҳолда кўринадиган қилиб қўйилади. Уни яхшилаб кузатиб, уни расмини чизиш учун расс дафтари ни қандай (тикми ёки кўндалангми) кўйилишини аниклаб, дафтарни шу ҳолатга мослаштириб қўйиб олинади, яъни агар натурани баландлиги энидан катта бўлса, дафтар тик, агар натурани эни баландлигидан кенг бўлса, дафтарни кўндаланг қўйилади. Бу ҳам натура шаклини дафтарга жойлаштиришни осонлаштиради. Шундан сунг натура баландлигини тахминан чамалаб, расм чизиладиган вароқ юзига вароқ остидан ва устидан бир хилда жой ташлаб, кўндаланг чизик чизиб олинади. Сўнгра икки ён томонидан ҳам teng жой қолдириб, уни тик чизик билан баландликни белгилаган кўндаланг чизиклар билан туташтирилади. Сўнгра ўртадан тик чизик чиқариб, ундан марказни белгиланиб, шу

марказ асосида дафттар мұқоваси юзасидаги ёзувлар үрни белгиланади. Бу албатта натура бўйича аниқланади ва чизилади. Сўнгра натурани бўяш штрихлар асосида амалга оширилади. Дафтарни ўзига қараб расмини қаламда чизишрасмда босқичлар бўйича кўрсатилган, расм чизишда кийналсангиз ундей фойдаланинг.

КОНВЕРТ РАСМИНИ ЧИЗИШ.

Конверт расмини чизиш ҳам уни расм чизувчига тўғри қўйиб олиш ва уни яхшилаб кузатиш, конвертни баландлиги каттами ёки эни, буни билгачрасмдагидек конверт расмини дафтар юзасига жойлаштиришп ва уни бўяш ишлари бажарилади.

Конверт расмини чмзишда унинг ёзувлар үрнини белгилаш ва чизикларни, сўзларни ёзишда бироз қийинчилик сезилади, лекин бу бизнинг катта ёшдаги ўқувчиларимиз учун унчалик қийинчилик туғдирмаган ҳолда, конверт юзасининг ўнг томони - юқорига кичик тўрт бурчакли ўрин, марка үрни жойи қолдирилади. Сўнгра оралари бир хилда тўрт дона кўндаланг чизик чизилади, бу чизикларни биринчисини бошланишига "Қаерга" сўзи ёзилади, тўртинчи чизиқни бошланишига эса "Кимга" сўзи ёзилади. Конвертни чап, остки бурчагига индекс учун жой қолдирилади. Конвертни учдан икки қисм юзасини юқорида қолдириб, унинг остига учта чизик чизилади ва шу уч чизиқнинг биринчисини бошланишига "Жўнатувчининг манзили" деб ёзиб қўйилади. Лекин, бу билан иш битмайди. Конверт юзасидаги хатлар, чизиклар кўринмасдан қолмайдиган ҳолда штрихлаб чиқилади. Шундан кейингина конверт расми тайёр бўлади.

РЎМОЛЧА РАСМИНИ ЧИЗИШ

Рўмолча расмини чизиш ҳам худди конверт расмини чизишдек олиб борилади. Рўмолчани бирон картон ёки фанер тахта юзасига рўмолчани таранг қилиб, тортиб қўйилади. Сўнгра, уни кўринишини дафтар юзига тўғри жойлаш-

тириш керак. Бунинг учун дафтарни қўйилишидан қатъий назар, уни дафтарни ўртасигарасмдагидек босқичлар асосида тасвиrlаш керак. Уни бўяш бошқачароқ кўринишда олиб борилади. Расмга эътибор беринг, уни оддий қора қаламда, штрихларни турли ҳолатда турли рангда олиб борилган.

ТУРЛИ ШАКЛДАГИ ШАРТЛИ-ЯССИ ПРЕДМЕТЛАР РАСМИНИ ЧИЗИШ

Тўртбурчак шаклдаги яssi предметлар расмини чизишни ўрганиб олинганидан сўнггина турли шаклдаги шартли ҳолда қабул қилинган яssi предметлар расмини чизиш осонроқ бўлади.

Шартли яssi предметлар қаторига бир томондан қарасангиз шу предмет хақида тўла маълумот берадиган нарсаларни киритиш мумкин. Бундай предметлар ичидан расмини чизиш учун, расм чизадиганлар яхши, биладиганларни танлаб, уни расмини чизишга киришамиз.

Байроқча расмини чизиш.

Байроқчалар турли шаклларда бў ади (..... расм). Байроқчани кўпгина кўриниши тўртбурчак ва бир томони қирқилган ҳолда учрайди. Уларни расмини чизиш худди тўртбурчак шаклидаги предметлар расмини чизишдек, дафтар юзасидан унинг умумий баландлиги, кенглиги аниқлаб олинади. Шундан сўнграсмда кўрсатилганидек, унинг асосий элементлар чизиб, бўялади.

Капкир расмини чизиш.

Капкир кўриниши ва тузилишига кўра расмини чизиш анча қулай предмет ҳисобланиб, бунинг учун уни расм чизувчининг тўғрисига осиб қўйилади. Дафтарни тик ҳолатда қўйиб, капкирнинг баланлигини ва унинг умумий кенглиги аниқлаб олинади. Сўнgra унинг доира шаклдаги қисмини кенглиги ва баландлиги бслгиланади. Шундан сўнграсмдагидек босқичларда иш давом эттирилади.

Белкурак, теннис ракеткаси, рубоб, бадминтон ракеткалари расмини шу усулда чизиш мумкин.

Болға расмини чизиш.

Болға расмини чизиш учун уни тик ҳолда расм чизувчи қаршиисига қўйиб, дафтарни тик ҳолда қўйиб, болға кўриниши бўйича расм дафтарининг варағи ўртасидан тик ҳолда чизиқ чиқариб ундан маълум жойни, юқоридан ва пастдан қолдириб, болғани умумий баландлиги аниқлаб олинади. Сўнгра юқориданрасмда кўрсатилганидек болғани металл қисми шакли чизиб олинади ва ишни расмдагидск давом эттирилади. Болға расмини чизиш уни штрихлар во- ситасида бўяш билан якунланади.

Болта расмини чизиш.

Болта расмини чизиш ҳам болға расмини чизиш каби амалга оширилади. Фақат болтани тик ҳолатда эмас, уни ётиқ ҳолатда қўйиб, уни яхшилаб кузати-лади варасмдаги босқичда болта расми ишланади.

Болтани металл қисмини белгилаб, уни даста қисми алоҳида эътибор билан чизилади. Чунки, болтани даста қисми тўғри олинмай, балки уни ушлайдиган жойи бироз эгилган ҳолда бўлади. Болтани бўяшрасмдагидек олиб бори-лади.

Ўқувчи ортфели расмини чизиш.

Сиз расмни яхшилаб кузатинг. Унда ўқувчи портфели расмини дафтар юзига жойлаштиришдан тортиб, уни қандай бўяшгача кўрсатиб берил-ган. Сиз уни яхшилаб кузатинг, сўнгра ўқувчи портфели расмини натура бўйича чизишга киришинг. Натурани расм чизувчига тўғри қўйилиши лозимки, уни ҳажмсиз-ясси предметлар шаклида кузатилиши керак.

Расм чизиш дафтарни юқори қисмидан маълум даражада ўрин қолдириб, бу ўрин портфель ушлагичи учун портфелнинг асосий қисми, яъни тўртбурчак

шаклини дафтарга расмда кўрсатилгандек жойлаштирилади. Сўнгра, сумка шаклини тахминан учдан бир қисмини юқоридан белгилаб, портфел қопқоғини белгиланади, сўнгра шу қопқоқ ўртасида қулфи белгиланади, юқорида эса ушлагичи чизилади, сўнгра расмдагидек бўялади.

Шартли – ясси ҳажмсиз табиат материаллари расминини чизиш.

(Барг, шохча, балиқ, капалак, қуш ва ҳайвонлар расмини чизиш)

Агар табиатга эътибор билан назар солсангиз, ҳамма нарсалар қандайдир бир геометрик шакллардан ташкил топганини яққол кўрасиз. Мана биз ўсимликларни баргларини бир пластинкали, яъни оддий баргларни кузатайлик. (расм.....). Уларни кўпчилиги учбурчак шаклга эгадирлар. Шафтоли, анор, олча, гилос, олма, тол, райҳон кабиларнинг барглари учбурчак шаклга мос бўлса, терак, ўрик, нок. тут барглари учбурчак бўлсада, улар юмалокроқ шаклланади. Шунингдек, ток, ғўза, бодринг-қовунларни барглари эса бешбурчак ва кўпбурчакли шаклга мос тушади.

Биз барг расмини чизища уларга яқин шакллардан фойдаланамиз. Шафтоли, тол баргларини чизиш учун дафтар юзигарасмда кўрсатилганидек, туртбурчак ясаб, ундан учбурчак ясаймиз ва ундан осонгина барг шаклини ясаймиз. Сўнгра оддий қора қаламда бўяш билан расм тайёр бўлади.

Қолган дарахт ва ўсимликларнинг баргларини шулар асосида геометрик шаклларга мослаштирилган ҳолда расмлар ишланади (расмлар.....).

Қоғоздан ишланган балиқ, капалак, жўжа, ўрдак, кептар, товуқ, қуён кабиларнинг расмларини ишлаш ҳам унчалик қийин эмас.

Бунинг учунрасмда кўрсагилганидек, тўртбурчак ва ундан фойдаланиб предметлар қомати ва ҳарақати тасвирини схематик ифодаланишини ишлайсиз. Расмларга эътибор беринг, уларни ҳаммасини бошланиши тўртбурчак билан белгиланиб, сўнгра нарсаларнинг аъзолари ва қоматини ифодаланишига кўра қисмларга бўлинниб кетади.

Шартли-ясси ҳажмсиз қабул қилинган техника воситаларини расмени чизиш.

Нарсаларни шартли-ясси ҳажмсиз ҳолда тасвирлаш, бу предметларни ҳажмли тасвирлашга замин ҳозирлайдиган малакалар беради. Чунки, бундай тасвирлаш устида ишлаш энг аввало расм чизувчига нарсаларни кузатиш, улардан күпроқ маълумот олиш, уларни күпроқ маълумот берадиган томонларини аниқлашга ўргатади, сўнгра элементларни умумлаштаришга, пропорция ва нисбатларни тўғри аниқлаб олишга ёрдам беради. Иккинчидан предметларни икки ўлчовда, бир текисликда ифодалашга ўргатиб, график тасвирлашнинг айrim ўзига хос томонлари билан танишитириб, келажакда нарсаларни уч ўлчовда тасвирлашга бошланғич тайёргарлик малакаларини беради.

Агар ҳозирги замон техника ва транспорт воситаларини кузатсангиз, энг қулай ва осон расмни чизиш мумкин бўлган машиналардан юк автомобили, автобус, сут-қатиқ ташувчи машиналар, енгил машиналалар, денгиз пароходи, самолётлардан иборат эканлигини кўрасиз.

Кўлланмадагирасмларни кузатсангиз унда юқоридаги транспорт воситаларини расмини чизиш йўллари этаплар воситасида берилгаидир. Уларни яхшилаб кузатинг, бу расмларни чизиш унчалик қийин эмас, чунки, уларни схемалар билан геометрик шакллар асосида келтириб қўйилган (.....расмлар).

Уларни расмини чизишни ўрганиб олганингиздан сўнг, ўзингиз шундай расмини чизиш осонроқ бўлган яна қандай техника воситаларини танлаб олиш мумкин.

ҲАЖМЛИ НАРСАЛАРНИ ЎЗИГА ҚАРАБ РАСМИНИ ЧИЗИШ.

Ҳажмли нарсалар, уларнинг шакли ва тузилиши.

Табиатдаги, турмушдаги ва амалиётдаги барча нарсалар маълум даражада-
ги ҳажимга, миқдорга эга бўлиб, у ўзига хос шакл, тузилиш ва рангни ифода
этади. Нарсалар куб, призма, пирамида, цилиндр, конус ва шар каби геометрик
шакллар мазмунидаги тузулишга эга бўладилар.

Предметларнинг ҳажми уларнинг узунлиги, эни ва баландлигини умум-
лашма ўлчови бўлиб, ҳажм бирлиги эса ана шу уч ўлчов мажмуи қисмини ифо-
да этади. Ёки, ҳажм - нарсалар ўлчамидаги миқдор мазмунидан иборат бўлиб,
предметларнинг шакли ва тузилишининг маълум ўлчов ифодасидир, бу ўлчов
ҳажмнинг бирлиги - куб билан белгиланади.

Куб – муентазам олти ёқли геометрик шакл бўлиб, унинг 6 та ёки 12
кирраси, 8 та учи, 24 та тўғри бурчаги бор. Кубнинг ёқлари квадратлардан ибо-
рат бўлиб, унинг ҳар бир учидаги ўзаро перпендикуляр учтадан қирра бирлашади.
Кубнинг барча томонлари қирралари, бурчаклари бир-бирига тенг геометрик
шаклдир.

Табиатдаги ва турмушдаги нарсаларнинг кўпчилиги шакли ва тузилишига
кўра бир-бирига жуда ўхшаб келади, аммо улар албатта бир-биридан жиддий
фарқ қиласи. Уларнинг бири - призма шаклида бўлса, бири цилиндр, ёки шар
ёки бир предметнинг ўзи ҳам бир неча геометрик шакдга эга бўлади. Яъни,
расмларга эътибор беринг, бу предметларнинг ҳар бири бир неча геометрик
шаклга эгадир. (расмла).

Табиатдаги, турмушдаги ва ишлаб чиқаришдаги нарсалар ва буюмлар-нянг
шакли, тузилиши ва ранги турлича бўлганлиги учун ҳам уни расмини чизишда
энг аввало уларнинг ташқи кўринишини геометрик шакл жиҳатидан синчиклаб
ўрганилади ва таҳлил этилади.

Бунда нарсалар ва буюмларни қайси геометрик шаклга мос ҳолда тузили-
ши, қайси шаклга мослиги, уларни туриши, кўриниши, ранги ва ҳолатлари
алоҳида-алоҳида таҳлилдан ўтказилади. Чунки, нарсаларнинг шакли ва тузи-
лиши, шунингдек ранги натурал ҳолатдагисидан кўринишда анча бошқача
кўринади. Агар эътибор бсрған бўлсангиз табиатдаги нарсалар ва буюмлар сиз-

дан узоқлашган сари бошқачароқ шаклда, тузилишда, рангда кўринади. Нарсалар ва буюмлардаги ўз шакли, тузилиши ва рангини унинг кўринишидаги шакли ва рангидан фарқланишини фанда «Перспектива» фани ўрганади.

ПЕРСПЕКТИВА ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Перспектива - тасвирий санъатнинг илмий асоси, арифметик ҳисоб-китоби ёки уни грамматикаси дейиш мумкин. Чунки, перспектива қоидасига амал қилинмай ишланган ҳар қандай асардаги нарсалар тасвири, воқеа-ходисаларнинг ифодаси ўзи ҳақида тўғри тасаввур бермайды. Ёки асар томошабинга тўғри ва тўла тасаввур бера олмайди, эмоционал ҳолат яратади. Умуман перспективасиз тасвирий санъат асарларидаги нарсалар, воқеа-ходисалар жонланмайди, у қандайдир қуруқ, харакатсиз, оддий сурат ҳолатини беради. Шу боисдан ҳар бир расм чизувчи энг аввало расм чизишнинг илмий асоси бўлмиш - перспектива ҳақида маълумот олиши зарур.

Перспектива - французча сўз бўлиб, «узоққа қарашиб» ёки юононча – «тўғри, равшан кўряпман» деган маънени билдиради. Бизнинг фанимизда, перспектива нарсаларни кўринишига кўра «тўғри кўраяпман» деган қоидалар мажмуасидир. Яъни нарсалар биздан узоқлашган сари кичрайиб кўринишини тўғри идрок этишдир.

Перспектива ҳақидаги бошлангич маълумотларни бундан 2500 йилларча муқаддам қолдириб кетилганлиги маълум бўлсада, унинг бир қатор назарий асосларини ва уни тасвирий санъатда қўлланиши ҳақидаги асосий назарий кўрсатмаларни Уйғониш даврининг буюк рассоми, олим Леонардо да Винчи (1452-1519) яратиб берди. У ўзининг илмий ва амалий қараашларида перспективани уч ҳолатини асослаб бсрди. Бу ҳолатлар: предметларни узоклашиши билан, бир тўғри чизик бўйича кичрайиши, яъни чизиқли перспективани ҳосил бўлишини; нарсалар узоқлашиши билан кузатувчи ва нарса орасидаги ҳаво

қатламини қалинлашиши ва бунинг натижасида нарса рангини ўзгариши; учинчидан нарсаларни кузатувчидан узоқлашиши билан уларнинг сирти, қирраси, яъни шакл чегарасида ўзгариш содир бўлиши ва унда қирраларни хиралашиб кўриниши аниқланади.

Бизгача қанчалаб олим, рассомлар перспектива ҳақида рисолалар яратдиларким, уларда перспективани турли қоидалари, ҳолатлар ўз ифодасини топдиким, бугунги рассом, расм чизувчи ўқувчи, студент, меъмор, ҳайкалтарош бу қоидалардан тўла фойдаланиб, ғоят кучли мазмундаги санъат асарларини яратмоқдалар.

Перспектива бўйича узок даврлардаги тадқиқот, кузатувчиларнинг амалий тажрибаси асосида перспективани бир неча турлари классификацияланди.

1. Кузатиш перспективаси - нарсалар тасвирини унинг қандай кўринса худди шундай ифодалашдир (.....расм). Яъни нарсани кузатувчига яқин турган қиррасидан узоқдагиси кичрайиб кўринади, шакл чегараси ҳам хирароқ кўринади.

2. Ҳавоий перспективаси - нарсалар кузатувчиidan узоқлашган сари уларнинг сирт чегаралари хиралашади, ранги ўзгариб кўринади. Бу ёруғ-сояларга ҳам боғлиқ бўлади (.....расм).

3. Геометрик перспектива - нарсалар тасвирини ясашнинг илмий асосини яратишдан иборат бўлади. Чунки, геометрик перспектива - расми ишланадиган предмет сиртини қайси бир геометрик шаклга эгалигига кўра бир неча турларга бўлинади ва шу турига қараб перспектив қоидасига амал қилинади.

- Чизиқли перспектива - бунга цилиндрик перспектива, қуббавий перспектива, рельеф, театр, меъморий каби перспектива турлари киради. буларнинг ҳар бири ўз ўрнида нарсаларнинг геометрик шаклига кўра қўлланилади.

4. Киноперспектива ва аэроперспектива ҳам кўп қўлланилади. Бунда ҳаракатдаги нарсалар тасвири перспективаси ва предметларни горизонтал усулда ёки ҳаводан кўриниши перспективасини яратишда қўлланилади.

Перспектива – расм чизувчи учун энг зарур нарсаларни жуда яхши билишни талаб қилади. Бу нарсалар расм чизувчи кузатаёгган объект ёки нарса, ундағи кузатувчининг кўз қарашидаги тўғри чизик - уфқ чизигини, кузатиш нуқтаси ёки кўришнинг марказий туташ нуқтасини, тасвир тушириладиган текисликни яхши билиши ва уларни ўринларини тўғри белгилаши лозим.

Объект - расми чизиладиган жой ёки нарса (предмет) дан иборат бўлади. Уфқ чизиги - кузатувчининр ўз бўйига нисбатан кўзининг тўғрисидан ўтган, кўз баландлигидаги шартли чизикдир (.....расм). Бу чизиқнинг усти ва остидаги уфқ текислиги бўлади.

Сурат текислигига перпендикуляр-тик бўлган тўғри чизиқлар уфқ чизигида бирлашиб, марказни туташ нуқтасини ташкил этади. Перспектива қоидаларини билиш ва унга амал қилиш учун одам кўзини, унинг кузатиш давридаги айrim ҳолатларидан хабардор бўлиш лозим бўлади. Чунки, нарсалар ва объектларни тўғри кузатиш ва идрок этиш учун, унинг тасвирини мақсадга мувофиқ ҳолда яратиш кузатувчининг кўз ва кўриш қобилиятига фоят боғлиқдир. Чунки, одам кўзи тузилишининг физиологик хусусиятига кўра кўрилаётган майдоннинг кенгайиб бориши ва узоқлашуви натижасида предметларнинг кичрайиб ва хиралашиб кўриниши ҳодисаси юз беради. (.....расм).

Кўз фаолияти шу ҳолатни доимо ифода этадики, кўздан маълум масо-фада турган нарсави тўлик, тиник, ўз баландлиги ва энини реал ҳолда ифода этади. Бу нуқта кўришнинг энг аниқ нуқтаси ва идрок этишнинг марказий мазмунини ифода этади. Нарсалар кўзга нисбатан шу нуқтадан узоқлашса ҳам, ундан яқинлашса ҳам нарсани кўриниш ҳолати ўзгаради (.....расм). Аммо бу майдон на нуқтани кўзга нисбатан узоқ-яқин бўлиши кузатувчининг кўриш аъзоларининг ишлаш фаолиятига боғлиқдир. Айrim кишилар яқинроқдаги насаларни, айримлар эса узоқроқдаги нарсаларни яхши кўрадилар. Шу боисдан айтиш мумкинки, одамларни кўриш нуқтаси ва идрок этиш майдони турлича узоқликда ва кенгликда белгиланади. Ана шу қонуниятга кўра кузатувчидан

узоқлашаётган нарсалар албатта кичрайиб, уларнинг сирт қирралари ёки шакл чегаралари хиралашиб, ранглари умумлаша бошлайди. Бу эса перспектива қоидаларини ифода этади. Хуллас, расм чизишда энг муҳим уфқ чизигини, кўришнинг марказий нуқтасини, кўриш зоналарини ва ундаги энг яхши кўриш майдони, ўртacha кўриш майдони ва хира кўриш майдонларини тўғри аниқлаб олинса мақсадга мувофиқ бўларди.

Расм чизишда перспектива қиодаларидан тўғри фойдаланишнинг бир томони натура ва объектга тушаётган ёруғ-сояларга ҳам эътибор бериш зарурияти туғилади. Чунки, турмушда, табиатда ва кундалик фаолиятимизда шундай нарса-предметлар учрайдики, уларнинг шакли ва композицияси фақат ёруғ-сояларни тўғри топилиши билангина чикади. Бундан ташқари ҳар бир предмет ёки объект композицияда ёруғ-соя албатта қандайдир, озми ёки кўпми иштирок этганини кузатиладв. Расм чизишни ўрганишда эса ёруғ-сояни аниқлаб берилиши чизилаётган расмнинг муваффақиятли чиқишининг бош омили бўлади. Чунки, расм чизиладиган нарсани албатта бирон томони ёруғ, 2-томони коронғироқ бўлади, ёки соя тушади (.....расм).

Нарса ва объектлардаги ёруғликнинг тушиши ва унинг кучлилиги ёруғ келлаётган ёки бераётган манба кучига (қуёш, прожектор, рефлектор) боғлиқдир. Бу ёруғлик кучига ўура ёруғ ва соялар ҳам кучли ва кучсиз бўлади. Натурага бериладаган ёруғлик ва соялар табиий қуёш нури ва сунъий рефлектор, сафед ва прожекторлар воситасида) бўлиши мумкин. Бу ёруғ ва соялар асосан қаламтгасвир ишларда алоҳида аҳамият касб этади. Унинг ёрдамида натура ва объектларни тасвирини аник, реал, натурал ҳолда ва ифодалашга эришилади.

Расми чизиладиган нарсаларнинг ёруғ ва соялари, унинг кучи асосан бсрлаётган ёруғлик манбасининг кучига боғлиқдир. Агар натурага тушаётган ёруғлик кучли бўлса, натурадаги ёруғ соялар ҳам аник, кучли, ажралиш чераралари тиник бўлади. Ана шу ёруғ-сояларнинг кучига кўра натурада ёруғ-сояларнинг бир-неча ҳолатлари содир бўлади. Булар ярқировчи майдон (блиқ), ёруғлик жой, шульга тушувчи ўрин, соя, яримсоя, соялар икки турда бўлада -

шахсий ва тушувчи соялардан иборатдир. Булар ҳақида расм чизувчи яхшигина маълумотга эга бўлиши керак. (.....расмлар).

Ёруғ – табиий ёки сунъий нур манбасидан тушаётган ёруғлик майдонидир.

Соя - ёруғ майдонига қарама-қарши, тескари жойлашган юзадир.

Энг кучли ёруғлик майдонини биз ярқираш (блик) деймиз.

Ёруғлик билан соя орасидаги кучсиз ёруғлик ва кучсиз сояни ярим соя дейилади.

Шахсий соя – натурани ўзидаги соя. Тушувчи соя – натурадан ташқаридаги, яъни бир нарсани тўсилиши натижасида унинг соясини бошқа томонга тушаётганидир.

Натурадаги сояга тушаётган акс-шулани – рефлекс дейилади.

Ёруғ-соялар расми чизиладиган нарсаларнинг сирт тузилишига боғлиқ ҳолда ташкил топади ва шаклланади. Маълумки, тушаётган ёруғликнинг манбасига қараб (табиий ва сунъий) нур йўналишини йули турлича бўлади. Рассомликда шуни ҳукм ўрнида айтиш зарурки, ёруғлик қай ҳолатида тушиши ва унинг нур йўлларини йўналишига қарашдан кўра натура ва объектдаги ёруғ-сояларни кўринишига қараб, яъни кўринишга асосланган ҳолда расм чизиш маъқулроқ бўлади. Чунки, расм бир-икки соатда яқунланмайди, бу вактда тушаётган нур манбайнинг ўрни ўзгариб қолиши ҳам мумкин.

Ёруғ ва соялар перспектива қонунига кўра ҳам ўзгаради. Ёруғлик кучи юкқри бўлса, тушаётган соя қисқа бўлади, ёруғлик кучи паст бўлса, соя узайиброқ кўринади, соя ва ёруғлик ўртасидаги ажралиш чегараси ҳам хирароқ бўлади. Яна шу нарса кузатувчига аниқ бўлади-ки, сояларнинг ёруғлик, манбасига яқин қисми тўқ, узоклашган сари очлашиб боради.

Расм чизувчининг кўриш майдонига кўра ҳам ёруғ-соялар фарқланади. Энг яхши кўриш майдонидаги ёруғ-соялар аниқ, тиниқ кўринади, ўртача кўриш майдони ўртача, хира кўриш майдонидаги ёруғ-соялар эса хирароқ бўлади. Буларнинг ҳаммаси расм чизувчига перспектива қонунлари асосида кўринишда бўлади ва шундай тасвирлашга тўғри келади.

Хуллса, перспектива қонунлари расм чизувчининг кузатиш ва кўриш фоалиятини нарсаларнинг узоклашуви ва четланиши асосида ёруғ-соялар ҳодисасини перспектива қонунларига бўйсиндирган ҳолда идрок этиш имкониятини яратади ва уни тасвирлашни шу қонуниятлар бўйича амалга оширишни таъминлашга имкон беради.

Маълумки, ҳажмли нарсаларга тушатган ёруғ-соялар бу нарсаларнинг сирт тузилишига ёки шакли, тузилиши ва рангига жуда боғлик бўлади. призматик шаклга эга бўлган предметлардаги ёруғ-соялардаги ўзгариш кескинлик билан рўй берса, цилиндрик ва шар шаклидаги предметларда жса секиен-асталик билан ўтилади. Бундай ўзгаришни расм чизувчи натура ва объектларни синчиклаб кузатиш асосида ўрганиб боради. Уларни шу кузатувлар асосида тасвирлаш машқлари воситасида малака ҳосил қиласидилар. Бу ўринда албатта ўқитувчи тушунчалари ва кўрсатмалари қўл келади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, расм чизишни ўрганиш албатта призматик шаклдаги предметлардан бошлиш мақсадга мувофиқлиги аниқ бўлиб қолади. Чунки, призматик предметлар расмини чизиш, айниқса, расм чизишни энди ўрганаётганлар учун ҳам анча қулайликлар яратади. Чунки, призматик шаклдаги предметлар расм чизучига энг аввало перспектива қонунларини, сўнгра ёруғ-сояларни, улардаги ўзгаришларни тезроқ пайқаб олишни ва уларни расмини малакаларини тезроқ шаклланишига имкон беради.

Биз юқорида кўриб ўтганимиздек, ҳажимли нарсаларнинг асосини куб белгилаганидек, призматик шакллар ҳажмли предметларни ўрганиш ва идрок этишда осонлик яратган ҳолда уларнинг тасвирини яратишни ҳам куб расмини чизиш билан бошлиш ғоят маъқул йўл бўлади.

ГЕОМЕТРИК ШАКЛЛАР РАСМИНИ ЧИЗИШ

КУБНИ ЎЗИГА КАРАБ РАСМИНИ ЧИЗИШ.

Куб - барча томонлари, қирралари ва бурчаклари бир-бирига тенг бўлган геометрик шаклдир. (.....расм). Куб расмини биринчи маротаба чизишга киришилганда албатта уни расм чизувчига бурчак кўринишга эга бўлган ҳолда қўйилади. Чунки, фронтал ҳолда қўйилган куб расм чизувчига ўзи ҳақида аниқ маълумот бермайди. Бурчак ҳолда қўйилиши эса, кубнинг учта (икки ёни ва устуни) томонини кўриш имконини беради. Томонларни кўринишидаги перспектива ҳодисаларини ҳам анчагина яхши қўрсатади. Шунингдек, куб кузатувчнинг кўриш горизонтъи – уфқ чизифида пастга, яъни кубни устки томони кўринадиган ҳолда қўйилади.

Ўқитувчи қўлланмадаги расмдан фойдаланиб, кубнинг перспектив ҳолати, куб перспективасини ва кубнинг туриш ҳолатини ўзгариши билан ўзгариб боришини тушунтириб қўрсатиб беради (.....расм).

Куб расмини чизиш - унинг умумий баландлиги ва энини аниқлаб олиш билан бошланади ва унирасмдагидек давом эттирилади. Расмга эътибор беринг, кубнинг умумий баландлиги ва энини топиб олингач, навбат кубнинг сизга энг яқин турган қиррасидан остки бурчагини белгилаш, ундан тик чизиқни ўтказиш, бу чизиқ асосида шу қирра баландлигини ҳам топиш, ундан сўнг кубнинг икки ёндаги остки ва улар асосида юқори бурчакларни топиб, уларни тик чизиқлар воситасида бирлаштириш, сўнгра юқоридаги бурчакларни топиш ва уларни бир-бири билан бирлаштириш лозим бўлади. Бу бирлаштиришда албатта перспектива ҳолатлари ва ҳодисалари назарда тутилади. Б ўринда расм чизувчи ўзига энг яқин қирра, энг узун ёки энг баланд, ундан узоқлашган ҳар бир қирра ва юза қисқариб бораверади. Бунирасмдаги тасвирлардан яққол кузатишингиз мумкин. Кубни бўяш турли материаллар асосида ва турли усулларда олиб борилади. (.....расмлар).

ПРИЗМАТИК ШАКЛДАГИ ПРЕДМЕТЛАРНИ РАСМИНИ ЧИЗИШ

Куб расмини чизишни ўрганиш билан сиз жуда кўп тўртбурчак ваайрим призматик предметлар расмини чизишнинг асосий йўллари ва қоидалари биоан танишиб олдингиз. Энди призматик шаклдаги предметлар расмини чизишни ўрганиш бўйича илмий ва амалий йўлларни кўриб ўтамиз.

Маълумки, призматик шаклдага предметлар тўрт бурчакли геометрик шаклдан тортиб, беш, олти, саккиз қиррали геометрик шакллар, чемодан, конфет, печенье, гугурт, папирос, совун, ўйинчоқлар қутичалари, яшиклар, радио, телевизор, соат, шкаф ва турди рўзгор буюмлари, уй ва бинолар, контейнер ва катта ҳажмдаги яшиклар, поъезд вагонлари, автомобил ва айрим транспорт во-ситаларини юк ташиш қисмлари кабилардан иборат бўлади (.....расм).

Бу предметларнинг шаклларида ва ташқи кўринишларидағи асосий элементлар бир-бирига анча яқин туради ва уларни бир умумийликка бўйсиндиради. Бу умумийлик улар шаклидаги ўзига хос бирликни ташкил этиб, бу бирлик улар расмини ишлашда ягона услубли талаб қиласди. Бу услуб, призматик шаклдаги предметлар шаклини ишлашда икки асосни бир-бирига мос келиши ва қолган томонларни турлича кўриниш, турлича шакл ва ўхшаштишларга эга бўлган ҳолда тасвиrlанишидир. Призматик шаклдаги нарсаларнинг расмини чизиш ва натура композициясини тузишда перспектива қоидалари ғоят муҳим рол ўйнайди (..... расм).

Призматик предметлар расмини чизиш, куб расмини чизиш каби амалга оширилади. Предметнинг умумий баландлиги топилади ва уни белгиланиб, умумий эни, яъни кенглик топилади. Сўнгра предметнинг ташқи шаклидаги асосий ва иккинчи даражали белгиларнинг ўрни белгилаб, тасвиrlанади.

Сиз мустақил ҳолда энг аввало тўрт қиррали, олти қиррали призматик шаклларни ва предметларни расмини китобингиздаги расм чизиш услубларидан фойдаланиб чизишга ҳаракат қилинг. Сўнгра шундай предметлардан танлаб, уларни ўзингизга қулай қилиб қўйингда, расмини чизинг. Расм чизиш

машқини тўхтатмай давом эттиринг. Сиз отли қиррали призматик шаклни чизишига эътибор беринг, у сизни цилиндр шаклидаги предметлар расмини чизишга тайёрлайди.

ЦИЛИНДР ВА КОНУС ШАКЛДАГИ ПРЕДМЕТЛАР РАСМИНИ ЧИЗИШ.

Сиз, призматик шаклдаги нарсалар расмини чизиш устида олиб борган машқларингиз асосида бўр неча хилдаги ҳажмли предметлар расмини чизишни ўрганиб олдингиз. Бу машқлар асосида, яъни кўп ёқли призмалар расмини чизиш жараёнида нарсалариниг сиртини буриш бўйича бироз бўлсада малакага эга бўлдингиз. Энди сиртлар бурилган, лекин бу бурилиш қирралар асосида эмас, балки текис ҳолатда бурилишга эга бўлган сиртлардан иборат. Булар цилиндрик предметлардан иборат бўлади. Бундай предметлар қаторига банкалар, кружжалар, кастрюллар, челяклар, кофейник, ваза-қўзалар, коса, стакан, бутилка, трубалар, қути ва коробка каби предметлар кирадики, уларнинг шакллари цилиндр ва кесик конус каби геометрик шаклларга эга бўлади. (.....расмлар).

Расмдаги предметлардан кўриниб турибдики, цилиндр шаклидаги предметларнинг шакли икки - устки ва остки асосга эга бўлган геометрик шаклга ўхшаш ҳолда бўлиб, бу шакллар бунинг асосини ташкил этади. Шу боисдан бундай предметларни расмини чизишдан олдин цилиндр, конус ва кесик конус шаклини ўзининг расмини чизишни ўрганиб олиш фойдалидир.

Цилиндр расмни чизиш. Цилиндрнинг шакли кўп ёқли призмага ўхшаш бўлганлиги учун ҳам унинг расмини чизиш шакллар қаторида олиб борилади. Яъни цилиндрнинг умумий баландлиги ва эни топилади. Сўнгра, устки ва остки асосининг перспектив кўриниши топилади. Цилиндрнинг чизиқли тасвири ҳосил бўлгач, контур чизиқлар ўчириб, ёруғ-соялар асосида бўялади. Цилиндр-

ни бўялгандаги штрихлар худи кўпёқли призмани бўяш методидек олиб борилади (.....расмлар).

Конус ва кесилган конус расмини чизиш. Маълумки конусда битта асос, кесилган конусда эса иккита асос бўлади. (.....расм).

Кўриниб турибдики, бу икки шаклни кўриниши бир-биридан фарқ қиласи, яъни бирида икки асос, бирида эса битта асос бўлиб, уларнинг сирти остки асосдан конуснинг учигача конусда, остки асосдан юқори асосгача кесик конусдаги текисдикларга айтилади.

Конус ва кесидган конусни расмини чизиш учун умумий баландлигини ва энини топиш билан бошланиб, сўнгра уларни остки ва устки асосларини ёки конус учини топиш билан давом эттирилади. Конус ва кесик конус расмини чизишрасмларда кўрсатиб берилган.

Конус ва кесик конус шаклидаги предметлар расмини чизиш машқларини космик ракета, воронка, кофейник, челак, стакан, коса каби предметларнинг расмларини чизиш асосида амалга оширилади. Кўлланмангизда уларнинг айримларини тасвирлаш йўллари этаплар асосида берилган. (.....расмлар).

ШАР ВА ШАР ШАКЛИДАГИ ПРЕДМЕТЛАР РАСМИНИ ЧИЗИШ.

Кундалик ҳаётимизда ва турмушимиздаги жуда қўп ишлатиладиган нарсалар, яъни спорт ядроси, болалар коптоги, футбол тўпи, балиқ аква-риуми, глубос, чойнак, анор, ҳандалақ, апельсин, лимон, тарвуз, олма, помидор, гилос каби нарсадар ва предметлар шар шаклида бўлади.

Шар эса барча томонлардан қаралса бир хилда кўринадиган айлана сиртга эга булган ҳажмдор геометрик шаклдир. Шар, доира, айлана тушунчалари бири-бири асосида юзага келсада, улар бир-биридан мутлоқ фарқ қиласи. Шар ҳажмга эга, доира текис юзага эга, айлана эса на ҳажмга, на юзага эга бўлмаган геометрик шаклдир. (.....расм).

Шар расмини чизиш унинг баландлиги ва энини белгилаб, доира чизилади, сўнгра натура учун қўйилган шарга тушаётган ёруғлик ва бу ёруғлик асосида ҳосил бўлган соялар воситасида шарнинг ҳажми топилади. (.....расм). Бу ўринда расмда кўреатилган шардаги энг ёруғ-ярқираб турган ўрин (блиқ) бўялмай, соялар бўяб чиқилади. Сўнгра шарни ўрни ва ундан тушаётган соялар ҳам аниқланиб, майда штрихлар ёрдамида кўрсатилади. (.....расм). Шарни ёруғ ва соялари топилаётганда расмингизни натура билан тез-тез солишириб туринг.

Шар ва шар шаклидаги нарсалар расмини чизиш малакангизни мустахкамлаш учун чойнак, анор, тарвуз, футбол тўпи каби предметлар расмини чизишни машқ қилинг. Уларнинг айримларини ифодалаш йўлларирасмларда кўрсатилган.

МУРАККАБ (АРАЛАШ) ШАКЛДАГИ ПРЕДМЕТЛАР РАСМИНИ ЧИЗИШ

Маълумки, табиатда, турмушда, ишлаб чиқаришда учрайдиган жуда кўп предметлар турлича геометрик шакллардан ташкил топади.

Масалан, бидон, кўза, обдаста, графин, хумча, дараҳтлар, қушлар, ҳайвонлар, одам ва унинг аъзолари, ишлаб чиқариш воситаларининг ҳаммаси турлича геометрик шаклга эга бўлган предметлардир. Уларнинг ҳар бирини расмини чизиш учун, албатта барча геометрик шакллар расмини чизиш малакасига эга бўлиш лозим. Шу боисдан бундай предметлар расмини чизишни геометрик шакллар натюрморти (тўплами) расмини чизишдаи бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Геометрик шакллар расмини алоҳида-алоҳида олдинги машғулотларда чизиб кўрилган. Улар тўплами расмини чизиш эсарасмда кўрсатилган. Унда кўрсатилган предметлар турлича бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида эътиборли ва уларнинг ҳаммаси бир умумий композиция характеристида ифрадланади.

Бидоннинг тузилиши цилиндр, конус, яна цилиндр, эллипс каби шаклларда бўлиб, уни расмини чизиш эсарасмдагидек амалга оширилади.

Хумча, грек вазаси, кўза, стол лампаси расмларини чизишда ўз малакала- рингизни оширишингиз ва уларнинг айримларини расмларини чизиш этаплар бўйича китобингизда ифода этилган. (.....расмлар).

ГАЗЛАМАНИ БУКЛАНГАН ҲОЛАТИНИ ТАСВИРЛАШ

Расми ишланадиган нарсаларни шакли, тузилиши, ранги ва ёруғ-сояларини тўғри, аник, реал ҳолатда тасвирламоқ учун албатта расми ишланадиган нарсаларни таги ва орқа томонида уларни ўзига мос ҳолдаги, рангдаги текислик бўлиши лозим. Буни тасвирланадиган нарсаларнинг фони дейилади.

Фон - тасвирий санъатда расми ишланадиган нарсаларнинг орқа томонида- ги текислиги тушунилади.

Тасвирдаги предметларни ва объектни қизиқарли бўлиши, натурани шакли ва тузилиши, шунингдек, ранг ва ҳолатини аник, реал, жонли кўринарли чиқиши учун натура ва объект учун танланадиган фон материал ива унинг ранги тасвирий санъатда жуда аҳамиятлидир.

Шу боисдан, расм чизишни бироз ўрганиб олган ёки расм чизиш машқини бошлиётган ёш рассом албатта натура ва объект фонига эътибор бериши лозим. Бу бўлажак рассом учун келажакда фондан усталик билан фойдаланиш имко- нини беради.

Фон натурани шакли, катта-кичиклиги, ранги ва туриш ҳолатига кўра тан-ланади. Фон натура рангидан ажralиб туриши мақсадга мувофиқдирки, бу энди расм чизишни ўрганаётган киши учун фойдалидир.

Шу боисдан фон учун қўйиладиган материалларни турли ҳолатларда тас- вирлашни ўрганиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу машқни ҳам жуда оддий ҳолатлардан бошланиши лозим. Шунинг учун фон материалини тасвирлашни

энг биринчи букланмаган бязни тик ва ётиқ ҳолда тасвирлашдан бошланади (.....расм). Сүнгра,расмларда кўрсатилганидек, бир, икки, уч ва ундан ортиқ марта букланган материалларни тасвирлаш устида машқлар ўтказилади (.....расмлар).

Машқлар қаламда акварелда ва мой бўёкларда олиб борилади.

Аудитория машғулотида эса ўқитувчининг кўрсатмаси бўйича берилган вазифалар асосида машқлар ўтказилади.

ТАБИАТ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ РАСМИНИ ЧИЗИШ.

Табиат ўзининг дараҳтлари, ранг-баранг ўсимликлари, қуш ва ҳайвонлар олами, тоғ, адир, дарёлари билан ўзига хос гўзалликлар дунёсини бунёд этади.

Инсон эса уларни ўз меҳнати, илму-санъати билан янада кўркам, янада чиройли бўлишига ҳаракат қиласиди.

Табиат ва унинг гўзаллиги, табиатга янада гўзаллик ато этувчилар уларнинг меҳҳати ҳақида шоирлар, рассомлар, композиторлар ўз асарларини яратдилар. Шу боисдан рассом бўлишни орзу қилган, бу йўлда ижод қиласидиган ҳар бир рассом ҳам табиат расмини чизишни асло канда қилмайди. Шу боисдан ҳам расм чизишни ўрганишга киришаётган киши табиат материалларини расмини чизишни яхши ўрганиб олиши лозим. Чунки, табиат рассом учун тасвирлашнинг асосий манбаси бўлади. Унда ўсимликлар, дараҳтлар, тоғ-тош, дара, қоялар, бобу-роғлар, уй-ҳовлилар, пахтазор, буғдойзор, ўрмон, дарё, кўл ва ҳавзалар расмини чизиш машқлари табиат манзаралари расмини чизишнинг дастлабки қадамлари бўлади. Шу боисдан қўлланмада табиатнинг қатор элементларини тасвирини яратиш бўйича машқларга назарий ва амалий йўлланмалар берилади.

ЎТ-ЎЛАНЛАР ВА ДАРАҲТЛАР РАСМИНИ ЧИЗИШ

Ўт-ўланларни асосан барг, новда-шохчалар ташкил этади. Шунинг учун энг аввал барг ва новдалар расмини чизиш машқларини эгаллашимиз керак. Бунинг учун бирон ўсимлик ёки дараҳт новдасини олиб, уни аввал баргини, сўнгра новда-шохчасини расмини чизишни машқ қилинади. Бу ерда баргларнинг бир-биридан фарқи, уларни новдага қай ҳолда (паралел ёки кетма-кет) жойланишига асосий эътибор берилади. Барг, шохча, ўсимлик ва дараҳтлар расмини чизиш бўйича кўрсатмаларрасмларда берилиб, унда аввал умумий ҳолда, сўнгра уларни ҳар бирини этаплар бўйича чизиш кўрсатилган.

ҚУШ ВА ҲАЙВОНЛАР РАСМИНИ ИШЛАШ.

Ер юзидаги қушлар олами, ҳайвонот дунёи табиатга ўзига хос гўзаллик беради. Қушларни ташқи кўриниши, шакли, пат-парлари, рангларини турли туманлиги киши диққатини бениҳоя ўзига тортади.

Расм чизувчи табиатга меҳр билан боқар экан, ундаги ўт-ўланлар, дараҳтлар билан бирга узок-узокларда ўтлаб юрган сигир, бузок, қўзилар, телефон симларида тизилиб ўтирган қалдирғочлар, самовий кўкда айланадиган қарчиғай-ю, лайлаклар ёки дараҳт шохидаги оғзини катта очиб қағиллаётган олаҳаккаларни қўриш қанчалик хуш ёқса, уларни расмини чизиш ҳам шунчалик завқли бўлади. Уларни расмини чизиш учун анчагина қобилият, истеъод, талант, машқлар ва амалий тажрибалар зарур бўлади.

Шу боисдан қуш ва ҳайвонлар расмини чизиш малакаларини шакллантириш бўйича алоҳида-алоҳида тўхтаб ўтамиш.

Қуш расмини чизиш.

Қушлар гавдаси, пат-парлари билан қопланган, олдинги оёқлари қанотга айланган ва учишга мослашган, иссиқ қонли, умуртқали ҳайвоилардан иборатдир. Қушларнинг оёқлари дараҳтларда туриш, ерда юришга яхши мослашган бўлади.

Қушлар узининг ташқи кўринишига кўра хилма-хилдир. Бу тузилиш уларнинг яшаш шароитига боғлиқ ҳолда шаклланади. Уларнинг пат-парларининг ранги ҳам, ҳатти-ҳаракатлари ҳам яшаш шароитига, теварак атроф-муҳитга боғлиқдир. (.....расмлар).

Кушлар расмини чизиш бироз мураккаброқ. Шу боисдан уларни тасвирлашни энг аввал ён томондан бошлиш маъқулдир. Ён томондан қуш расмини чизишида аввал унинг гавдасини, сўнгра бўйини, боши, дум ива оёғи чизилади. (.....расмлар).

Расмларни кузатар экансиз, расм чизувчи энг аввал қушни туриш ҳолатини яхшилаб кузатиши, шу кўриниш бўйича контур чизиқлар чизишини, сўнгра гавда кўринишини тухум шаклида чизиб олиши, сўнгра боши ва думини контур чизиқларда белгилаб олади, сунгра натурага тез-тез қараб, қушнинг тўла шакли ва асосий белгиларини чизилади. Сўнгра унга тушаётган ёруғ-соялар асосида, майда штрцхлар воситасида тўла тасвир яратилади. Расм чизиш машқини китобингиздаги расмлардан фойдаланган ҳолда олиб боришингиз мумкин. (.....расмлар).

Расм чизиш бўйича машқингиз бироз такомиллашгач, китобни ёпиб қўйиб, натура бўйича (қушларни қотирилган нусхаси, чучело) олиб боришга ҳаракат қилинг. Ёки тирик товук, каптар, олаҳакка, қалдирғоч, ўрдак кабиларни ўзига қараб расмини чизишга уриниб қуринг.

Ҳайвонлар расмини чизиш.

Ҳайвонлар – тириклик мавжудоти оламининг энг катта туридир. Ҳайвонлар - табиат ва кишилик жамиятининг шаклланиши, ривожланишида жуда катта омил бўлиб келганлигини яхши биласиз. Шу боисдан ҳайвонлар тасвирини яратиш одамларни ибтидоий жамоа давриданоқ бошланганлиги бежиз эмасдир. Ҳайвонлар расмини чизиш ва тасвирлаш бутун кишилик жамияти тараққиётида асосий композицион тема бўлиб келди. Жаҳоннинг кўзга кўринган рассомларидан П.Поттера, А.Кейпа (голландиялик), К.Тройоне

(франциялик), Н.Сверчкова, П.Ковалевская, П.Клодт, П.Соколов, В.Серов, А.Степанов, В.Ватагин, И.Ефимов, А.Лаптиев, А.Комаров, В.Трофимов ва бошқалар (rossиялик) кабилар ҳайвонлар тасвирини жуда кўп яратганлар.

Ҳайвонлар расмини чизиш табиатни ўргапиш, ундан фойдаланиш ва унга меҳр-муҳаббатли бўлиш руҳида тарбиялашни ҳам йўлга қўяди. Шу боисдан болалар тарбияси билан шуғулланадиган, бўлажак педагоглар ҳайвонлар расмини чизишни ўрганишлари ғоят аҳамиятлидир. Чунки, педагоглар болаларга табиат сирини ўрганиш, уларга меҳр-шафқатли бўлиш руҳини сингдиришлари зарурдир.

Ҳайвонлар расмини чизиш ҳам худди қушлар расмини чизиш каби ўрганилади ва олиб борилади.

.....расмга эътибор Беринг. Расмда ҳайвонларни гавдаси, бўйни, боши, оёқларининг тузилиши қушларга бироз бўлсада ўхшаб кетади. Шу боисдан ҳайвон расмини чизиш машқи ҳам худди қушлар каби ён профилдан бошланиши лозимки, бу ўрганувчига бироз бўлсада осонрок малака ҳосил қилишни таъминлайди. Бироқ малака ҳосил қилингач, ҳайвонларни олди, орқаси ва турли томонларидан, турли ҳаракат-ҳолатларида турган даврдаги расмини ишлаши мақсадга мувофиқдир.

Ҳайвонлар расмини чизишрасмдаги кўрсатилганидек, уларни умумий баландлиги, эни ва гавда аъзолари контур чизиқларида белгилаш билан бошланиди ва расмни тасвирдаги этапларга асосланган ҳолда олиб борилади.

Ҳайвонлар расмини чизиш машқини кичикроқ ҳажмдаги ҳайвонларни танлаб, уларни осонроқ ҳолатини топиб, расмини чизишга ҳаракат қилишда давом эттирилади. Бошланғич машқларда қўлланмангиздагирасмлар сизга ёрдам беради. Расмларда бир неча уй ва ёввойи ҳайвонларни, қайсики болала жуда қизиқадиган ҳайвонлар расми берилганки, бу ҳайвонлар расмини чизишни яхшилаб ўрганиб олинса, бошқа ҳайвонлар расмини чизишга бироз бўлсада малакангиз ҳосил бўлади. Агар хохласангиз машқларни давом эттиришингиз мумкин. Бу ҳолатда ҳам албатта қўлланмадаги расмлар сизга ёрдам беради.

Одам расмини чизиш.

Одам расмини чизиш бўлажак ҳар бир тарбиячи-педагог ва ўқитувчи аллома ёки ўқувчи, студент, умуман ҳар бир зиёли етук мутахассисга энг зарур малакадир. Аммо одам расмини чизиш унчалик осон иш-машғулот эмас. Лекин, қунт билан олиб борилган, муңтазам машқ бу вазифани хам китобхонимизга албатта забт этишни насиб этадур.

Одам расмини чизиш ҳам албатта бошқа оддий предметлар расмини чизиш машқлари каби, уни жуда синчиклаб ўрганиш, уни эиг қулай, расмини чизилиши осонроқ бўладиган томонини аниқлаб, дастлабки машқларни бошланиши зарур.

Синф хонасида ёки аудиторияда расм чизиш ҳам худди шу усулда, ўқитувчи ёрдами, тушунчалари ва назоратида олиб борилади.

Ўқитувчи сўзига эътибор беринг, у одам скелети воситасида одамнинг қомати, ундаги аъзоларни гавда бўйлаб жойланиши, уларнинг бир-бирига нисбатан узоқ-қисқалиги, туриш ҳолатини кўрсатиб, ҳатто аудитория тахтасида одамнинг тузилиши, ундан ўтказиладиган ўқ ва ёрдамчи чизиқлар ҳақида тушунчалар ва маълумотлар беради.

Одам расмини қанчалик аниқ, реал, тўғри чиқишида унинг бўйини тўғри топилиши фоят аҳамиятлидирки, буни жуда қадимдан, яъни ибтидоий мисрликдардан тортиб, уйғониш даври, XIX-аср ва ҳозирги жуда кўп рассом-педагоглар ўзларича талқин этадилар. Расмларга эътибор бершг, уларда Қадимги Мисрликлар одам қоматши 21 бўлакка, уйғониш даврининг буюк рассоми Микеланджело 8 бўлакка, XIX асрнинг таникли Рус ҳарбий-инженери (ҳаваскор рассом) А.П.Сапожников (1795-1855) ва давримизнинг катта-педагог олимларидан бмри, педагог-рассом Н.Н.Ростовцев бутун ўтмиш рассомлари тавсиясини умумлаштирган ҳолда одам қоматини бош-каллага нисбатан қисмларга бўлиб ўрганишни тавсия этади. (.....расмлар).

Одам расмини чизиш ҳам оддий предметлар расмини чизиш услубида олиб борилиб, унинг умумий баландлиги, энини белгилаш билан бошлиади. Сўнгра баландлик ўқи бўйича одам аъзоларини жойдашиши топилади, уларни контур чизиқлар воситасида ифода этилади. Одам аъзоларининг нисбатлари, ўрни белгиланаётганида Ростовцевнинг одам қоматини нисбатлар ишланмасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, бу усул одамнинг ҳар хил (баланд, паст, семиз, ориқ қомат) қомати учун ҳам мос келади ва бу усул анча тушуиарли, осон, чунки, унда одам қомати каллага нисбатан олинган. Ҳаётда ҳам шу нарса кўринадики боши узуроқ кишиларнинг бўйи ҳам узун бўлади.

Сиз натурага қўйган кишингизни бош-калласини ўлчаб, шу асосда унинг гавдасини тенг бўлакка (қайсики каллани узунлиги ўлчовида) бўлиб чиқсангиз ҳам, у етти бўлак чиқади холос (.....расмлар).

Одам расмини чизиш машқини фақат хомаки расмдан бошланг. Унда сиз одамнинг юзини ва айрим жуда майда аъзоларини тасвирлаш билан ўралашиб қолмайсиз. Хомаки расмни ҳам аввал тик, тўғри турган ҳолатини кўп марта машқ қилинг, сўнгра ўртадан ўтказган тик ўқ чизифингизни одамнинг ҳаракати, ҳолатига кўра бюст машқини ўтказинг. Одам расмини чизишда мувозанат деган нарсага алоҳида аҳамият беринг, бўлмаса расмингиздаги одам йиқилиб кетаётганга ўхшаб қолади. Расмларни кузатинг. Бу ўринда ўқитувчингиз сизга ёрдам беради.

Уйдаги машқларда одам қоматини тематик композицияларда тасвирлашга ҳаракат қилинг. Одам юзи ва калласини аудиториядаги кўрсатмалар асосида уйда расмини чизишга ҳаракат қилинг. Бу соҳада кўпроқ машқ қилиш керак. Бу ўринда китобингиздаги расмлар сизга кўмакдош бўлади. Аммо кучингиз етганича сиз натурадан чизишга ҳаракат қилинг.

РАНГТАСВИР.

Бизни ўраб тупган табиат, унинг барча предмет ва элементлари турли туман ранг тарқатувчи масса-моддалардан иборатdir. Инсоният шу ранглар кўйнида туғилади, шаклланади, уни кўради, ўрганади ва бойитади. Шу боисдан ҳам инсон ўз характер ва хусусиятига, меҳнат фаолиятига кўра рассом - ижодкордир. Чунки, ҳар бир киши ўз ҳаёти давомида ниманидир ўзгартиради, ниманидир янгисини яратади. Аммо, одамлар бу ўзгартиришни турлича шаклда, турлича характерда, турлича рангларда амалга оширадилар. Кимдир бу ўзгартиришни жуда чиройли, кўркам, ёқимли, қулай қилиб яратади. Кимдир эса олдингисидан хунукроқ, кўполроқ, ёқимсиз ҳам қилиб яратади. Бунинг асосий сабаби, кимдир шаклни, рангни яхши сезади, кимдир сезмайди. Одамлар табиатдаги на турмушдаги чиройли, гўзал, ёқимли, нозик, қулай шакл, ранг ва нарсаларни турлича кўрадилар, турлича таҳлил этадилар, чунки одамлардаги шакл ва ранг бўйича бадиий маълумотлар, кўникмалар турли меъёрда, турли характерда бўлади. Бундай билим ва кўникмалар инсонга жуда ёшлигидан, ҳатто чақалоқлик давридан сингдириб борилади.

Болаларни шаклни ўрганиши ва ранг билан таништириш илк ёшлигидан (1-2 ёшлигидан) бошланади. Демак, инсониятни шакл ва ранг билан танишиши, ундан фойдаланиши ва янгисини яратишга тайёргарлиги жуда ёшликтан, болалар боғчасидан бошланади, бу боғчаларни педагог-тарбиячи оналари томонидан амалга ошира бошланади. Шу боисдан бўлажак педагог-тарбиячиларни ранг ва бўёқ билан ишлаш қобилиятларини, малака ва маълумотларини ўстириш жуда зарур вазифадир.

Қўлланмада ҳам ана шу вазифани уддасидан чиқишига алоҳида эътибор берилади. Шу боисдан мазкур қўлланмада ранг ва бўёқ билан ишлашга ҳам катта ўрин берилади.

РАНГ ВА БЎЁҚЛАР.

Ранг – моддалар чиқарған ва қайтарған нурланиш спектридир. Рангни биринчи бўлиб, инглиз физиги Исак Ньютон илмий жиҳатдан асослаб беради. У уч ёқли шиша олиб, ундан кичик тешикчадан тушаётган нурни ўтказиб, уни текисликка туширади. Текислик сиртида қизил, сариқ, зангор ранглар кўринади. Бу ранглар орасида яна бир неча, қайсики шу уч ранглар аралашмасидан ҳосил бўлаёгган қўшимча ранглар ҳам кўринади.

Халкаро келишувга мувофиқ ана шу Ньютон тажрибасидаги асосий учта - қизил, сариқ, зангор рангларни табиатдаги асосий ранглар деб қабул қилинади. (.....расмлар).

Бошқа барча ранглар шу уч ранг аралашувидан (қўшилишидаи) ҳосил бўлади. Ҳозиргача топилган ранглар 300 дан ортиқ тусда бўлиб, улар шунча номда ифодаланади.

Ранглар кўринишига кўра иссиқ ва совуқ турларга бўлинади. Иссиқ ранглар табиатни иситувчи, яъни қуёш тафтини, аланга садосини, қизиган буюм ҳароратини берувчи қизил, зарғалдоқ, сариқ, пушги, жигарранг, тилла ранг кабилардан иборатдир.

Совуқ ранглар - қор, муз, сув, совуқ осмон рангига, салқин, совуқ, кайфиятсиз, ёқимсиз ҳис-туйғулар яратувчи, яъни зангор рангни қизил, сариқ билан аралаштиришдан ҳосил қилинадиган - кўк, яшил, бинафша, ҳаво ранг, зангор каби ранглардан ташкил топади. Аммо, рассомлар бу рангларни иккала туридан ҳам ўз асарларини яратишда тўла фойдаланиб, уларни ҳар иккаласидан томошабинга ёқадиган, одамларда кучли таасурот қолдирадиган асарлар яратадилар.

Ёруғликни ютиш ва қайгариш хоссасига кўра ранглар хромагик ва ахроматик турларга бўлинади. Оқ ва қора рангдан бошқа бирон тусга эга бўлган ҳамма ранглар хромагик ранглар қаторига киради. Яъни муайян ранг тусига эга бўлган, табиатдаги - қизил, зангор, сариқ ранглар ва улар аралашмасидан ҳосил бўлиб, маълум бир ранг тусини ифодаловчи ранглар хромагик ранглар дейилади. (расм).

Ҳар бир хроматик ранг уч хоссага эга бўлади:

1. Ранг тузи - рангни ўз кўриниши, одам кўзида берадиган жилоси, шунга кўра биз уни қизил, кўк, зангор, сарик, яшил, бинафша ва бошқа номларда атаемиз.

2. Ранг ёрқинлиги – рангдаги ёруғликни қайтариши, яъни ёруғликни ўзида кўп ёки оз акс эттиришидир. Бу рангни оч тўқлигидир. Агар нарсада ёргулек кўп акс этса, биз нарсадаги рангни паст даражадалигини кўрамиз, у оч яшил, оч сарик, оч қизил кўринади. Агар нарсадаги ёргулек рз акс этса, унда нарсани ранги тўқ бўлиб кўринади.

3. Ранг тўйинганлиги - нарса сиртидаги рангларни тиниқлиги, раигдорлиги, софлигини ифодаланишидир.

Агар соф бўёқнинг кучи ортса рангни тўйинганлигини кўрамиз. Агар бирон хроматик ранг устидан кулранг берилса, унда бу рангнинг равшанлиги, рангдорлиги ёки ранг гўзаллиги албатта пасайиб кетади. Бу мазкур рангни тўйинганлигини пасайганлигини билдиради.

Маълумки, оқ ва қора рангни бир-бирига қўшиш асосида жуда кўп бир тусдагқ, аммо бир-биридан фарқ қилувчи ранглар олинади.

Бундай бир-биридан факат ёруғликни ютиш ва қайтариши билан фарқланувчи ранглар ахроматик ранглар дейилади.

Ахроматик ранг алоҳида бир тусга эга эмас, у фактат тўқ, очроқ, оч, жуда оч (яъни рангсиз) лиги билан фарқланувчи ранглардир. Демак, оқ, қора ва шу икки рангдан ҳосил бўлувчи рангларни ҳаммаси ахроматик ранглар турига киради. Бу ранглар тўқ қора, қора, оч қора, очроқ қора, жуда оч қора ва ҳоказо ранглардан иборатдир. (расмлар).

Рангшуносликада ранг ҳалқаси ёки ранг доираси деган тушунча бор. Ранг ҳалқаси ранг спектрининг энг чеккасидаги икки ранг, масалан қизил ва зангор ранглар орасида турли ранглар бўлиб, улар бир-бирига жуда ўхшайди, аммо фарқланади ҳам, чунки, бу ранглар спектрининг икки чеккасидаги рангларни қўшишдан ҳосил бўлган ранглардир. Ана шу ранг спектрининг икки четидаги ранг қўшилишидан ранг ҳалқаси ҳосил бўлади. (расм).

Бу ранг ҳалқаси ичида иссик рангларнинг барчаси, уларнинг бир неча турлари намоён бўлади. Шу боисдан ранг ҳалқасини ўзгариши билан, ундаги ранглар контрасти - яъни рангларни теварак атрофидаги шароити, муҳити ва уни қушилишига мувофиқ ўзгараверади. Рангларни қўшилишидан ҳамма ёки исталган рангни олиш мумкин. Фақат қайси рангни, қайси рангга, қанча миқдорда қўшилса, ундан қанақа ранг ҳосил бўлишини аниқлаб олиш лозим. Масалан:

1. Қизил ва зангор рангни қўшилишидан: қизил, тўқ қизил, қирмизи, оч қирмизи, тўқ қирмизи, бинафша, тўқ бинафша, оч бинафша каби ранглар ҳосил бўлади.

2. Қизил ва сариқ рангни қўшилишидан: зарғалдоқ, тўқ зарғалдоқ, оч зарғалдоқ, сариқ, тўқ сариқ, оч сариқ, қовоқ ранги, лимон ранги, тилла ранги, пушти каби ранглар ҳосил бўлади.

3. Сариқ ва зангор рангни қўшилишидан: оч яшил, яшил, тўқ яшил, оч зангор, зангор, тўқ зангор, ҳаво ранг, кўк, зумрад, сабза, барикарам каби ранглар ҳосил бўлади.

Педагогика коллежларида фойдаланадиган ранг ва бўёқлар тайёр ҳолда олинади. Улар асосан акварель, гуаш, пламастер кабилардан иборатдир. Чунки, улар табиатдаги ва турмушдаги барча ранглар асосини яратади. Рангнинг ҳар бир кўриниши биттадан бўёқ билан белгиланади. Бўёқлар - маълум бир рангдаги кукунлар массасидан ташкил топади.

Бўёқ тайёрлаш - зарур ранг тусидаги кукунлар массасига маҳсус боғловчи элементларни қўшиш ёки аралаштириш билан тайёрланади. Бу боғловчилар бўёқни ишлатиш мақсади ва ўрнига кўра танланади. Бўёқ элементларини танлашда бўёқ тусини ўзгартириб юбормасликни, қофозга шимилишини (қофоз яхши ёпишишини) ва сувда яхши эришини, тезда қотиб қолмасликни алоҳида назарда тутилади. Бу хоссалар акварео тарёлашда алоҳида эътиборга олинади. Акварель сувда яхши эрийдиган, қофозга яхши шимиладиган, мўйқламга яхши ёпишадиган, ўзида узок вақт нам сақловчи, ёрқин ранг тулага эга бўлган

бўёқдир. Акварель тайёрланадиган кукунлар табиий ва сунъий бўлади. Улар қизил, сариқ, зангор, яшил, бинафша, қора кукунлардан иборат бўлади.

Акварель 6, 12, 16, 24 рангга эга бўлган ҳолда кўпроқ тайёрланади. Унинг энг сифатлиси «Ленинград» акварели ҳисобланади. Бу бўёқнинг энг муҳим характерли хусусияти унинг тозалиги, тиниқлиги, қофода текис ётиши ва юпқа қаватлар ҳосил қилишидир.

Акварель Қадимги Миср, Юнон, Италия, Япония, Хитойда шаклланиб, уни ижодкорлари томонидан кенг қўлланилди. Ўрта асрга келиб Урта Осиёда китоб графикасини шаклланиши билан акварель кенг қўлланилди. XIV-XV асрларга келиб, янада такомиллашди. Камолиддин Беҳзод унинг рассомлик мактабида акварель билан ишлашни турли усул ва услублари ишлаб чиқилди. Акварель билан ишлашда К.Беҳзод, М.Музаххиб, Мурод Самарқандий, Абдулла Бухорий каби атоқли ўзбек мусаввирлар катта ижод қилдилар. Европада XVIII асрдан, Россияда XIX асрдан акварель қўлланила бошланди. Ўзбекистон рассомларидан Б.Хамдамий, У.Тансиқбоев, Ч.Ахмаров кабилар акварелдан уз ижодий фоалиятларида кенг қўлладилар.

РАСМ ИШЛАШДА РАНГ ВА БЎЁҚЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.

Маълумки, табиат ва турмушдаги барча предметлар бирон-бир ёки бир неча рангга эга бўлади. Оддий бир дона тошда оқ, қора, кўк, яшил ва хоказо ранглар бўлади. Лекин шундай предметлар ҳам борки, улар бир неча ранглар аралашувида бўлади. Лекин биз уларни бир ранг номи билан атаймиз.

Масалан, барг биз уни яшил деймиз, аммо унда яшил, зангор, сариқ, оқ, қизил каби ранглар ҳам бор бўлади.

- Бир туп олма дарахтини танаси қўнғир, барги яшил, меваси сариқ, қизил каби рангларда қўринади.

Бирон манзарани кузатсангиз узок-узоклардаги тоғлар жигарранг, қўнғир, дарахтлар яшил, кўк, зангор, бинафша, уларни таналари қўнғир, ер жигарранг,

техника воситалари қора, кулранг каби рангларда күринади. Күриниб турибтики, табиат ва турмушдаги нарсалар ранги турлича. Уларни ўз шакли ва рангидан тұғри тасвираштағы энг қулай бүёк акварелдир. Аммо, акварель билан расм чизиш учун, энг аввал нарса предметлар рангини, уни қайси рангдаги бүёк билан тасвираш лозимлигини билиб олиниши зарур.

Акварель бүёғи табиатдаги ҳамма рангларни ифодалай олади. Аммо, акварель билан расм ишлаш учун махсус (акварелда расм ишлашга мослаштирилған) қоғоз, мүйқлам, тоза сув, бүёк аралаштириш учун политра тайёрлаш лозим. (расм).

Маълумки, қоғозлар турлича бўлади. Акварель учун юзаси ғадир-будир, оқ, қалин, бүёқ ва сувни яхши ушлайдиган бўлиши керак. Бунинг учун 12 форматдаги "Акварель" маркаси билан чиқарилган папкадаги қоғозлар жуда яроқли ҳисобланади. Акварелда ишлаш учун нафис, бўш, ёғли ва оқ бўлмаган қоғозлар ярамайди.

Акварель буёқда расм ишлаш учун махсус юмшоқ, учли, олмахон, сувсар юнгидан тайёрланган мүйқаламлардан фойдаланилади. Мүйқаламни сувга тиқиб, уни силкитсангиз, уни учи қалам учи ҳолатига келиши лозим.

Агар расмни каттароқ қоғозда ишланадиган бўлинса, катта думалоқ мүйқаламлардан фойдаланилади. Катта мүйқалам расм ишловчига кўпроқ микдорда бүёқ олиш имконини беради, шунингдек, катта мүйқалам билан бўёқни суртилганда ва ёйилганда қоғоз юзида камроқ ҳаракатда бўлади. Бу қоғозни титилиб кетишини олдини олади.

Акварелда расм ишлаш қаламда расм ишлашни давоми сифатида, расми ишланадиган нарсани, натюромортни ёки объектни (жойни) эътибор билан кузатиб, уни қаламда чизикли тасвирини яратилади. Сўнгра уни хўллаб олинади ва аста юқоридан қўйига томон локал рангларни бериш бошланади. Бўёқлар устма-уст 3-4 мартагина берилади, бўяшни сўнгги боскичлари натураларни ҳақиқий ранги, ёруғ-сояларни ишлаб олинади. Устма-уст бўёқ берилганда албатта олдинги бўёқни қуриб олишини таъминланмоғи зарур. Бўёқ билан иш-

лашда расм тахта тикроқ 30-40° қиялиқда тутилади, бу бүёқларни түпланиб қолишидаи саклайди. Қоғозга қўйилган бүёқларни бир текисда бўлишини таъминлайди. Расм учун бериладиган бўёқ - ранг аввал палитрада тайёрлаб олинади. Шунингдек бир ўринга берилган рангни алмаштиришда мўйқалам яхшилаб ювилади. Расм тайёр бўлгач, уни қуритишга қўйилади. Умуман бўёқ билан ишлаганда имконияги борича тиниқ ва очроқ ранг берилиши лозим. Бу ранг устидан бериладиган 2-нчи ва 3-нчи рангларни яхши ифодаланишига, рангни тўйинганлигини таъминлаш имкониятини беради.

Акварель ва умуман бўёқ билан ишлашга ўрганиш асосан қайта-қайта машқ килиш эвазига эришилади. Ҳар бир расм чизишга қизиқадиган ва рассом бўлишни орзу қилган киши энг аввал қўлидан қаламни қўймаслиги ва расм чизишни бирон кун канда қилмаслиги керак. Дасглабки машқлар бир рангни кўпгина тусларини топишдан бошланади ёки бир хил рангда расмлар ишлашдан иборат бўлади. (.....расмлар).

Бундай расм ишлаш жараёнида ёрқин, қуюқ, ёруғ, тиниқ ёки жуда оч рангларни сув миқдорини кўпайтириш, озайгириш асосида топишга ўрганилади. Тўқ ранглар яратиш учун сувни камроқ, оч ранглар топиш учун сувни кўпроқ, устма-уст 2-3 рангни бериш учун бир неча бор ранг қуиши, бу рангларни топишда ҳам бўёқка қўшилаётган сув миқдорини турлаш асосида бўлишини ўрганиб борилади. Янги рангни топиш учун қўшиладиган рангларни қайси биридан купроқ, қайси биридан озроқ олиб, уларни бир-бирига қўшишда ҳам сув миқдорини тўғри танланиши максадга мувофиқдир. Бўёқ - акварель билан ишлаганда албатта системаликни қатъий талаб қилинади. Яъни акварель билан ишлаганда осондан-қийинга бориш принципига асосланилади. Шу боисдан бошланғич машғулотларда камроқ рангли, лекин бир биридан яхшигина кўринарли фарқ қилувчи предметлар расмини ишлаш тавсия этилади.

Шунингдек, расм чизиш машғулотларидан олдин рангни кўриш ва уни қандай ном билан аталиши хақида машқлар ўтказилади. Сўнгра рангларни қўшиш, ундан янги ранг топиш ранглар ўрнини тўғри белгилаш машқлари хам

олиб борилади. Бундай маълумот ва кўникмалар эгалланилгандан сўнггина якка-якка предметлар расмини ишлашга киришилади. Масалан: олма, анор, нок, барг, шохча кабилар расмини алоҳида-алоҳида тасвирлаш лозим бўлади. Сўнгра уларни фон асосида бирон рангли материал устида тасвирланиши лозим. (.....расмлар).

Табиат манзара элементларини тасвирлаш ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди. Якка ҳолдаги терак, чинор, олма, ўрик, тол каби дарахтларни ёки қоқи ўт, лола, гўза каби ўсимликларни тасвирлаш мақсадга мувофиқ булади. Бўёқ билан расм ишлаш 4 ёки 5 босқичда амалга оширилади. Энг аввал расми ишланадиган нарсани чизиқли тасвири қаламда бажарилади, бу 1-босқич булади. Сўнгра қофоз кўлланиб, унга фон ва предметнинг асосий рангини ўрни топилади, бу 2-босқич бўлади. Бўёқ бироз қуригач асосий ранглар берилади, бу 3-босқич бўлади, кейинги босқичларда ёруғ-соялар, предметни ўзига хос хусусияти ва характеристини ифода этувчи ранглар берилади. (.....расмлар).

.....расмга эътибор беринг, ундаги тарвуз расми 4 та босқич билан ишланган. Терак расми 5 босқичда яратилган. Натюроморт ёки манзара расми ҳам худди шу услубда ёкирасмдагидек бажарилади. (.....расм).

Шу ўринда бўёқ билан ишлашга хос нарсани, яъни натура ёки жой-ўрин албатта кўриш горизонтидан пастда бўлиши лозим, агар кўриш нуқтаси натура марказига тушиб қолса, предмет ҳажмсиз ясси ҳолда куриниб қолади, бу расм чизишни қийинлаштиради. Агар қуш расми ишланса, уни энг аввал кўриш нуқтасидан пастда ва ўнг ёки чап томонга қўйилиши лозим. Шундагина қуш ерда ёки бирон бутоқ устида ўтирган ҳолда ва гавдасини тўла тасвирлаш имконияти яратилади. (.....расмлар).

Манзара ёки тематик (сюжетли) композиция устида ишлаш ва расм чизиш ҳам чизиқли тасвир яратиб, уни бўёқ билан ишлашга тайёрланади (қофоз хўллаб олинади), сунгра асосий ранглар) ни ўрни топилади. Кейинги босқичларда асосий ранглар, ёруғ-соялар ишланади.

Бундай расмлар ҳам 4-5 босқичда ишланади. (..... расм). Расмга эътибор беринг, ундаги босқичларни ҳар бири ўзидан кейинги босқичга қулайлик яратади ёки ҳар бир кейинги босқич ўзидан олдинги босқични тўлдираётганини кўрасиз.

Сюжетли тематик расм ишлаш асосан курган билган воқеа ҳодисалар, ўқиган китоблар ва теварак-атрофдаги турмуш ва ҳаёт ҳодисалари асосида расм ишлашдан иборат бўлади. Бундай расм ишлаш бўлажак педагог - тарбиячиларни мустақил ижодий расм ишлашга ва болаларга ижодий расм ишлашларини ўрганишга йўл-йўриклар беради.

Тарбиячи-педагог расм ишлашни, мустақил композиция тузишни жуда яхши билиши керак. Бундай расм ишлашни энг осон йўли ўқитувчи томонидан синф доскасида кўрсатиб берган сюжет элементларидан фойдаланилган ҳолда расм ишлашдир. Чунки, ўқитувчи ҳар бир тематик расм чизиш дарсида, шу мавзу бўйича бир неча элементлар кўрсатади. Талабалар ундан ижодий фойдаланиб, мустақил тематик композиция тузадилар. (..... расмлар).

Бўёқ билан ишлашни ўрганишни энг осон йўлларидан яна бири бўёқда бадиий безаш бўйича расм ишлашдир. Чунки, тасвирий санъатни бу бўлими кўпроқ нақш ва мустақил ранг композициясидаги безатиш ишларидан (деворий газета, открытка кабилар) иборат бўлади. Бунда ҳар бир элемент бир хилдаги рангни талаб қиласи. (.....расм).

Нақш чизишида эса ҳар бир бўёқ ўрни белгилаб олинади ва бу ўринга шу бўёқни ўзи тиниқ ҳолда берилади. (..... расм).

КОМПОЗИЦИЯ

КОМПОЗИЦИЯ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ.

Композиция – лотинча сўз бўлиб, тасвирий санъатда – асарни тузилиши, асардаги элементларни жойлаштирилиши ва асарда тасвирланадиган нарса- предметларни ўз шаклида, рангида ва ўрнида кўриниши ва ифодаланишидир.

Композиция тасвирий санъатнинг барча тур ва жанрларида ўз ифодасини топади. Шу боисдан ҳам дейилвадиким, - Композиция – бадий асар яратишнинг бош қонуниятидир. Чунки, композиция – тасвирланадиган предметни (натурани), натюрмортни, жойни, манзара-кўринишни, воқеа-ҳодисани, уларнинг элементларини ўз номида, шаклида, рангида, ўз ўрнида, мазмуни ва маконида замонида ўзаро боғланган ва мустақиллиги сақланган ҳолда, реалистик услубда, бадий характерда ифода этилишига айтилади.

Рафаэль Сантининг (1483-1520) «Секстан мадоннаси»,

Леонардо да Винчининг (1452-1529) «Жаконда»,

Камолиддин Беҳзоднинг (1455-1535) «Шайбонийхон портрети»,

К.Брюлловнинг (1799-1852) «Помпейнинг сўнгги куни»,

Р.Ахмедовнинг «Оналик» каби асарларини кузатар экансиз, ундаги композиция талаблари ўз ўрнида, ўз меъёрида бажарилганлигини гувоҳи бўласиз.

Композиция – санъатнинг барча турларида: адабиёт, тасвирий санъат, меъморчилик, мусиқа, рақс-хореография, кино, театр, телевидения, фото, эко-бана кабиларда ўз ифодасини топади. Тасвирий санъатда – расм, ҳайкал, нақшларда қисм, ранг, ёргу-сояларни, асар сюжети ва элементларни жойланиши, рассомнинг мақсади, ғоясига жавоб бериши ёки бўйсиндирилишида ўз ифодасини топади. Бу ўринда асарни мавзуси, сюжети, ритм, симметрия, шакл, жойланиш ва уларни бир-бирига боғланиши, бир марказга интилиши асар композициясини ҳал қиласи ва муваффақиятини белгилайди.

Нарсани ўзига қараб раси чизишда композиция.

Биз, кундалик ҳаётимизда, турмушимизда жуда куп предмет ва воқеа-ҳодисаларнинг тасвир-расмларига дуч келамиз, уларни айримлари бизга ёқади,

айримлари ёқмайди. Бунинг боиси шу расм ва тасвирларни яратишда композицияга эътибор берилиши ва бермаслик оқибатидир.

Маълумки, расм ва тасвирларнинг мазмуни, мақсади ва вазифасига кўра уларнинг композицион тасвири яратилади.

Композицияни тўлиқ, мазмунли, ишончли чиқиши нарсани ўзига қараб расм чизишда ғоят аҳамиятлики, бу асосан натурани шакл, тузилиши, ранги, туриш ҳолати, ёргуф-сояларни тушиши, у расм чизувчидан қанча масофада турганини аниқ белгилаш ва уни шу ҳолда ифода этилишига мутлоқ боғлиқ бўлади. Шу боисдан натура ва натюроморт элементларини расм композицияси бўйича шундай тақсимланмоғи керакки, унинг ҳар бири расм ифодасида ўз ўрнига, туриш ҳолатига, бир-бирига боғланишига кўра расм композициясини чиройли, жонли, ҳаракатчан ва томошабинга ёқимли бўлишига ёрдам бериши зарур.

Нарсани ўзига қараб расм чизишда композициянинг асосий талаби – натура ва натюроморт элементларини бир бутунлигини ташкил этиш ва бу ҳолатга шакл, ранг ва уларни мослилиги, мустақиллилиги ва мазмунини сақлашдир.

Шу боисдан нарсани ўзига қараб расм чизишдаги муҳим вазиат расми чизиладиган натура ёки натюромортни расм чизиш постановкаси ҳолатига келтириб олишдир.

Натюроморт тузишни ҳам ўзига хос қоидалари бўлиб, у энг аввало расми чизиладиган нарсалар натюроморт мазмунига жавоб бериши лозим. Сўнгра ундаги элементларни жойланиши ва туриш ҳолатлари, ранг ва тузилиши, шакли маълум бир тематик композиция характеристини ифодалай олиши зарур. Шу боисдан, натюроморт тузиш учун катта-кичиклиги назарда тутилган ҳолда бир-бирига мос келадиган, бир тема сюжетига жавоб берадиган, ранг жиҳатидан ҳам бир-бирини тўлдирадиган, бир-биридан ажратса олиш мумкин бўлган рангдаги предметлар танланади ва уларни I-II-III план бўйича ва ранглари - шаклларига кўра маълум бир композицион талабда қуйиб чиқилади.

Нарсани ўзига қараб расм чизишда – композиция – бадийликнинг бош мезони булибў у расмдаги ҳар бир нарсанинг яхлитлигини, реаллигини, ўзаро боғлиқлигини, мослиги ва уларни тасвирланишдаги ижодийлигини, чиройлилигини ва ёқимлилигини, бутунлилигини таъминлай оладиган бадий услубдир. Шу боисдан нарсани ўзига қараб расм чизишда натура ёки натюрморт элементларини катта-кичиклигига, тема мазмунидаги ўрнига кўра ўз ўрнига қўйилиши талаб қилинади. Яъни, постановка элементларини катта ҳажмда-гиларини орқа томонга, ўрта катталикдагиларини ўрта планга ва кичик ҳажмдагиларини эса олдинга қўйилиши, бу ҳам уларни рангига эътибор берилган ҳолда қўйилиши мақсадга мувофиқдир. Натюрморт элементларининг барчасини турган ўрни-макони кўриниб туриши расм композициясини муваффақиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Биз Т.Хруцкий, Н.Машков, Р.Ахмедов, С.Абдуллаев, З. Ковалевскаяларнатюрморт темасидаги асарларини кузатар эканмиз, улардаги композицион ёчим, тартиб, мазмунни муваффақияти, жонли ва тантанавор бўлганлиги албатта натюрморт элементларини тўғри танланганлиги ва тўғри жойлаштирилганлигидан эканлигини яққол кўрамиз.

Тематик расм чизишда композиция асослари.

Тематик расм чизиш одатда манзара, воқеа-ҳодисалар, бирон бадий асар ёки орзу-умидлар, хаёл, тасаввур ва тафаккурлар асосида амалга оширилади. Улардан қайси бири бўйича расм чизманг, албатта ўз-ўзидан бир бутун композицион мазмун дунёго келади. Лекин, бу композиция, қай ҳолатда, қай даражада ишонарли, тўлиқ, ёқимли чиқиши мазкур воқеани расм чизувчининг қай даражада тасаввур қилишига мутлоқ боғлиқдир. Бас шундай экан, тематик расм чизишда расм чизувчи тасвирланадиган жой, ўрнини, воқеа-ҳодисани жуда кенг, атрофлича ҳар томонлама, расмда ифодаланашига алоҳида эътибор берган ҳолда ўрганиши ва тасаввур қилиши, уни кўз олдига келтириши, элементларни

ижодий бирлаштира олиши ва уларни текисликка кўчиришда юксак маҳорат кўрсатиши зарур.

Агар расм чизувчи бирон манзарани ифодаламоқчи бўлса, у энг аввало кўриниб турган манзарани қанча қисмини ёки расмга тушириладиган ўринни икки четини, юқори (ҳаво қисми) ва қуийи қисмини қоғоз юзасига қандай туширилиши, кўриниб турган манзарадаги предметлардан қайси бирини ёки нималарни олиб ташлаш ва нималарни киритиш мумкинлиги ҳақида бир фикрга келиб олади. Бу ишларда қийинчилеклар туғилса, расм чизувчи ўзи ясад олган кўринишни топувчи (видеоискатель) дан фойдаланиши мумкин. (расм). Кўриниб турган манзара ва ўз мулоҳазасига кўра қоғоз юзасига белгилари туширилади. Сўнгра композицияга тушадиган дарахтлар, ер-сувлар, ўт-ўланларни ўринлари аниқ белгилаб чиқилади. Бу ерда композиция элементларини қайси бири натурал ҳолда, қайси бири умумлаштирилган, қайсиниси ижодийбадиийлаштирилган ҳолда бўлишини ҳам аниқлаб, композиция мазмунига киритилади.

Манзари чизишдаги қаламтасвир - расми чизиладиган манзарани қоғоз юзига жойлаштирилади, бу унинг чизиқли тасвири бўлиб, ундаги ёруғ-сояларни ифода этилади, ранглар кўринишлари, предметларни узоқ-яқинлиги, чуқур ва бўртиқлари топилади, бу қаламтасвир иш бўлади. Агар чизиқли расмни бўёқда давом эттирилиб иш якунланса, бу рангтасвир иш бўлади.

Қаламтасвир ва рангтасвирни ҳаммасида ҳам композицион ечим бўлишини талаб қилинади. Композицион ечим расмда маълум тема, унинг мазмуни, элементлари, бош ва иккинчи даражали образлар тўлдирувчи персонаж ва элементлар бўлишини ишонарли ҳолда, тема мазмунига мос бўлишини, шунингдек, композициядаги барча предмет, вакт, давр, барча ҳаракатлар бир моментга ва тема мазмуни-сюjetига бўйсунишини талаб қиласи. Уларнинг ҳаммаси бир мақсадга, бир йўналишга ва бир дақиқага-моментга диққатга тортилган бўлади. (..... расмлар).

Бадий безашда ва наққошлиқда ҳам композиция ва унинг ечими талаб қилинадики, бу асосан ритм, элементлар мутаносиблиги ва уларни бир марказга интилиши ёки рангларни бир меъёрда бўлишида ва бир-бирига боғлиқлигига ўз ифодасини топади.

Умуман, тематик композиция манзара, натюрморт ёки безатиш - декоратив темада бўлишидан қатъий назар, энг аввало тема, сюжет, мазмун, моментга барча элементлар, уларнинг ҳолатлари, ранги, ҳаракат-ҳолатларнинг мослиги ва боғлиқлиги бир қонунга мослаштирилиши керакки, бу композиция ечимини ифода этади.

БАДИЙ БЕЗАТИШ ИШЛАРИ

БАДИЙ БЕЗАШ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Маълумки, теварак-атрофимизни ўраб турган материя ва унинг элементлари ўзига хос чиройли шакл, тузилиш, ранг ва кўринишга эгадир. Уларни одамлар қўриб завқланадилар, уларни ёқиб қолганларини ўз хонадонларига, меҳнат ва турмуш фаолиятларига кўчиришга ҳаракат киладилар. Уларни тасвирлари ва нусхаларидан рўзгор-буюмлари, меҳнат-фаолият қуролларини ва бошқа нарсаларни безатишга интиладилар.

Предметларни безатиш ҳар бир кишига ёқимли ва зарурий эҳтиёждир. Аммо буюмларни одамларга ёқадигаи қилиб ҳамма ҳам безата олмайдилар. Нарсаларни безатиш учун унинг маҳсус қонун-қоидаларини билишлари керак бўлади.

Нарсаларни безатиш учун энг аввало безатиладиган нарсани вазифаси, тузилиши, ранги ўрганилиб, унга мос безатиш элементи, композицияси, рангини

танланади ва тайёрланади. Безатиш элементлари орнамент, нақш, гул, предметларни бадийлаштирилган тасвири ва харфлар, ёзувлардан иборат бўлади. (..... расмлар).

Предметларни безатишда, айниқса нақш билан безатишда ва тайёрлашда ритм, симметрия ва жойлаштириш маласига алоҳида эътибор берилади.

Бадий бещзашда ранг алоҳида аҳамият касб этиб, безатишни чиройли, ёқимли, сифатли бўлишини таъминлайди.

Бадий безатишнинг асосий материали нақш бўлиб, у билан яшаш, меҳнат, ўқиши жойлари, буюмлар, тарғибот ишлари ва тантанавор кунлар шу нақшлар иштирокида безатилади.

1. Нақшларнинг тузилиши, шакли ва ранги асосан табиатга, теваракатрофдаги нарсаларга ва одамлар кайфиятига боғлиқ бўлади. Шу боисдан ўзбек бадий безашибаги нақшларда кўпроқ бодом, ўрик, пахта, анор кабиларнинг гули, меваси, барг-шохчалари қўлланилади. Уларни аввал бадийлаштириб-стилизация қилиб олинади. (расм). Нақшлар безатиладиган предметнинг шакли, тузилиши, ранги ва уни ишлатилиши мақсадига кўра ишланади ва танланади.

Нақшлар тузилишига кўра йўл-йўл, квадрат, тўртбурчак, айлана, 6-8 бурчакли (яъни кўпбурчак) шаклларда бўлади. Шунга кўра уни ўрганиш ҳам худди уни бошланғич кўриниши - йул ичиға нақш чизищдан бошланади. Аммо нақш чизишини ўрганишни ҳам ўзига хос мураккаблиги бўлиб, шу мураккабликни бироз юмшатиш мақсадида нақш ўрганишдаги бошланғич машғулотлар тайёр ниқш намунасидан кўчириш методида олиб борилади. Нақш намунасидан кўчириш қоидаларига мос амалий машқлар намуна расмларда берилан.

Нақш чизиши бўйича бироз малака ҳосил қилингач, йўл ичиға ижодий нақш композициясини тузиш устида машқлар олиб борилади.

Йўл ичидаги нақш чизиши бўйича малака ҳосил қилингач, аста-секин квадрат, тўртбурчак ва айлана ичиға нақш чизиши машқлари билаш машғул

бўлинади. Бундай машқлар учун намунавий топшириқларрасмларда берилган.

2. Бадиий безашда графика алоҳида ўрин эгаллайди. Бу бўлимга интеръерларни безатиш, плакат, китоб, эълон, афишалар, деворий қўргазма ва газеталар, фото-теле-неон ёритгичлари тасвири, мозаика, аппликация, услубидаги композициялар киради. Графиканинг юқоридаги барча воситаларининг асосий элементи ҳарфлар-шрифтлар бўлиб ҳисобланади.

Ҳарфлар ўзининг бадиий, стандарт, ёзма, босма, сояли каби турлари билан график композицияларда кенг қўлланилади.

Ҳарфлар болалар тарбияси муассасалари ва мактаб бадиий-безаг графикасида алоҳида эътиборда бўлиб, бу бўлажак тарбиячи-педагогларнинг келажакдаги педагогларнинг келажакдаги педагогик фаолиятлари учун ғоят зарур марака беришни тақозо этади. Шу боисдан мазкур бўлимга кенгроқ тўхтаб ўтамиз.

Ҳарфлар ва уларнинг ёзилиши

Ҳарфлар инсониятнинг жуда қадим авлодлари томонидан яратилди. У жамият тараққиётида инсониятнинг моддий ва маънавий ривожланишида алоҳида рол ўйнаб келди.

Тарихдаг маълумки, ҳарфларни яратишда Шарқнинг Миср, Хитой, Ҳинд, Япон, Юнон-Рим, Турк-Араб халқлари ижоди алоҳида эътиборда бўлади. Улар пиктографик, иероглиф, сўзли ва нихоят товушли ҳарфдарни яратдилар. (.....расмлар).

Товушли ҳарфларни такомиллашуви натижасида бугунги кунда жаҳоннинг инглиз, француз, испан, турк, форс, ҳинд, хитой, араб, япон, кореец каби тилларда гаплашувчи халкларнинг умумлаштирилган холдаги юнон-лотин, араб-турк, япон-хитой ва славян-кирилл кабиларнинг товушли белгилар кўринишидаги ҳарфлари яратилдики, улардан турлича (қиска белги) узгартириш билан бошқа халклар хам фойдаланиб келмокдалар (..... раслар)

Бугунги кунда биз ҳам юнон-лотин харфлари асосида яратилган алфавитдан (айрим узгартришлар асосида) фойдалана бошладик. Уларни ёзишда лотин тасвирчиларини методларидан фойдаланилади. Бугун Ўзбекистонда фойдаланилаётган лотин алфавитидан ташкил топган алвафит 29 та булиб, улардан ўзбек фонемамиз асосида фойдаланилади. расмларда лотин алфавитини ўзбек фонемасида олингандарини ёзиш услублари кўрсатилган.

Бадиий безашда китоб графикаси алоҳида аҳамиятга моликдир. Кўпгина адабиётларда китоб графикасига эрамизнинг бошларида асос солинган деб кўрсатилади. Бу унчалик тўғри бўлмайди. Чунки, китоб ёзиш ва уни безатиш эрамиздан аввалроқ бошланганлиги маълумдир. Чунки, жаҳоннинг кўпгина халқлари, жумладан хитой, хинд ва Ўрта Осиёнинг кўпгина халқлари эрамиздан аввалроқ ўзларининг «Синужта ҳиқида киса» (Миср), «Овесто» (Хоразм), «Типитака» (Хинд), «Рамаяна» (Хинд), «Махобъхорат» (Хинд), Чуньцю (Хитой) каби китобларни яратганлар. Эрамизда эса жаҳоннинг мукаддас китоблари: Инжил (2-аср), «Библия» (4-аср), «Таврот» (5-аср), «Куръон» (7-аср) яратилди.

Китоб безатиш уни ёзилиши билан бошланиб, жаҳоннинг барча халқлари уз китобларини узларига хос услугда ва безаш материаллари асосида амалга оширганлар.

Ўзбек китоб графикаси ҳам ўзига хос, кўпроқ нақшлар асосида безатиб келинди. Айниқса, XIV-XVI асрлардан китоб безатишга эътибор кучайди. Ўзбек китоб безатишида нақшлар, тематик композициялар (миниатюра) санъати асосий восита бўлди. расмлар).

Еугунги кундв ўзбек китоб графикаси ўзининг ғоят нозик, мазмундор тасвирлари билан, Европа графикаси воситасида янада бой ва серқирра услубларига эга бўлди. Бугунги китоб графикасида мукова тасвири, бошловчи тасвир, мазмун таивир (иллюстрация), якуний тасвирлар асосида безатилади. расмлар). Шунингдек, бугунги китоб графикасида харфларни безатиш хам ривожланиб бормоқда. расмлар).

Бадиий безашда кўчаларни, хиёбонларни, интерьерларни безаш хам бугунги кунда алоҳида талаб билан амалга оширилади. Болалар муассасалари, болалар боқчаси, ховлиси, пионер лагерларини, шунингдек, мактаб фасадини, ховлиси ва хоналарини безатиш алоҳида конун-коидаларга буйсунади. Хар бир безатиладиган жой, урин ва қуринишлар уларни мазмуни, фаолияти ва мақсадига кура амалга оширилади. расмларда турли хилдаги жой-ўринлар, болалар муасссаларни безатиш йўл-йуриклари кўрсатилган.

Бадиий безашда газламалар, материалларга гул босиш хам бугунги куннинг асосий талабидир.

Маълумки, газлама материалларни чиройили, одамлар дидига мос холда безатиш жуда қадимдан шакллангаш бўлиб, бугунги кунда унинг жуда такомиллашган йўллари бор. Бугунги кунда газлама ва материалларни безатиш асосан станокларда амалга оширилади. Аммо, уларга бериладиган гул ва нақшларни шу соҳанинг мутахасис-рассом дизайнерлари тайёрлайдилар.

Рассомлар газлама-материалларга тайёрлайдиган гул ва нақшларни табиат материаллари асосида, газламаларни ишлатилиши мақсадига қўра ишлаб чиқадилар. (..... расмлар).

ҲАЙКАЛТАРОШЛИК

ЛОЙ ВА ПЛАСТИЛИН БИЛАН ИШЛАШ.

Тасвирий санъатни ўрганиш расм чизишдан бошланганидек, талаба расм чизиш малакасини эгаллай бошлиши билан ҳайкалтарошлик ишларини хам ўргатиш бошланади. Ҳайкалтарошлик ишлари бўйича амалий ишлар асосан лой ва пластилин билан ишлашдан бошланади. Лой ва пластилин билан ишлашни муваффақиятли ўзлаштириш учун энг аввало талабага иш ўрнини ҳозирлаш за-

рур. Шу боисдан биз биринчи уринда хайкалтарошлик машгулоти учун зарурий материаллар билан танишиб олайлик.

Хайкалтарошлик учун техник воситалар ва материаллар. Хайкалтарошлик ишлари учун күлланиладиган материаллар ва техник воситалар: катта ва кичик ҳайкалтарошлик станоги, натура учун таглик, кастрюл ёки тогорача, гипсни аралаштириш учун қошиқ, катта ва кичик кист (чүтка), гипс билан ишлайдиган шпатель, шакл сиртларини текислаш учун пичокча, чукур ва ёриқларни очиш учун исказа, гипс ёки лойларни баланд-пастларини олиш учун қирқишиш ва олиш исказалари, уйиш учун стек, киркиш учул стек, шопатилаш учун стек, текислаш стеки, пардозлаш стеки, силлиқлаш стеки, ёғоч болта, турли ўлчам қалинликдаги қирқишиш ва кўчириш исказаси, болта, қуритиш печлари (муфель печи) кабилар.

Материаллар: лой, пластилин, гипс, ёғоч, тош, цемент, шомот, сим, полистиалин материал ва копчалар, олбастар, шавн ип, газлама-латта материал кабилардан иборатдир.

Педагогика коллежларида хайкалтарошлик машгулогларини ташкил этиш учун лой ва пластилин билан ишлаш учун 20x30 см.даги тахтача, сув учун ли-копча, кўл артшп учун латта-материал, ясалган тасвиirlарни-нарсалар шаклини тузатиш, пардозлаш учун пичокчалар (стеклар) ва зарур ўринда фойдаланиш учун расм дафтар, ўчирғич-резина ва қаламлар ҳозирланади (.....расм).

Хайкалтарошликнинг асосий материали лой бўлиб, уни талабани ўзи тайёрлайди.

Лой ўзининг хоссасига кўра юмшоқ, ёпишқоқ, илашувчан, яхши текислашиш ва исталган шаклга кириш хусусиятига эга бўлиши керак. Бундай лойни тайёрлаш учун тупроқ танланади. Тупрок жигарранг, кунгир бўлиб, улар икки хил хусусиятда, курук ва ёғли бўлади. Ёгли тупроқ курук тупроққа нисбатан намлигл яхши, донадорлиги юқори, ёпишқоқ, юмшоқ, текисланиш ва пардозланиш хусусияти яхши бўлади. Тупроқни текшириш одатда бир сиқим тупроқни олиб, сувга тиқилади ва ёпишқоқлиги, илашимлиги текширилади.

Лой тайёрлаш мумкин бўлган тупрокни танлаб, уни яхшилаб эзилади ва элакдан ўтказилади. Сунгра уни ёғоч ёки пластмасса идишга солиб, сув қуийлади, сув тула шимдирилгандан сўнг 1-2 кун сақланади, сўнгра яна сув қуиб, қорий бошланади. Лой ёпишқоқ, ягона массали, қўлга ёпишмайдиган, яхши силликланиш ва эластиклик холаттга етгунча ишланади. Сўнгра, лойни полиэтилен халтага солиб ҳаво ўтказмайдиган холда уралади. Ундан бир неча машғулотда фойдаланиш мумкин. Чунки, бу холда лойни бир ой, ёки икки-уч ой ёки йиллаб сақлаш мумкин.

Лой канча кўп сакланса, у шунчалик ёпишқоқ, эластиклик ва силликланиш хусусияти ортиб боради.

Машгулотларда тайёрлаб қўйилган лойдан маълум кисми кесиб олиниб, унга яна ишлов берилади. Қўлга ёпишмайдиган холга келгунга кадар ишланади. Лой қулга ёпишмайдиган, лекин ўз массасига яхши ёпишадиган ва пластиклик ҳолати яхши бўлса, бундай лойдан ҳар қандай шакл ясаш мумкин бўлади.

Ҳайкалтарошликтининг иккинчи материали пластилиндир. Мактабгача тарбия муассасаларида, мактабларида ва педагогика коллежларининг ҳайкалтарошлиж машғулотларида энг кўп қўлланиладиган материал пластилиндир.

Пластилин тайёр ҳолда магазиндан сотиб олинади. Пластилин маҳсус лойдан, парашоклардан, уларга ёғ ва турли пигментлар қўшиш билан тайёрланади. Пластилин бир ёки бир неча рангларда бўлади. У доимий ҳолда ишга тайёр бўлади. Пластилинидан бир ёки бир неча рангдаги нарсалар ва предметлар тасвирини ишланиши мумкин. Пластилин иссиқда юмшаб, совукда қотиш хусусиятига эгадир. Шу боисдан пластилин совук хонада сақланса, уни ишлатиш олдидан иссиқ сувга солиб олиш лозим. Пластилинни оз вақт қўлда ушланиб, эзиз турдилса, албатта у юмшайди ва иш ҳолати яхшиланади. Аммо уни узоқ қўлда ушлаб турмаслик керак. Чунки, уни узоқ қўлда ушлаб турдилса, ўз ҳолатини йўкота бошлайди.

Лой ва пластилин билан бажариладиган барча ишлар қўлда бажарилади.

Маълумки, лой ва пластилин билан ишлаш икки усулда чўзиш ва узб-ёпиштириш билан амалга оширилади.

Чўзиш - тасвири ясаладиган нарса учун ётарли ҳолда пластилин ёки лой олиниб, уни иш холатига келтириб, нарсани асосий кисмини тайёрланади, сўнгра бирин-кетин элементлари чўзилади, сўнгра эса уни натура шаклига келтирилади. Ишланаётган тасвирни тез-тез натура билан солиштириб турилади. (..... расмлар). Кўл билан нарсани айрим элементларини шаклига келтиришда қийинчилик туғилса, уни пичокча (стек) билан бажарилади. Пичокча нарсалар тасвиридаги ортиқча жойларини кесиб олиш, чукурларини текислаш ва пардозлаш ишларини бажаришда қўлланилади.

Узб-ёпиштириш усулида ишлаш учун ясаладиган нарсанинг шакли қисмларга булиниб, уларни хар бирига етарли пластилин ёки лой олиниб, уларни хар бирини алоҳида шаклга келтирилади ва уларни катта қисмдаги ўз ўринларига ёпиштирилади. (..... расмлар).

Хосил бўлган нарса тасвирини пичноқча ва қўл билан пардозланади.

Лой ва пластилин билан ишлаш хам худи расм чизиш каби оддий предметлар шаклини тасвирлашдан бошланиб, аста-секин машғулотлар мазмуни мурakkabлаштириб борилади.

Шу боисдан хайкалтарошлиқ дарсларининг дастлабки машғулотлари гипсли слепкилар асосида - геометрик шакллар тасвирини яратиш билан бошланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Сўнгра хажмсиз ясси предметларни рельефда тасвирланади. Бироз малака хосил қилингач рўзгор буюмлари, мева-сабзовотлар, қуш ва ҳайвонлар ва нихоят одам комати тасвирлари яратилади.

Геометрик шакллар тасвирини яратиш - куб шаклини яратиш билан бошланади. Куб тасвирини яратиш бир кисм лой ёки пластилин олиб, уни чўзиш усулида яратилади. Узб олинган лой ва пластилинни энг аввал бир томонини текисланиб, сўнгра уни иккинчи, учинчи ва ҳоказо бошқа томонларини текисланади. Сўнгра пичноқча ёрдамида текисланиб-пардозланади. (..... расм).

Агар шар тасвири ишланадиган бўлса, уни ҳам бир парча лой ёки пластилиндан икки кафт орасида юмалоклаш усулида шар ҳолатига келтирилади. (..... расм).

Ҳажмсиз ясси предметлар тасвирини яратиш рельеф асосида, чузиш ва қиркиш усулида амалга оширилади. Бунинг учун бир қисм лой олиниб, уни тўрт бурчак - тахта шаклига келтириб, унга барг, шохча, гул ёки бошқа нарсалар, тасвири ишланадиган нарсанинг шакли чизилади, шакл чизигидан ташки юза маълум қалинликда ўйиб-қирқиб олинади. Сўнгра пичноқча билан пардозланади. (.....расм).

Рўзгор буюмлари шакл жихатидан турлича мазмунга эга бўлади. Улар араш геометрик шакллардан тузилган бўлади. Шу боисдан талаба геометрик шакллар тасвирини ясаш ва қиркиш, пардозлаш малакаларига эга бўлган рўзгор ва меҳнат қуроллари тасвирини яратишга киришилади. Рўзгор буюмлари тасвирини ишлаш чўзиш ва ёпиштириш усулларида олиб борилади. Рўзгор буюмлари тасвирини ишлаш кўза ёки хумча тасвирини ишлаш билан бошланади. Бунинг учун бир парча лой-пластилин олиниб, уни бироз чўзилади, сўнгра уни остки томони шар шаклига, юқори қисми эса цилиндр шаклига келтирилади. Кейинги иш уни остки қисмидан бироз чузиб, ерга ўрнатиш ва юқори қисмидан ичини цилиндр шаклида ўйиб олинади ва юкори лабини бироз йуғонлаштирилади. Ёкирасмда кўрсатилганидек этапларда кўза ёки хумча шакли яратилади. Бу усулда ликопча, коса, пиёла кабилар хам тайёрланади. (.....расмларга каралсин).

Мева ва сабзавотлар тъасвири ҳам чузиб ишлаш ёки чузиб ёпиштириш усулида олиб борилади. (.....расмларга эътибор беринг). Нок, олма, пиёз, сабзи, тарвуз, қовун, ҳандалак кабилар бир хил усулда ишланади. (.....расм).

Күш ва хайвонлар тасвиртни яратиш чузиб ва узиб-ёпиштириш усулида олиб борилади.

Күшлардан хакка, каптар, ўрдак, ғоз, лайлак, чумчук, карга кабилар ва хайвонлардан қуён, аниқ, кучук, эчки, бузоқ, от, тужа кабиларни тасвири лой ёки

пластилин билан ишланади. Қүш ва ҳайвонлар тасвирини чузиб ишлашдарасмдагидек, бир парча лой олиниб, ундан гавдани асосий қисми хозирлана-ди, сўнгра, уларни бош қисми, оёқлари ва думи чикарилади.

Қүш ва ҳайвонлар тасвирини узиб-ёпиштириш усулида ишлаш пластилин ёки лойдан асосий гавда учун, сўнгра оёқлар, бош, дум ва қулоклар учун алоҳида-алоҳида тасвирлари яратилади ва уларни гавдага ёпиштирилади. Сўнгра, кўл ва пичоқча ёрдамида пардоз берилади. (.....расм).

Машғулотларнинг охирида одам тасвирини ишланади. Одам шакли асосан узиб-ёпиштириш усулида амалга оширилади. Бунинг учун одам, говдаси, унинг боши,. -оёги ва ^уллари учун алоҳида-ало^ида ърюм лой iJ^t пластилин: олиниб,. уларни шу яхлидликда шакли яратилади ва уларни гавда бўйлаб ёпиштирилади. (.....расмларга эътибор берилади).


Ҳар бир нарса тасвирини яратишдан олдин албатта, шу нарсанинг натура холатини яхшилаб талаба кузатувидан ўтказади. Агар шу нарсани, лой ёки пластилиндан ишланган тасвири кўрсатилса талаба иши анча муваффқиятли чиқиши мумкин. Лой билан ишланган шакл ва тасвирларни бўёқ билан бўялиши ва уларни маҳсус муфель печларида қуритилади. Бу тасвир ва шаклларни реал бўлишини таъминлайди.

III – ҚИСМ

ТАСВИРИЙ САНЪАТНИ

ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

=



«ТАСВИРИЙ САНЬАТНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ»

КУРСИГА КИРИШ.

Педагогика фанидан шу нарса маълумки, «методика» сўзи (услуб ифодаси) - ифода этишдан олинган бўлиб, ўргатиладиган ўқув материалани ўқувчиларга ўргатиш, ўқитиш, ва ўзлаштиришнинг назарий ва амалий асоси - фаолияти ёки усулидир. Яъни «услуб» деганда тасвирий санъатда расми чизиладиган обьектни, натурани ёки таҳлил этиладиган санъат асарини ўқувчиларга тушунтириш ёки унинг назарий ва амалий асосларини таҳлил этиб беришни ёки ўрганишни йўл-йўриқларини, услубларини тушунилади. Тасвирий санъатни ўқитиш услубиёти курси бўлажак рассом - педагогларга мактабда тасвирий санъатни ўқитиш ва ўргатишни энг **осон, қисқа ва илмий асосда** бўлиши услубини ўргатувчи фандир.

Шулар асосида шуни айтиш мумкинки, бу курс ва унинг мақсади - вазифаси бўлажак тасвирий санъат ўқитувчисига мактаб тасвирий санъатини мақсади, вазифаси, мазмунини тушунтириб бериш, уни мактаб ўқувчисига ўргатиш, ўқитиш ва тушунтиришни энг самарали йўлларини кўрсатиб беришдан иборат бўлади.

Курс бўлажак рассом - педагогларга ўқувчилар билан ишлашни илмий асосларни, назарий ва амалий фаолиятини кўрсатиб беради. Курснинг асосий мақсади ҳозирги замон тасвирий санъатининг қонун-коидалари асосида уни мактаб фаолиятида фойдаланиш ва мактаб тасвирий санъатини ўқувчиларга ўргатишнинг энг замонавий, энг самарали, синалган услублари билан куроллантириш ва мактаб тасвирий санъати бўйича тарбиявий ва таълимий фаолиятини амалга оширишни педагогика ва психологиянинг энг сўнгги ютуқлари асосида олиб боришга тайёрлашдан иборатдир. Шу мақсаддан келиб чиқсан ҳолда курс бўлажак педагог рассомларга:

1. Мактаб тасвирий санъат ўқув предметининг мақсади, вазифаси ва мазмунини ва амалий жиҳатларини тушунтириб бериш;
2. Мактаб тасвирий санъатини дастури ва унинг мазмуни билан куроллантириш;

3. Мактаб ўқувчиси билан ишлашнинг педагогик маҳорати билан таништириш;
4. Мактабда ўқувчилар билан тарбиявий ва таълимий ишларни амалга оширишга тайёрлаш;
5. Тасвирий санъатдан дарс беришга тайёрлаш, дарс беришдаги услуг ва дидактик принциплари билан қуроллантириш;
6. Мактабда дарс беришни тарихий тараққиётини яхши билган ҳолда, ҳозирги замон дарс беришни энг самарали услуг ва дидактик жараёнини ўзлаштириш ва уларни ўз педагоглик фаолиятида қўллаш, уни такомиллаштириб боришга ўргатиш;
7. Бўлажак рассом-педагогни ижодкорлик руҳида фаолият кўрсатишига ўргатиш кабиларни ўз олдига бош вазифа қилиб қўяди. Шунга кўра курс мазмунига: Тасвирий санъатни ўқитиши методикаси тарихини, уни дастур ва дарслекларини, тасвирий санъатни ўқитиши жараёнида дидактик принциплардан ва предметлараро боғланишдан фойдаланиш, дарс ва дарсдан ташқари тарбиявий ишларни амалга ошириш, ўқувчиларни фанга қизиқтириш, дарсларда ўқувчиларга график билим беришнинг энг осон, қисқа асосли йўналишларининг илмий асосларини ўргатиш кабилар киради.

Маълумка ўқитиши услубиёти давр танламайди, балки давр дарс услубларни танлайди.

XVII асрда атоқли Чех педагоги Я.О.Коменский мактаб системасини ишлаб чиқкан ҳолда, унда фойдаланиладиган ўқитишининг қатор услублари ва дидактик принципларини жаҳон халқларига ва уларнинг мактаблари учун тавсия этган эди.¹

Ўзбекистон мустақилликка эришиши муносабати билан миллий мактабларимиз шаклланди. Бу мактаблар жаҳон педагогикаси эришган энг юксак - самарали иш тажрибаларидан ўзининг ўқитиши услубларини танлаган ҳолда ўзининг ўқув-методик ишларини амалга оширмоқда.

¹ Я.О.Коменский. Буюк дидактика. Ҷеши туви. Т. 1975 й.

Миллий мактабларимиздаги тасвирий санъат ўқув предмети мустақиллик йилларида янада аҳамиятли бўлиб, уни ўқитилишини такомиллаштириш тадбирлари белгиланмоқда. Шунга кўра миллий мактабларимизда ўқитишнинг асосий 3 та услубидан фойдаланилмоқда.

I. - Ўқув материалини оғзаки баён этиш услуби.

II. - Амалий ишлар услуби.

III. - Ўқитишнинг кўргазмалилик услуби.

Маълумки, миллий мактабларимизда тасвирий санъатни ўқитиш ҳам умумий таълим фанлари қатори юқоридаги ўқитув услубларидан фойдаланиб келинмоқда. Бу услублар яхши самара бермоқда.

Шунга кўра бугунги кунда тасвирий санъатни ўқитиш услубиёти мактаб тасвирий санъати дастури асосида унинг мақсади ва вазифасини, мазмунини системали ҳолда ўрганиб, уларни ўқитишнинг энг самарали услуг ва дидактик принципларини танлаб, умумлаштириб, бўлажак рассом-педагогларга етказиб берилади. Шунингдек, тасвирий санъатни ўқитиш услубиёти курси ўзининг услуг ва принципларини бугунги кунда дарс бераётган тасвирий санъат ўқитувчиларига қатор услубий мақолалар, адабиётлар асосида етказиб бермоқда. Тасвирий санъатни ўқитиш услубиёти билан Ўзбекистон Педагогика Фанлари Илмий Тадқиқот Институти, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти Наманган ва Бухоро давлат университетларининг рассом-педагог олимлари шуғулланиб келмоқдалар.

Мактаб тасвирий санъатни ўқитиш услубиёти жаҳон педагогикаси ва психологияси тўплаган тажрибаларини ўзининг илмий асоси қилиб олган ҳолда, уларни йиғиб, такомиллаштириб келаётган иш тажрибаларидан унумли фойдаланиб келмоқда. Шу асосда ўқувчиларга тасвирий санъат бўйича билим-малака беришда ўқувчининг ёши, билими, истеъоди, қизиқишини ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнини амалга ошириб келмоқда. Чунки, жаҳон педагогикасининг атоқли намоёндалари Я.О.Каменский, Г.Песталоцци, К.Д.Ушинский ва Н.Ростовцев, В.Кузин, Е.Шорохов, Р.Ҳасанов каби педагог-олимларнинг илмий

тадқиқотлари асосида мактаб тасвирий санъати ўқув предметини ўқитиш, унга қўйиладиган талаблар системали амалга ошириб келинмоқда.

ТАСВИРИЙ САНЪАТНИ ЎҚИТИЛИШИНИ ТАРИХИЙ - ТАРАҚҚИЁТИ.

Чет элларда тасвирий санъатни ўқитилиши услубиётининг тарихий - тараққиёти.

Маълумки, расм чизиш жаҳон халқларининг барчасида жуда қадимдан шаклланиб, у санъат ва маданиятнинг энг мукаммал ва доимий машғулоти бўлиб келади. Шунингдек, расм чизиш бутун башарият халқларининг доимий алоқа воситаси, инсониятнинг шаклланиши ва маънавий ўсишининг ҳам бош омили бўлиб келган.

Шу боисдан хам жуда қадимдан бу машғулотни ривожлантириш ва такомиллаштириш барча халқларда системали амалга ошириб келинган. Бизгача етиб келган энг қадимги қоятош расмлари одамлар расм чизиш билан ибтидоий жамоа даврининг *палеолит* ёки қадимги тош асриданоқ шуғуллана бошлаганигидан далолат беради. Бундай расмлар Франция, Испания, Олд Осиё, Ўрта Осиёдан кўплаб топилган, уларга 5-10 минг йилларча бўлган.

Маълумки, эрамиздан аввалги 3-мингинчи йилларда одамлар мис, қалай, қўрғошин ва рухни эритиб, ундан бронза олишган. Бронзадан ясалган нарсалар жуда чиройли қилиб безатилган. Бу даврда ишланган буюмлардаги расмлар одамлар расм чизиш билан жиддий шуғулланликларини кўрсатиб беради.

Тарих шохидки, кишилар жамияти тараққиёти Шарқ мамлакатларида, жумладан Мисрда анча тез ва олдинрок бошланган.

Қадимги Мисрда графика ва расмкашлик санъатнинг бир тури сифатида шаклланиб, жуда эрта тараққиёт йўлига чиқиб олди. Қадимги Мисрда расм чи-

зиш ва график ишлар билан шуғулланиш анча эрта санъат касби сифатида ўрганилади ва ўргатила бошланади.

Қадимги Мисрда тасвирий санъат, адабиёт ва меъморчилик ғоят кучли мотивларда тараққий этди. Бу ерда расм чизишни, график ишларни бажаришни ва бино қуришни авваллари хусусий касб сифатида ўз болаларига, қариндош-уругларига ўргатар эдилар. Кейинчалик кичик-кичик мактаблар ташкил этила бошланди.

Хақиқий расмкашлик мактаблари энг аввал Мисрда, сўнгра Хиндистонда ва Хитойда ташкил этилди.

Бу мактабларда асосан: ер ўлчаш, йўл, канал ва бинолар режасини тузиш, чизмалар чизиш, буюмларга бадиий безаклар ишлаш ўргатилар эди.

Қадимги Мисрда белги-ёзувлар (иероглифлар)ни яратилиши тасвирий санъатни, яъни расм чизишни янада тез ривожланишига имкон беради (эрамиздан аввалги IV-III минг йиллик) чунки, бу белги-ёзувларда ҳар бир харф бир буюмни айтмоқчи ёки уни номини ёзмоқчи бўлса, унинг ҳар бирига бир донадан расм ишланиши керак эди.

Шунга кўра Қадимги Миср мактабларида расм чизиш ҳар бир кишини доимий машғулоти бўлиб қолган. Мактабларда ҳам энг кўп машғулот расм чизиш бўларди.

Қадимги Юнонистонда расм мактаблари жуда эрта ташкил топди. Юнон мактабларида асосий эътибор табиатни чиройли қилиб тасвирлашга қаратилар эди. Расм чизишда симметрия, математик ҳисобот, нисбатлар назарияси асосий эътиборда бўларди.

Эрамизгача бўлган Юнонистонда СИКИОН, ЭФЕСС, ФИВАН каби расм мактаблари шухрат қозонган, бўлиб, уларни ҳар бири ўзига хос йўналишда ва услубларда фаолият кўрсатар эди. Улардан айримлари натурализм методида ишласа, бошқалари бадиийлик, яъни расмни иложи борича чиройли қилиб ишлаш методида фаолият кўрсатар эди. Бу мактабларда Памфил, Мелантий, Павзий, Аппеласс каби машҳур рассомлар етишиб чиқдилар. Кейинчалик бу рассо-

млар ҳам ўз мактабларини ташкил этдилар. Қадимги Юнон тасвирий санъат мактабларида ўқиш анча қийин эди. Чунки, бу мактабда ўқиш учун юқори даражадаги истеъдод бўлиш билан бирга, анча миқдорда пул ҳам тўланар эди. Памфил томонидан очилган Сикион мактабига кириб ўқиш учун жуда катта ва кучли истеъдод билан бирга 26 кг 196 грамм олтин тўланар эди. Бу ерда ўқиш 12 йил давом этар эди.

Қадимги Юнонларнинг Буюк алломаси бўлмиш Арасту, - «Расм фани бўйича умумтаълим фанларини 1-этапида туради ва барча фанларни ўрганишда асосий восита бўлади» - деб кўрсатган эди.¹

Қадимги Римда тасвирий санъатга эътибор жуда юксак даражага кўтарилади. Қадимги Римда расм чизиш билан барча ористакратия оилалари мунтазам шуғулланар эдилар. Юқори табака кишиларининг ҳам асосий машғулоти расм чизиш бўлиб қолади. Чунки, расм чизишни билмайдиган шахс ва оила маданиятсиз, ўқувсиз, эътиқодсиз ҳисобланиб, уларни камситилар эди. Ҳатто расм чизишни билмайдиган, уни ўргана олмайдиган шахслар «қандайdir психологияк камчиликка эга» - деган медицина хулосаси ҳам берилар эди.

Шу боисдан Цезар замонида расм чизишни билмайдиган шахсларни етук даражада «ривожланмаган», деган хулоса билан масъулиятли давлат ишларига олинмас эди. Ҳатто юқори табака оилалари учун расм чизиш билмайдиган шахсларни келинликка ёки куёвликка олинмайдиган ҳам бўлинади. Шу боисдан барча аристократия оилалари ва уларни уғил-қизлари энг аввало расм чизишга ўргатилар эди. Цезарни ўзи ҳам етук рангтасвирич рассом, Актавин Август эса меъмор-рассом бўлганлиги ҳам бежиз эмас эди. Ҳақиқатдан ҳам расм чизишни билмайдиган одам шаклларни, рангларни ажратиш, нисбатларни тўла фарқлай олмайдиган бўладилар. Шу боисдан Рим задагонлари ва давлат арбоблари расм чизиш билан жиддий шуғулланар эдилар. Умуман эрамиздан аввалги II-I асрларда Юнонистон ва Римда тасвирий санъатга эътибор ғоят юксак

¹ Шаралсин. Н.Ростовцев. Ёрта мактабда тасвирий санъатини оёшитиш методикаси. Мос. 1980 й. «Методика тарихи».

бўлган. Шу боисдан ҳам қадимги дунё тарихида, - «Август Римни тошда олиб, мармарда топширди», - деган ибора ҳам ҳақиқатдир.

Тарих шоҳидким, эрамизнинг XV-XVI асрларда Италияда «уйғониш даври» хукмронлик қиласи. XV асрга келиб Италияда тараққиётнинг ҳамма соҳалари бўйича ривожланиш тезлашиб кетади. Бу даврда фан, санъат, маданият ва ишлаб чиқаришда ғоят кучли кўтарилиш содир бўлади. Санъат ва адабиётда реалистик оқимлар вужудга келди. Китоб босиш, янги-янги ижод ахли шаклланди. XV-XVI асрдаги Италия бу ўринда биринчи бўлиб, ўзининг барча соҳалари билан олдинда боради. Санъат ва маданият бекиёс ривож топди. Бу даврни Италиялик санъатшунос рассом Жорж Вазарининг, - «италияда санъат узоқ вақтдан сўнг яна уйғонди» - ибораси билан санъат тарихида «уйғониш даври» категорияси вужудга келди. Бу даврда Италияда Леонарда До Винчи, Рафаэл, Микеланжелло каби санъатни титан ижодкорлари етишиб чиқди. Уларнинг ҳар бири ўзларини ўзига хос санъат мактабларини яратдилар. Уларни кўпчилиги расм чизишни турли соҳалари бўйича назарий асосларини ҳам яратдилар. Леонарда До Винчи «пластик анатомияни», «ҳавонинг чизиқли перспективасини», Алберти «Переспективани» назарий жиҳатдан асослаб берадилар. Аммо бутун санъат тарихи бўйича расм чизиш услубияти бўйича барча назариётчилар чекланиб келдилар. Расмни мактабда ўқитиш бўйича бирон бир услубий хулоса бера олмадилар.

Тасвирий санъатни мактабда ўқитилиши бўйича фақат XVI-XVII асрларда бир қатор педагог олимлар шуғуллана бошладилар.

Буюк Чех педагоги Я.О.Коменскийдан (1592-1670) бошлаб, Жон Локк (1632-1704), Руссо (1712-1778), Дидро (1713-1784), Песталоцци (1746-1827) К.Д.Ушинский каби педагоглар мактабда тасвирий санъатни ўқитиш бўйича ўзларини дастлабки қарашларини бердилар. Улар расм ўқув предметини мактаб умумтаълим фанлари қаторига киритиб, болани гармоник тарбиясидаги ролига катта баҳо бердилар. Песталоцийнинг шогирди Петр Шмит I бўлиб, «Расм меҳаник машқдан иборат», - деган назарияга зарба беради. У, - «Расм ўқувчи та-

факкурини ва тасаввурини ўстирувчи асосий омил ёки у ақл гимнастикасидир», - деган илмий холосани беради.¹ Яна у расмни ўқитишда күчириш методини танқид қиласы. 1835 йилда Парижда ака-ука Дюпюлар (Александер ва Ферденантлар) белгілі расм мактабини ташкил этдилар.

1715 йилдан Россияда расм фанини Денгизчилар Академиясида, 1721 йилдан Карпов мактабида, 1732 йилдан Кадетлар ҳарбий мактабида, 1764 йилдан Самольний қызлар институтида ўқитила бошланды. 1735 йили расмни ўқитиш бўйича биринчи Преслернинг методик қўлланмаси, 1834 йил Сапожниковнинг умумий таълим мактаблари учун «Расм курси» ўкув қўлланмалари нашр этилади.

1825 йилда Москвалик бояр С.Строгонов ташаббуси билан расм ўқитувчиси тайёрлайдиган билим юрти очилди.

1870 йили Рус Бадиий Академияси қошида расм ўқитувчиси тайёрлайдиган курс ташкил этилади.

XX аср бошларида Петербург, Москва, Қозон, Одесса, Пензада расм ўқитувчиси тайёрлайдиган билим юртлари очилади. Рус Бадиий Академияси қошида расмни ўқитиш методикаси бўйича маҳсус комиссия иш бошлайди. Бу комиссия составида Н.Ге, И.Крамской, П.Чистяков каби етук рассомлар иш олиб борадилар. Советлар даврида 1921 йилдан I-расм ўкув предмети сифатида ўрта умумтаълим мактаблари ўкув режасига киритилади. Ўрта мактаблар учун 1921 йилдан дастурлар яратила бошлайди. 1936 йиллардан дастурлар янгилашиб келинди. Мактабда расм фанининг ўқитилиши бўйича Кардовский, Юоон, Рожкова, Помичева, Ростовцев, Шорохов, Кузин каби рассом-педагоглар шуғулланиб келдилар.

XX аср бошларидан АҚШ, Италия, Германияда ҳам ўрта умумтаълим мактабларида расм фанини ўқитилиши йўлга қўйилади. Улар учун ўкув-методик қўлланмалар, дарсликлар, дастурлар яратилди ва уларни такомиллаштириб келинди. 50-60 йилларда жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларда расмни ўқитилиши

¹ Манбаа. Н.Ростовцев. Мактабда тасвирий санъатни сөшитиш методикаси. М. 1980 й. (рус тилида).

бўйича кўплаб амалий ишлар қилинди. Тасвирий санъатни ўқитилиши бўйича 1955 йилда Лунда (Швеция), 1958 йилда Базелла (Швеция) 1960 йилда Манилес (Пилипин), 1966 йилда (Чехословакия), 1972 йилда Германияда, 1982 йилда Чехословакия каби мамлакатларда халқаро симпозиумлар ўтказилиб келинди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАСВИРИЙ САНЪАТНИ ЎҚИТИЛИШ ТАРИХИ.

Ўзбекистон археологияси тадқиқотчиларининг берган маълумотларига кўра мамлакатимиз худудларида 1-миллион йилларча муқаддам одам зоти яшаганлиги ҳақида исботий далиллар мавжуд.

Шунингдек, 30-40 минг йилдан буён одамлар уюшган ҳолда яшаб келмоқдалар.

Ўзбекистон ҳудудларида бундан қарийб 5-10 минг йилларча муқаддам одамлар томонидан ишланган расмлар, буюмлар кўплаб топилган. Сармишсой, Зараўтсой, Қоратепа, Олтинтепа, Чуст, Далварзин, Калтаминор каби манзилгоҳлардан топилган энг қадимий суратлар ва буюмлар бизнинг энг қадимги аждодларимизни санъат ва маданияти яхши ривожланганлигидан да-лолат беради. Ўлкамизда қояларга ўйиб ёки турли табиий бўёқларда ишланган расм-суратлар ҳам бизнинг аждодларимиз жуда қадимдан расм чизиш билан шуғулланиб келганлиги ҳақида аниқ маълумотлар беради. Яна топилган расм ва тасвирлар ўзининг шаклланиши, турли даврларга оид бўлиб, улар астасекинлик билан ривожланиб, такомиллашиб келганлигини ҳам кўрсата олади.

Археологик топилмалар ва расмлар ясалиши ва ишланишига кўра, улар қўлда ишланиб, асрлар оша такомиллашиб келдилар, улар билан маҳсус кишилар шуғулланиб, ўзларидан кейинги авлод-аждодларига ўргатиб, ўтказиб келингани ҳам аниқдир. Шу боисдан айтиш жоизким, расм чизиш ва амалий

санъат буюмларини ишлаш хусусий касб бўлиб, улар авлоддан-авлодга ўтказиб келинган. Кейинчалик шогирдлар чиқазиш одат тусига кира бошлаган.

Тарих шохидким, эрамиздан аввалги 1-минг йиллик бошларида Ўзбекистон худудларида дастлабки қулдорчилик давлатлари пайдо бўла бошлиди. Бу давлат «Катта Хоразм» бўлиб, унда зардўштийлик дини шаклланади. Бу диннинг пайдо бўлиши тасвирий санъатни ривожланишига имкон беради. Чунки бу дин тасвирий санъатни таъқиқламади. Уни устига бу дин учун қурилган ибодатхона-ю, эҳромлар катта эътибор билан безатилар эди. Унинг мукаддас китоби «АВЕСТО» асосида ёзиладиган «кичик Авесто»ларни безатилар эди. Шу сабабларга кўра бу даврда тасвирий санъатни қўплаб тур ва жанрлари ривож топди.

Энди расм чизиши, графика, ҳайкалтарошлик, амалий санъат ва меъморчилик билан маҳсус кишилар шуғуллана бошлайдилар. Улар ўз санъатларини оила аъзоларига, секин-аста қариндош-уруғларига, кейинчалик истеъдодли болалардан шогирдликка олиб, уларни 10-15 йил ўқитиш билан машғул бўлганлар. Улар орасидан тўлақонли рассомлар, меъмор, амалий санъат усталари етишиб чиқадилар. Буларга Хоразм, Фарғона, Сурхандарё манзилгоҳларидан бизгача етиб келган санъат асарларининг намуналари тўла далолат беради. Буларга «Жангчи Сак», «Афродита», Ритонлар, Деворий расмлар наъмуна бўлади. Ўрта аср бошларида Ўзбекистонда санъат ва маданият беқиёс ривожлана бошлади.

Қадимги Хоразм, Термиз, Самарқанд, Фарғонада санъатнинг ҳамма турлари ривож топди.

Фаннинг буюк алломалари:

Хоразмий (787-850), Фаробий (870-950), Беруний (973-1048), Ибн Сино (980-1037) каби фан арбоблари—меъморлари етишиб чиқдиким, улар меъморчилик санъатининг монументал назарий асосини яратдилар. Фаробий меморчилик соҳасидаги 10 томлик «Меъморчилик мұхандислиги» номли асари билан жаҳон меъморчилиги санъатига улкан мерос қолдиради.

Содиқ Афшор (Навоий замондоши) расм чизишни назарий жиҳатдан асосланган ва расм чизиш услуби ҳақидаги «Қонун ас Сувор» – «Расм чизиш қонуниятлари» номли асарини ёзиб, тасвирий санъат назариясига ва амалиёти равнақига ўз улушкини қушади. Шунингдек, Қози Аҳмаднинг «Ҳаттотлар ва Мусаввирлар» номли асарида расм чизиш, чиройли ёзув, ҳаттотлик, ранг ва уни қўлланиши ҳақида каттагина маълумотлар берилади. Ўрта асрларнинг VII–VIII асрларида ёк ўзбек фани, санъати, адабиёти, диний карашлари ғоят юксак дараҗада бўлиб, жаҳон санъатини ва маданиятининг энг юкорисида бўлган.

VIII асрдан Ўрта Осиёнинг Ўзбекистон ҳудудларига араблар кириб кела бошлади. Ўзбекистонга арабларни кириб келиши энг аввал минг йиллардан буён яратилган санъат, маданият, табиий фанларнинг илмий асарлари йўқ қилинади, иккинчидан Ўзбекистонда тасвирий санъатни портрет, анамалистик, ҳайкалтарошлиқ каби тур ва жанрлари таъкиқлаб қўйилди. Шу боисдан бу тур ва жанрлар яқин 1000-йилларча ривожланмай келди. VIII-IX асрларда Ўзбекистонда (Самарқандда) қофоз ишлаб чиқарилди. Бу қофоз дунёдаги энг олий нав ҳисобланади. Бу воқеа Ўзбекистонда китоб графикаси санъатини ривожланишига асос солди.

Ислом дини таъкиқлашига қарамай, ижодкор халқимиз ўз санъатини ҳамма жанрларида ижод қилиб келдилар. Тарих шохидким, Ибн Сино султон Махмуд /шох/ Ғазнавий саройидин қочиб кетади. Уни қидиртириб, рассомларга 40 дона расм-портретлар ишлашни буоради. Уни ишлаб 40 томонга тарқатилади. Бу шуни кўрсатадиким, расм ишлашни қанчалик таъкиқланишига қарамай портрет жанри (яширин) ривожланиб келади. Ўзбекистон тарихини Буюк Амур Темур бошқарган йилларда тасвирий санъатни ҳамма тур ва жанрларини ривожланишига тўла шарт-шароит яратиб беради. Натижада темурийлар даврида Ўзбекистон яна ўзининг қадимий санъати, фани ва маданиятини қайта тиклади ва мисли кўрилмаган даражада ривож топди.

Бу даврда К.Бехзод, М.Музаххиб, А.Бухорий, М.Самарқандий каби мусаввирлар ижод қилдилар. Ҳиротда Навоий раҳнамолигида, Бехзод раҳбарлигида

санъат мактаби - Академияси шаклланди. Бу даврда рассомчиликни барча жанрлари ривож топди.

XIV-XVI асрларда Ўзбекистон санъати, фани ва маданияти бекиёс ривожланди. Шулар ҳаммасида тасвирий санъатни ўқитиш ва ўргатиш қадимийлигича, хусусий, оилавий-меросий касб-хунар сифатида қолаверди. Бу рассомчилик касбини кўпроқ амалий санъати ва меъморчилигини яхши ривожлантирди. XVIII-XIX асрларда ҳам диний ақидаларнинг таъсирида портрет, анамалистик ва ҳайкалтарошлиқ яхши ривожлана олмади. Меъморчилик ва амалий санъат яхши ривож топди. Айниқса, нақошлик, ганч, ёғоч ўймакорлиги юксак даражада ривожланди.

XVIII-XIX асрларда Хива, Бухоро, Самарқанд ва Кўқонда меъморчиликни ўргатиш кучайди. Шунга кўра бу шаҳарларда меъморчилик иншоотлари кўплаб курила бошланди.

Ўзбекистонга Европа санъатини кириб келиши билан маҳаллий ёшлар Европа санъатини ўргана бошлади. Кичик-кичик расм мактаблари пайдо бўла бошлади.

Советлар даврида Ўзбекистон мактабларида Россия мактаблари қатори расм фани ўқитила бошланди. 1918 йили Самарқандда, 1919 йили Тошкентда, 1920 йили Андижонда расм чизишни ўргатувчи маҳсус техникум-мактаблар очилди. 1927 йил Тошкентда, 1929 йили Самарқандда бадиий-билим юртлари ташкил этилди. Ўрта умумтаълим мактаблари ўқув режасига расм ўқув фани киритилди. 1-3 синфларда 8-12 соатгача расм дарслари ўқитилди. 1931 йилдан мактабларни янги ўқув режа ва дастурлари стабеллашган холда яратилди. 30-йиллардан расмни ўқитиш самарадорлиги учун катта эътибор бера бошланди. 30-йилларда Ўзбе-қистонда рассом И.Икромов ташаббуси билан матбуот саҳифаларида расмни ўқитиш бўйича методик тавсиялар берилса бошланди. "Маориф ва ўқитувчи", "Аланга" журналларида И.Икромовнинг методик тавсиялари эълон қилинди.

1932 йилда унинг "Расмни ўрганиш", 1935 йили "Ҳарф ёзишни ўрган" ўқув қўлланмалари нашр этилди.

40-50 йилларда дастурга эстетик тарбия элементлари киритилди. 1950 йилдан Тошкентдаги Низомий номли педагогика институтида Олий маълумотли расм ўқитувчиси тайёрлана бошланди. 1966 йилдан расм фани "Тасвирий санъат" деб атала бошланди. 1960 йилдан маҳаллий материаллар асосида "Локализация" усулида янги дастур ишлаб чиқарилди. Шу йилларда Ўзбекистон Педагогика Фанлари Илмий Тадқиқот Институтида Р.Ҳасанов ташаббуси билан "Эстетика" сектори иш бошлади. 1972 йилдан Бухоро Педагогика Институти қошида Ж.Ёдгоров ташаббуси билан "Бадиий графика" факультети фаолият кўрсата бошлади. 1973 йилдан Андижон, Кўқон, Бухоро, Самарқанд, Хива, Шахрисабз, Ангор, Ходжейли, Каттақўргон каби шаҳарларда тасвирий санъат ўқитувчини тайёрлайдиган билим юртлари очилди.

70-80 йилларда Ўзбекистон тасвирий санъатни ўқитиш услубиёти бўйича Р.Ҳасанов, М.Набиев, Б.Орипов, К.Қосимов, А.Инагамов, А.Жильцова, А.Исоходжаев каби педагог-рассомлар жиддий шуғуллана бошладилар. 80 йилларда Ўзбекистонда тасвирий санъатни ўқитишга эътибор ғоят кучайди. Халқ таълими вазири С.Шермуҳамедов (фалсафа фанлари доктори, профессор) ташаббуси билан 1972-86 йилларда ҳар йили эстетик тарбияга бағишлиланган Республика Илмий-амалий конференция ва ҳар икки йилда 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган ўсмирларни тасвирий санъат бўйича республика кўргазмаси ўтказила бошланди.

Республиканинг бир қатор мактабларида тасвирий санъатни ўқитилиши бўйича илмий-педагогик экспериментлар ташкил этилди. Бунда Тошкентдан К.Мансуров, Г.Петник, Қашқадарёдан Ж.Жилолов, Хоразимдан И.Бобониёзов, Намангандан Б.Орипов, Андижондан А.Абдуллаев, Самарқанддан Н.Ходжаев кабиларнинг иш тажрибалари ўрганилиб оммалаштирилди. Бу даврда Республика халқ таълими вазирлиги қошида Б.Ориповнинг ташаббуси билан тасвирий санъатни ўқитиш методикаси бўйича иккита илмий совет фаолият кўрсата бош-

лади. 80-йилларда Р.Ҳасанов, Б.Орипов, Н.Абдуллаев, М.Набиев, А.Инагамов, К.Қосимовларнинг фидокорлиги билан қатор дастур, дарслик ва методик қўлланма, тавсиялар яратилди.

1972 йилдан Р.Ҳасанов, А.Жилцова, Б.Орипов, А.Исоходжаевлар I-IV синфлар учун ўзларини эксперимент (синаш) "Тасвирий санъат" дарсликларини яратдилар. 70-80 йилларда Р.Ҳасанов тасвирий санъатни ўқитиш методикасини педагогик асослари бўйича фан номзодлиги диссертациясини ҳимоя қилди. Шунингдек К.Қосимов, А.Иногомов, Б.Орипов, С.Булатовлар фан номзодлиги дессертацияларини ҳимоя қилдилар. 1987 йилдан Наманган Давлат педагогик институтида Б.Орипов ташаббуси билан "Бадиий графика" факультети иш бошлади.

Мустакиллик йилларида ўрта умумтаълим мактабларида тасвирий санъатни ўқитилиши самарадорлиги бўйича жуда катта тадбирлар ишлаб чиқилди.

Шу тадбирларга кўра I-IV синфларда тасвирий санъат дарслари 2 соатга кўтарилиди. Биринчи синфдан тасвирий санъат дарсларини мутахассис рассом педагоглар ўтадиган бўлди. Ўзбекистон Бадиий Академиясининг тузилиши билан мактаб тасвирий санъатини ўқитишга Академия эътибори қаратилди. Ўзбекистон Бадиий Академияси "Миллий санъат ва дизайн" институти ва республикадаги барча "Рассомчилик" факультети бўлган университетларнинг ўқув режасига педагогика, психология ва тасвирий санъатни ўқитиш методикаси курслари киритилди.

Мустакиллик йилларида Республиkanинг қатор вилоят, шаҳар, туманларида ёшларга тасвирий санъатни ўқитиш бўйича лицейлар, колледжлар, махсус интернат мактаблар очилиб, истеъдодли ёшларга тасвирий санъатдан чуқурлаштирилган билим ва малакалар бериш амалга оширилмоқда. Олий ўқув юртларида тасвирий санъатни ўқитиш методикаси, назарияси ва тарихи бўйича магистратура ва аспирантуралар очилмоқда. Улар халқимизнинг юксак истеъдодли ёшларидан жаҳонга машхур рассом, санъатшунос, педагог-олимлар

тайёрлаб, Ўзбекистон тасвирий санъатини яна Жаҳон Санъати даражасига олиб чиқишидек катта масъулият билан иш олиб бормоқдалар.

МАКТАБ ТАСВИРИЙ САНЪАТИНИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДАГИ РОЛИ ВА ЎРНИ.

Маълумки, тасвирий санъат инсон зотини меҳнатга, ақл-идрокка, тафаккур қилишга, ижод қилишга, гўзалликка интилишга ўргатиб, унда чиройли, гўзал маънавий дунёсини яратиб келди. Бугунги кунда тасвирий санъат одамлар ва унинг жамияти учун юксак ақл-идрок, чуқур билим ва тафаккур, гўзал турмуш ва эътиқод яратишни ҳамма яхши билади. Шунингдек, кузатишлар ва илмий тадкиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, тасвирий санъат ёшларга фақат илм-тафаккур, гўзал эстетик идеаллар берибгина қолмай, одам зотини энг муҳим жиҳатларини, яъни кузатиш, кўриш, идрок қилиш ва тафаккур-тасаввурларини ривожлантирадиган бош ва асосий восита эканлиги исботланмоқда.

Ўқувчилар тасвирий санъат машғулотларида нарсаларни кўрадилар, уни катта-кичиклигини, шаклини, шаклидаги хунук ва чиройли элементларини аниқлайдилар, нарса шаклини идрок этадилар, ранг ва тусларини ўрганадилар. Нарса шаклини идрок этиш билан бирга, уни тасвирини яратиш бўйича таҳлил қилиб, онг фаолияти асосида натурани тасвирга айлантириб, уни дафтар юзига жойлаштириш бўйича ҳисоб-китоб қилинади. Шундан сўнг натура тасвири дафтар юзасига туширилади. Бу машғулотлар давомида ўқувчи натурани кузатади ва кўради, уни ҳам онг фаолиятида таҳлил қилинади, ранг тусларини буюмлар ичидан топиб, уни қоғозга туширади.

Лекин бу жараён шунчалик мураккабки, уни соғлом ривожланган одам боласигина уддасидан чиқа олади. Қарангки, бу жараёнда боланинг фикри чалғиса, бошқа ёққа кетса, шакл чиқмайди, ранг топилмайди. Шу боисдан ҳам ҳамма бола расм чиза олмайди. Қадимги Рим медик-психологлари томонидан

чиқазилган хукм ҳам бир томонидан түғридир. Чунки, юқоридаги фаолиятни фақат соғлом, яъни физиология ва психология жиҳатдан соғлом етилган болалина амалга ошира олади.

Тасвирий санъат машғулотларида болани кўриш аъзолари такомиллашиб боради. Чунки, ҳар бир машғулотда нарсаларни эътибор билан қузатишга ва уларни идрок этишга ўргатиб, болани диққат-эътиборини бир нуқтага қаратиш малакаси ҳам берилади. Бу жараён болани ихтиёрий диққатини барқарор бўлишини ҳам таъминлайди. Шунингдек, тасвирий санъат машғулоти ўқувчиларни эътиборли, зеҳн билан фаолият кўрсатишга ўргатиб, уларни барча ҳис-туйғуларини жамлаган ҳолда, ўзида бўлган назарий ва амалий билимларни ишга солади. Бутун вужуди, ақл-идроқи, тасаввур-тафаккури билан фаолият кўрсатишга олиб келади. Шу боисдан немис педагог рассоми П.Шмитнинг, - «Тасвирий санъат машғулоти ақл гимнастикаси» - деган хulosаси мутлоқ түғридир. Хуллас, тасвирий санъат дарслари ўқувчиларни ҳар томонлама ривожланиши асоси бўлиб қолади, бунда уни ўрни ва роли бениҳоят каттадир.

2. ЎҚУВЧИЛАРГА ГРАФИК БИЛИМ ВА МАЛАКАЛАР БЕРИШДА ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ РОЛИ ВА ЎРНИ.

Маълумки, бугунги ўқувчи келажакда ишчи, хизматчи, дизайн-конструктор, муҳандис, шифокор, ўқитувчи, юрист ёки ҳарбий мутахассис ёки бирон бир соҳани яратувчиси бўладилар. Уларни ҳар бири учун расм чизиш, ундан фойдаланиш лозим бўлади. Ҳатто уй бекаси ҳам расмни кўра олиши, тушиуниши, бу замонинг энг зарур фаолиятидир. Ҳозирги даврда ҳар бир эркак зоти машина ҳайдашни, техника билан шуғулланишига, уй бекаларини эса дазмол, тикув машинаси, радио, телевизор, кир ювиш машиналири, музлатгич, электр плита, сут, қаймоқ олиш машиналари каби юзлаб техник буюмлар билан шуғулланадилар. Уларга бу асбоб-техника воситаларини ишлатиш ва уларни

созлаш учун график билим ва малакалар даркор. Шу боисдан ҳар бир киши расм чизишни, график тасвиirlарини билиши мақсадга мувофиқдир.

Бугунги қунда ҳар бир шахсни график билимга эга бўлиши шахсни ўзига ҳам, жамиятга ҳам сувдек зарур. Шунга кўра Француз файласуфи Дибр, бундан қарийб 300 йиллар аввалданоқ, - «Қайси бир мамлакатда расм чизишни ўқиши-ёзиш каби билсалар эди, бу мамлакат барча соҳаларда ҳар қандай мамлакатни кувиб етади ва ортда қолдиради» - деган эди.¹

Тарих шоҳидким, жаҳонга машхур географлар, тарихчи, адабиётчи, шоир, ёзувчилар, конструктор ва бошқа соҳа алломалари расм чизишни жуда яхши билганлар. Шунга кўра Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Гёте, Гюго, Андерсон, Пушкин, Тагор, Тян-Шансий, Меккуко-Маклай, Менделеев, Б.Зокиров каби турли соҳа ижодкорлари расм чизиш билан жиддий шуғулланиб келганлар.

Хуллас, ҳар бир соҳани ижодкори учун расм чизишни билиш унга катта ижодий имконият ва озуқа беради.

Агар ҳар бир ўқитувчи расм чизишни билганда эди, улар дарс беришда юксак самараларга эришарди, дарс машғулотларини ўзлаштириш ҳам ўқувчи учун жуда осон ва енгил бўларди, ҳатто ўзлаштиромовчи ўқувчини бўлиши анча қийин бўларди. Шуларга кўра бугунги мактаб ўқувчиларига график билим ва малака беришга катта эътибор берилмоқда.

Бизнинг мамлакатимизда тасвирий санъатни ўқитиш бўйича катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Дарс соатларини ошириш, юкори малакали мутахассис педагог-рассомлар тайёрлаш имкониятлари яратилмоқда. Тасвирий санъат ўқув фанини 1-7 синфларни ўқув режасига киритилиши, I-IV синфларда 2 соатдан белгилаши, тўгараклар, маҳсус билим юрти ва Олий ўқув юртларини ташкил этилиши шулар жумласидандир.

Бугунги қунда жамият кишиларига график билим ва малака бериш мактаб тасвирий санъат ўқув фани зиммасига қўйилган. Бу фан ўзининг дарс ва машғулотларида бўлажак Ўзбекистон фуқароларига график билим ва малакалар

¹ Цитата Н.Ростоцевнинг «Мактабда тасвирий санъатни сөшитиш методикаси» китобидан олинди. М. 1980 й. 12 бет ол.

бериш вазифасини амалга оширади. Мактабда ва бошқа ўқув масканларида тасвирий санъатдан бошқа фан бу вазифани бажармайди ва бажара олмайди ҳам. Мактаб тасвирий санъат ўқув фани бугунги ўқувчига ўзининг 5 тури бўйича график билим ва малака беради:

1. Нарсани ўзига қараб расм чизиш.
2. Тема асосида расм чизиш.
3. Бадиий-амалий безатиш бўйича расм чизиш.
4. Ҳайкалтарошлиқ.
5. Санъат асарлари ҳақида сұхбат машғулотларига бўлинниб, бу машғулотларда ўқувчиларга асосан график билим ва малакалар берилади.

Бу машғулотарда ўқувчилар шаклни кўриш, яна натура ва объектни кузатиш зарурий элементларини танлаш, уларни тасвирлаш, нарса ва буюмларни рангларини таҳлил қилиб, уларни ифодалаш малакалари берилади. Нарсани ўзига қараб расм чизишда ўқувчи тасвирлашни энг асосий элементи - кўриниб турган нарсани расмини чизишга ўрганади. Яна натурани шакли, тузилиши, ранги ёруғ-сояларни яхшилаб кузатади, уларни идрок этиб, онг фаолиятида таҳлил қиласидилар. Шу жараёнда натурадан олинган тасаввур асосида уни расми қоғозга тушурилади. Бунда ўқувчи энг аввало шакл бирлигини, сўнгра рангини, ёруғ-сояларни тасвирлайди.

Нарсани ўзига қараб расм чизиш барча бошқа ўқув машғулот турларини асоси бўлиб, уларга илмий ва амалий замин яратади. Бу расм чизишни «алиф-боси» ва реалистик расм чизишни асоси дейилади. Тематик расм чизишда ўқувчи нарса, воқеа, объектлари эркин, ижодий руҳда тасвирлаб, расм чизадиган бадиий-ижодий методларда иш олиб боради. Бунда кўпроқ умумийликка эришилади. Нарса ва воқеани ўзгартириб, ўзини билими, тасаввuri ва тушунчалари асосида расм ишлайди. Бу машғулот ўқувчиларни график билим ва малакаларини мустаҳкамлайди, такомиллаштиради. Бадиий ижод қилишга ўргатади. Реалистик расм чизишнинг назарий ва амалий асосларини ўргатади.

Бадиий безаш машғулотларида ўқувчилар асосан чиройли расм чизишга, нарсаларни безатишга ўрганадилар. Бу машғулотларда ўқувчилар ритм, сметрия ва бадиийлик асосида расм чизишга ўрганадилар

Хайкалтарошлик машғулотлари тасвир яратишни ҳажм асосида амалга оширади. Бу машғулотларда ўқувчилар нарсалар, қуш, ҳайвонлар ва одам расмини лой, пластилинда ҳажмли қилиб тасвирлайдилар.

3. САНЬАТ АСАРЛАРИНИ ТУШУНИШ ВА ТАХЛИЛ ҚИЛИШГА ҮРГАТИШДА МАКТАБ ТАСВИРИЙ САНЬАТИ.

Санъат асарларини ўрганиш ва ўргатиш мактаб тасвирий санъатини бош вазифаларидан ҳисобланади. Чунки, адабиёт фани адабий-бадиий асарларни ўкиб тушушишни ўргатганидек, тасвирий санъат ўқув предмети ҳам санъат асарини кўриш ва уни тушушиш, таҳлил қилишни мактаб ўқувчисига ўргатади. Уларни ҳар иккаласида ҳам мавзуу, сюжет, ғоя, бадиий услуб, образлар, персонажлар бўлиб, асардаги воқеанинг даври, воқеаси ўз ифодасини топган бўлади. Мактабдаги барча ўқув фанлари тасвирий санъат асарларидан фойдаланадилар. Аммо биронта фан ўқитувчisi санъат асарини яратилиши, ундаги мавзуу, сюжет, ғоя, бадиийлик ҳакида бирон оғиз маълумот беради. Шу боисдан бу расмларни нечта дарсда ўтилишидан қатъий назар, бу асарларни тасвирий санъат ўқитувчини ўзи қайтадан таҳлил қилиб боради.

Ўрта мактаблардаги тасвирий санъат дарсларида санъат жанрларини таҳлили даврида ўқитувчи асосий эътиборни асарни ғоясига, рассомни бадиий услубига беради. Аммо санъат асарларини таҳлил қилишда албатта маълум система ва тартиб бўлиши керак. Шунга кўра санъат асарларини таҳлил этишда:

1. Асарни муаллифи ҳакида маълумот берилади.
2. Асарни мавзуси бўйича сухбат, асар мавзуга, унинг сюжети ва ғоясига жавоб беради оладими?
3. Асарни ғояси - асарда рассом ўзи тасвирлаган сюжет асосида қандай масалани, муаммони кўтариб чиққанлиги;
4. Асарни сюжети - бу асарда тасаввур этилган объект, воқеа ундаги нарслар, манзара, одамлар ва ҳайвонот дунёси ёки бошқалар ҳакида тўғри, илмий маълумот берилади;

5. Асар яратилишидаги бадиийлик, бадиий услугуб, ижодкорни санъат бўйича илми ва истеъоди, малакаси ҳақида тушунча берилади;
6. Асарни яратилишидаги рассомни тадқиқот ишлари, материал тўплаши, умумлаштириши, қоралама, этюд эскизлар ҳақида маълумот берилади;
7. Асар тақдири - яъни асарни бугунги кундаги аҳволи, сақлаётган ўрни, унинг қайси кўргазмаларда намойиш этилгани ҳақида сухбат боради.

Санъат асарини бундай таҳлили учун мактаб ўқитувчи расм ишлашни, асарни яхши тушуниши ва уни бошқаларга тушунтира олишни билиши зарур. Бизнинг мактабларимизда малакали рассом-педагогларни етишмаслиги оқибатида санъат асарларини таҳлил этилмайди. Таҳлил этилса ҳам нотўғри, тўла бўлмаган ҳолда таҳлил этилади.

Хуллас, санъат асарини яхши ўргатилмаслиги санъатимизни халқимиз орасига олиб киришга қийинчиликлар туғдирмоқда. Ҳали ҳозиргача ўзбек хонадонида санъат асарлари жуда кам кўринади. Улар санъат асарини олмайдилар ҳам. Бунинг асосий сабаби бизнинг мактабларимизда санъат асарларни яхши ўргатилмаслигидир.

Шунга кўра мактабдаги тасвирий санъат кабинетига санъат асарлари репродукциялари қўйилади ва улардан кўргазмалари ташкил этилди.

МАКТАБ ТАСВИРИЙ САНЪАТИННИГ ДАСТУР ВА ДАРСЛИКЛАРИ. ТАСВИРИЙ САНЪАТ ДАСТУРЛАРИ.

Дастур - маълум бир фаннинг ўқув материалларини ўз ичига олган, уни системали ўқитиш имкониятини бера оладиган, методик ва назарий темамавзулар ва уларни мазмунни ёритилган илмий қўлланмадир.

Дастурлар мактабларни бошқарувчилари ва ўқув фанининг ўқитувчилари учун мўлжалланади. Дастур Давлат ўқув режасидаги ўқув соатлари асосида

ўқитиладиган ўкув фанини тўла мазмунини «системалик» асосида ўқитиш имкониятини бера оладиган давлат хужжати ҳисобланади.

Дастурни ўқитиладиган фаннинг катта-тажрибакор, методист олимлари-фан докторлари ёки фан номзодлари, профессор ёки доцентлик илмий унвонига эга бўлган мутахассислар томонидан тузилади.

Советлар даврида Ўзбекистон мактаблари Россия мактаблари учун тайёрланган дастурлар асосида фаолият кўрсатар эди. Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритиши билан ўз мактаблари учун маҳаллий ва миллий материаллар асосида янги дастурлар тузилди. Улар асосида ўқитила бошланди.

1990 йиллардан бошлаб Р.Ҳасанов, Б.Орипов, Х.Эгамов, Н.Абдуллаев, С.Булатовлар томонидан бир неча вариантдаги дастурлар тузилди. Лекин бу дастурлар бугунги кунда талабига жавоб бера олмайди. Лекин ҳар бир дастурда ўқитувчини ихтиёрига бироз эркинлик берилади, яъни мутахассис ўқитувчи ўз шароитига кўра уларни материалини мослаштириб ўзининг ишчи режасини тушиб олади.

Шунга кўра, мутахассис тасвирий санъат ўқитувчиси замон талабидан келиб чиқкан, дастурни мақсад ва вазифасидан чекланмаган ҳолда, ўз шароити ва муҳитига кўра иш режасини туза олади.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ДАРСЛИКЛАРИ.

Маълумки, 70-йилларгача Ўзбекистон мактаблари учун тасвирий санъат дарслклари бўлмаган. Ўзбекистонга РСФСР мактаблари учун тайёрланган айрим тасвирий санъат ўкув қўлланмаларигина келиб турарди. РСФСР мактаблари учун ҳам тасвирий санъат дарслклари 1961 йиллардан бошлаб яратила бошланди.

Ўзбекистонда дарслик яратишга анча кеч киришилди. 1970 йилдан бошлаб, Ўзбекистонда тасвирий санъат бўйича дастлабки «Синаш» дарслклар яра-

тила бошланди. 1-синф учун «Тасвирий санъат» дарслиги Р.Ҳасанов ва А.Жильцовалар томонидан 1970 йили нашр этилди. Бу яхши натижа берди. 1974 йили Р.Ҳасанов, А.Жильцоваларни 2-чи синфлар учун дарслиги чиқди. 1976 йили шу муаллифлар 3-чи синф дарслигини чиқардилар. 1977 йили Р.Ҳасанов, Б.Орипов, А.Исоходжаевларни 4-синф учун «Тасвирий санъат» дарслиги нашр этилди. Бу дарсликлар қайта-қайта чоп этилди. Дарсликлар тасвирий санъат дарслари самарадорлигини оширишда яхши натижалар беради. Бу дарсликлар Қорақалпоқ тилида ҳам нашр этилди. Дарслик дастур асосида системали билим беришни ўз олдига вазифа қилиб қўйган ҳолда, ўқувчини ўзи ундан фойдалана олиши лозим. Шунингдек тасвирий санъат дарслиги асосан амалий ишлар характеристида бўлгани учун III-шахс тилида ўқувчи учун тавсиялар асосида ёзилади. Чунки, дарслик ўқитувчи учун эмас, ўқувчи учун ёзилади. Шунга кўра дарслик равон, аниқ, ҳозирги замон ўзбек адабий тилида баён этилади. Дарсликни асосан дастурни тузган мутахассислар ёзиши керак.

Дарслик ёзиш имконияти бўлмаган ҳолда унинг ўрнига ўқув қўлланмалар ҳам яратилади. Ўқув қулланмалар дарсликлардан фарқли ҳолда, дастурдаги ўқув мавзуларнинг системалик принципини қатъий ҳолда ушламайди. Ўқув қўлланмалар II-шахс тилида ёзилиб, уларни вазифаси кўпроқ ўқитувчи восита-чилигига ўқувчига дастур талабидаги билим ва малакани бера олиши зурур. Шунга кўра ўқув қулланмалар кўпроқ методик характерга эга бўлиб қолади.

Ўзбекистон мактаблари учун Р.Ҳасанов ва Х.Эгамовларни I-II-III ва IV синфлар учун бир қатор ўқув қўлланмалар чоп этилди.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИ ВА МЕТОДИК АДАБИЁТЛАРИ.

Маълумки, ўқув-методик қулланмалар яратилиши Ўзбекистонда 30 йиллардан F.Икрамов томонидан нашр этилиши билан бошланади. Ўқув

қулланмалар ҳам дастурлар асосида ёзилади. Аммо уни дарсликдан фарқи дастурдаги «системалик» принципига амал қилинмайди. Шу боисдан ўқув қулланмалар фан мазмуни тўла ёки унинг бирон қисми бўйича ҳам ёзилиши мумкин. Шунингдек, унинг кўпроқ II шахс тилидан ифода этилади.

Тасвирий санъат бўйича: Р.Ҳасановнинг «Нарсани ўзига қараб расм чизиш» Т.1969 й.

Муал.уюшм. Расм чизиш ва уни ўқитиш методикаси. Т. 1977 ва Б.Азимоваларни «Натюрморт тузиш ва уни тасвирилаш». Т. 1984.

К.Қосимовнинг «Наққошлиқ» Тош. 1982 й. О.К.Опухтинни «Тасвирий санъат ҳақида сұхбатлар».

Методик қўлланмалар эса асосан ўқитувчилар учун ёзилиб, унда дарс ва машғулотларни олиб бориш услублари ифода этилади. Бундай қулланмалар:

Р.Ҳасанов. Бошланғич синфларда нақш чизиш методикаси. Т. 1972 й.

Б.Орипов. Тасвирий санъат кабинети ва синфдан ташқари ишлар.Т. 1974й.

М.Набиев ва Б.Низамова. Расм чизишга ўргатиш методикаси. Т. 1976 й.

Б.Орипов. Тасвирий санъат дарслари самарадорлигини ошириш. Т. 1978.

Р.Ҳасанов. Бошланғич синфларда тасвирий санъат дарслари. Т. 1983 й.

Р.Ҳасанов. Тасвирий санъат машғулотларини такомиллаштириш.Т. 1986й.

Б.Орипов. Тасвирий санъат дарсларда предметлараро боғланиш. Т. 1985.

Р.Ҳасанов. Тема асосида расм чизишда эстетик тарбия. 1980 й. каби кўплаб методик адабиётлар нашр этилган. Уларнинг хаммаси Республика тасвирий санъатни ўқитиш самарадорлигини оширишда бениҳоят аҳамиятга эга бўлиб келмоқда.

Р.Ҳасановнинг методик қулланмаларида мактаб тасвирий санъати машғулотларини ташкил этишдан бошлаб, уларни мунтазам ҳолда такомиллаштириб боришни илмий асослари кўрсатиб берилади. Бунда ўқувчилар қизиқишини оширишдан бошлаб, дарсларнинг ҳар бир этапини ривожлантириши, ўстириш ва такомиллаштириб бориш имкониятлари, йўл-йўриқлари ва услугубий йўналишлари илмий жиҳатдан таҳлил қилиб берилади.

Б.Ориповнинг методик қўлланмаларида эса кабинет системасининг дарслар самарадорлигидаги ўрни, ролидан бошланиб, дидактикані предметлараро боғланиш системаси, дарсда олиб бориладиган тарбиявий тадбирлар, дарсга ва фанга бўлган ўқувчилар қизиқиши, уларга берилаётган билим ва малакаларни мунтазам бўлишининг энг самарали омиллари ҳақида баҳс юритилади.

Р.Ҳасанав ва Б.Ориповлар тасвирий санъатни ўқитилишидаги энг муҳим муаммолар ва масалаларни турли нуқтаи назаридан таҳлил этиб берадилар. Уларнинг методик қўлланмаларида ва илмий-методик тавсиянома, мақолаларида ўқувчилар билимини баҳолаш, тасвирий санъатни 45 минутли дарс машғулотларини ташкил этиш, ўтказиш, уларни системали такомиллаштириб бориш асосида дарс ва машғулотлар, уларда ўқувчиларга берилаётган билим ва малакаларини самарадорлигига эришишнинг энг замонавий услублари, моҳияти ва мазмуни иш тажрибалар, илмий тадқиқотлар характеристида асослаб берилади.

Методик қўлланмада тасвирий санъат дарслари учун ўқув дидактик шароитни яратилиши, тасвирий санъат таълимини педагогик ҳолати, ўқувчиларнинг дарсдаги диққатининг психологик асоси, ўқувчилар билимини аниқлашнинг баҳо меъзонлари, маҳаллий ва чет элларни тасвирий санъат материалларидан фойдаланиш критерияси, тарбиявий ишларнинг моҳияти, мазмуни, мактабда тасвирий санъатдан бериладиган билим ва малакаларнинг дидактик талаблари каби ўқув-тарбия системасининг энг долзарб муаммолари илмий жиҳатдан таҳлил қилиб берилади.

Хуллас, бугунги кунда мактаб тасвирий санъатини ўқитилиши, машғулотларини такомиллаштириб борилиши ва дарслар самарадорлигига эришишнинг қатор методик асослари ишлаб чиқилган бўлиб, улар асосида мактаб тасвирий санъат ўқитувчилари ўзларининг тасвирий санъат дарслари самарадорлиги учун қатор методик имкониятларга эгадирлар.

МАКТАБ ТАСВИРИЙ САНЪАТНИ ЎҚИТИШ ДИДАКТИКАСИ.

1. ДИДАКТИКА ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

дидактика – юононча - ўқитадиган - ўргатадиган - сўзни ифодалаб, педагогиканинг таълим ва тарбия назариясига оид соҳасидир.

дидактика - ўқувчиларга билим ва тарбия бериш, уларни ўқитиши системаси ва унинг илмий асосининг назарий қисмидир.

дидактика - ўқувчиларга осон, қисқа, асосли, онгли, актив системали, изчил билим ва малакалар бериш системасидир.

ёки дидактика - ўқувчиларга педагогика талаблари асосида билим, малака ва тарбия бериш принциплари мажмуасидир.

дидактика - таълим ва тарбиянинг ташкилий формалари ва билим - малака беришнинг шарт-шароитини ифода этади.

дидактика - ўқувчиларга пухта, ҳар томонлама асосланган, қизиқарли, системали, изчил, замонавий талабаларда билим ва малакалар бериш шарт-шароитини ташкил этиш демакдир.

Дидактика ўқитувчини маълум қонун ва қоидалар асосида ишлашини талаб қиласди. Дидактика - синф-дарс системасини маълум қонун-қоидалари асосида беришини назорат қиласди. Дидактика - ўқитувчининг дарсни бошқаришига ёрдам беради, иккинчидан уни назорат қиласди. Шу боисдан - дидактика - синф, синф доскаси, парта, дарслик, ўқув қуроллари, тарқатма материаллар, кўргазмалар ва бошқа техник қуролларни доимий, сифатли, ўз принциплари талабида бўлишини тақозо этади. Шунингдек, у ўқув жараёнини фақат илмий асосда бўлишини назорат қиласди.

Дидактика ўз хусусиятига кўра дарс бериш ёки ўқув-тарбия ишини қонуний чегарасидир. Ўқитувчи ундан чиқиб кетолмайди ҳам, уни эътибордан қолдирмайди ҳам. Дидактика жуда қадимдан шаклланган бўлсада, XVII асрга келиб, буюк чех педагоги Я.О.Каменский (1592-1670) бутун педагогика тариихидан ўқитувчиларга талабаларни ташкил этишни тақозо этади.

хида яратилган дидактик принципларни тўплаб, уни бир бутун системага солди. Унинг мактаб фаолиятида қулланишининг қонун-қоидаларини ишлаб чиқди ва бутун бир дидактика системасини яратди.

Я.О.Каменский - бутун башариятга мактаб, ўқув тарбия системасини яратиб берди. У мактаб системасига, таълим системасига, тарбия назариясига асос солди. Уларни янгитдан яратди.

Каменский - синф-дарс системасига асос солди. Мактабда ўқитиладиган умумтаълим характеридаги фанларни ҳам танлаб берди. Шу ўринда умумтаълим фанлари қаторига расм дарсини ҳам киритди. Расм ҳамма фанларни ўргатишга асос бўлишини ҳам айтиб ўтди. У дарсни 45-минут бўлишини асослаб берди.

Биз тасвирий санъатни ўқитишда бошқа ўқув фанлари қатори дидактикани қандай қонун-қоидаларидан, талабларидан ва унинг барча принципларидан фойдаланилажагини кўриб ўтамиз.

Маълумки, дидактикани энг актив принциплари борки, улардан барча ўқув фанлари фойдаланадилар. Улардан тасвирий санъатни ўқитишда ҳам фойдаланилади. Фаннинг характери ҳам талаб этади. Тасвирий санъатни ўқитишда дидактикани: тарбиявийлик, илмийлик, системалик, кўргазмалик, активлик, амалиёт билан назариётни бирлиги ва боғлиқлиги каби ўнлаб принциплардан фойдаланилади.

2. ЎҚИТИШНИНГ ТАРБИЯВИЙЛИК ХАРАКТЕРИ.

Тасвирий санъат ўқув предмети ўкувчиларда бадиий-аҳлоқий маданиятни шакллантиришга хизмат қиласи. Шунга кўра тасвирий санъатнинг асосий ва бош вазифаси ўкувчиларнинг энг аввало эстетик дидларини ўстириш, меҳнатга, ижодга қизиқтириш, Ватангга, халқига эътиқодли бўлишга ўргатиш каби тарбия ҳис-туйғуларини сингдириш вазифасини ва мақсадини амалга оширади. Шу боисдан тасвирий санъатни тури қайси бир машғулотидан қатъий назар, у энг аввало тарбия характерига жавоб бериш керак. Мактаб тасвирий санъати

ўқувчиларини ҳар томонлама гармоник тарбиялашда мактаб ўқув фанларини бошида туради.

Тарбия масаласи тасвирий санъат дарсларида натура ва объект танлашдан уларни тахлил қилишдан бошланиб, расм чизиш жараёнига давом этади. Расми чизиладиган нарса, воқеа, объект ёки тахлил этиладиган санъат асарини тахлилида энг аввало унинг тарбиявий томонига эътибор берилади. Шунингдек, машғулотлар жараёнида расм чизиладиган нарса ва воқеалар ва асардаги воқеалар, асарни ғоясини, сюжетини тахлили даврида ўқитувчи уларнинг тарбиявий йўналишига эътибор беради.

Ҳар бир санъат асари таҳлилида албатта ўқитувчи бу асарни одам фарзанди - рассом яратгани, асардаги воқеани халқ манфаати йўлида ифодаланиш, албатта, ўқувчиларни Ватанига, халқимизга, уни меҳнатга бўлган ҳурмати ва муҳаббатини оширадиган мазмунда сухбат ўтказади.

Дарсда оддий «кўза» расми чизиладиган бўлса, ўқитувчи кўза нима учун ишлатилиши, уни ким ясагани, ўзбек кулолчилиги, амалий санъати, қулолни меҳнати ва санъати ҳақида, сўнгра уни тузилиши, ранги хусусида маълумот беради. Ўқувчилар бундай маълумотларни олиб, уларни ўз Ватанига, халқига, уни амалий санъатига, кулолчилиги соҳасига ҳаваси ортади, уларга меҳр-муҳаббати ўйғонади. Тасвирий санъатнинг ҳар бир машғулотида бундай жараён системали такрорланади. Умуман, мактаб тасвирий санъатнинг ўқув дастури материаллари унинг ҳар бир машғулотида тарбия бериш вазифасини тўла амалга ошириш имкониятларига эгадир.

3. ЎҚИТИШНИНГ ИЛМИЙЛИК ПРИНЦИПИ.

Ўқитишнинг дидактик асосларини яратган Я.О.Каменский - «Худо ақлдан бутунлай маҳрум қилмаган ёшларнинг барчаси таълим олади. Инсонни ақлли, доно, заковатли, яхши фазилатли, юксак маънавиятли килиб тайёрлашга ёрдам берадиган барча нарсалар ёшларга ўргатилади. Ўқитиладиган нарсалар заҳрий

эмас, балки ҳақиқий, түғри объектив, илмий бўлиши керак» - деб кўрсатган эди.¹

Педагогиканинг таълим назариясида ўқитувчиларга бериладиган маълумотларни ҳаммаси илмий, ҳақконий, түғри, фан маълумотлари асосида бўлишини қайта-қайта таъкидланади.

Тасвирий санъатнинг барча дарсларида илмийлик принципида ишлаш имконияти дастурида тўла таъминланган.

Илмийлик принципи ўқувчиларга расми чизиладиган натура, объект, мавзу, воқеа-ходисаларни таҳлили даврида ўқитувчи ўқувчига берилаётган ҳар бир маълумот илмий, фан маълумотлари асосида бўлиши кераклигини қўрсатиб беради. Бунинг учун ўқитувчи бошқа ўкув фанлари билан боғланиши керак. Яна ўқитувчи таҳлил қилаётган нарса, объект ёки санъат асари ҳақида асосий фан маълумотларга эга бўлиши лозим. Шундагина ўқитувчининг сұхбати ишончли, түғри, илмий бўлишини таъминлайди.

Масалан: «Кузги мевалар натюроморти» темасида расм чизиладиган машғулотда ўқитувчи натюромортга танланадиган олма, анор, тарелка, пичок каби предметларни ҳар бири бўйича таҳлил ўтказади. Бу таҳлилда олма ёки анор ҳақида ботаника фани маълумотлари асосида сұхбат қилинади. Унда олмани ўқитувчиларга кўрсатиб, уни шакли, тузилиши, ранги, одамлар учун зарурлиги ҳақида гапирилади. Буни оддий сўзлар билан эмас, фан маълумотлари асосида бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу ўқитувчига дарс самарадорлигини оширишга имкон берса, ўқувчиларга дарсни кизиқарли, жонли, актив бўлишини таъминлайди.

Пичок ва тарелка таҳлили меҳнат ўкув фанлари маълумотлари асосида бўлиши лозим. Дарс машғулотларида кўплаб санъат асарлари таҳлил қилинади. Унда ҳам таҳлил қилинадиган санъат асарларини ўрганиш зарур маълумотларни илмийлигини таъминлаши зарур,

¹ Я.О.Каменский. Буюк дидактика. Т. 1975 йил.

М: К.П.Брюловнинг (5-синфда) «Помпейнинг сўнгги куни асари» тахлилида ўқитувчи энг аввало К.П.Брюловнинг биографик-ижодини яхши билиши, сўнгра Италияни (қадимги РИМ) ни эрамиз бошларидаги санъат ва маданиятини, яна Помпея шаҳрини билиши, яъни Везувий вулқони ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиши керак.

Агар ўқитувчи шундай илмий маълумотларга эга бўлса, бу дарс ҳар қандай дарсдан қизиқарли ва самарали бўлади. Умуман тасвирий санъатнинг ҳар бир машғулоти илмийлик асосида бўлиш имконияти мутлоқ зарур, бунга зарурий шарт-шароит бугунги кунда мутлоқ мавжуддир. Бунинг учун ўқитувчи ўз фанини, санъат назариясини яхши билиши зарур. Шунингдек, зарурий методик адабиётларни кўпроқ ўқиши ва бошқа ўкув фанлари билан системали боғланиши зарур.

4. ЎҚИТИШНИНГ СИСТЕМАЛИЛИК ПРИНЦИПИ. (кетма-кетлиги)

Таълим назариясида ифода этилишига кўра ўқитишнинг ёки таълимтарбия беришнинг энг самарали йўли «системалилик» бўлиб, - «Бу берилаётган билим ва малакаларни ўқувчилар онгига занжир тизимини ҳосил қилган ҳолда, бир бутун тугал билимлар базасини бунёд этади»². Бу ҳақида буюк чех педагоги Я.О.Каменский ҳам алоҳида тўхтаб, - «Дарс машғулотларини шундай тақсимламок керакки, ҳар бир янги материал ўзидан олдинги материални давоми бўлсин ва кейинги материални тўлдирмоғи лозим»³.

Дарс машғулотларидаги системалилик принципига педагогика тарихида из қолдирган барча атоқли педагоглар катта баҳо берганлар.

² Б.Орипов. Предметлараро боғланиш. Т. 1985 йил 8 - 16 б.

³ Я.О.Каменский. Буюк дидактика. Т. 1975 йил 150 б.


К.Д.Ушинский, «Системали берилмаган дарс материали барча нарсалар устма-уст, пала-партиш ҳолда нарсаларга тўла омборга ўхшайди» - деб ёзади⁴. Шундан кўриниб турибдики, «системалилик» ҳозирги замон мактабларимиздағи ўқув-тарбия фаолиятининг асосий принципи ҳисобланади. Шунга кўра, тасвирий санъатни ўқитишда ҳам системалик принципи асосий дидактик принцип ҳисобланади. Тасвирий санъат ўқув предметининг бу системага муҳтожлилига ва унга амал қилиши ғоят зарурдир. Чунки, бу фанни ўқув материали ана шу системалик асосида ўқитилмаса асло натижা бўлмайди.

М: «Нарсани ўзига қараб расм чизиш» тури машғулотларида ҳажм, куб, призма, конус, шар хақида маълумот берилиб, уларни расми қаламтасвирда ифодаланади. Бу мавзу бўйича 10 соатли дарс шундай кетма-кетлигига қўйиладиким, улар гуё занжирсифат пружинани ташкил этади. Чунки, ўқувчи ҳажм, уни куб бирлигини ўрганиб, уни расмини чизадилар. Бу дарсда ҳар қандай нарса маълум масофада турганда уни 3 та томони кўринади, уни қаламда, штрихлар воситасида ифода этилади. Ўқувчилар кейинги қаламтасвир дарсида призматик жисмлар расмини чизишни ўрганадилар. Унда 4-6-8 қиррали купёқлилар ҳақида маълумот оладилар ва улар расмини чизадилар.

Кейинги дарсларда ўқувчилар цилиндр расмини чизадилар. Унда ўқувчилар ён қирраларисиз буюм сиртини буришни ўрганадилар. Бунда 6-қиррали призмаларнинг ўртадаги қирраларини олиб танлаш асосида цилинтир тасвирини яратишни ўрганадилар. Энди ўқувчилар буюм тик - сиртини ўрганиб олганларидан сўнг сиртни тиккасига ва кўндаланг томонга буришни ўрганадилар.

Кейинги дарс «Шар расмини чизиш» дарси бўлади.

⁴ И.Д.Ушинский. Танланган пед.асарлар. Т. 1959 йил 317 б.



Мактаб тасвирий санъат дастурларида бу системалик тўла таъминланган бўлиб, унинг дарслари бир-бирига замин бўлади. Бу системада ишлаш учун энг аввало ўқитувчининг ўзи етук, олий маълумотли, мутахассис рассом-педагог бўлиши шарт. Бу системалик тасвирий санъатнинг тематик ва санъат асарларини тахлил этиш дарс-машғулотларида ҳам тўла амалга оширилади. Системалик кетма-кетлик принциписиз тасвирий санъатни бирон машғулоти ўтиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳар бир мактабда тасвирий санъатдан дарс берадиган ўқитувчи энг аввало дидактик принципларни, сўнгра уни системалик принципини яхши тушуниб олиши ва ундан системаси фойдаланиши зарур.

5. ЎҚИТИШНИНГ КЎРГАЗМАЛИК ПРИНЦИПИ.

Маълумки мактаб ўкув фанларини ўқитишида кўргазмалик принципи бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки, «юз маротаба эшитгандан бир маротаба курган афзалдир» - деган мақол ҳам бежиз эмас. Шу боисдан К.Д.Ушинский, - «расмни кўрганда соқов ҳам тилга киради», - деган эди.¹

Тасвирий санъатни ўқитишда кўргазмалик аҳамияти шунчалик юксакки, бу ўкув фанни ўқитишда бирор дарс кўргазмасиз ўтмайди. Бу фанда кўргазмасиз ўтилган дарс – дарс ҳисобланмайди. Бу фанда қоқ-қуруқ гап билан болага бирор нарса тушунириб ҳам булмайди. Донишмандлардан бири «Мак-

¹ К.Д.Ушинский. Танланган пед.асарлар. Т. 1959 йил.

табда кўргазмасиз бирор дарсини ўтказиб бўлмайдиган бир фан борки у ҳам бўлса расм фанидир», деган эди.

Шунга кўра ўтказилган тажрибалар ва узок йиллик иш тажрибалар ҳам ҳақиқатда тасвирий санъатни барча дарслари «кўргазмани талаб қиласди» - деган хulosани чиқазишга олиб келган. Шу боисдан методика курсида мактабда ишлайдиган тасвирий санъат ўқитувчи ишини энг олдин кабинет ташкил этишдан бошлаш керак деган хulosани, системали такрорлайди. Мактабда тасвирий санъат кабинетисиз унинг дарси йўқ - деб юритилади. Шунинг учун ҳам Б.Ориповнинг «Тасвирий санъат дарсларини самарадорлигини ошириш», Р.Ҳасанов «Тасвирий санъат машғулотларини такомиллаштириш» номли методик қулланмаларида 1-ўринга мактабда тасвирий санъат кабинетини ташкил этиш зарурлигини қўйилади. Чунки, кабинет ўқитувчига кўргазма тайёрлаш, уни йиғиш ва ундан унумли фойдаланиш учун жуда катта имкониятлар яратади. Тасвирий санъат бўйича кўргазмалар З турга бўлинади.

1. Натурал - табиатдан олинган мева, қуш, хайвон кабилар.
2. Натурал - стандарт завод-фабрикалар тайёрланган.
3. Натурал - қўлда тайёрланган характерда бўлади.

Натурал кўргазмага: рўзгор буюмлари, мева-сабзавотлар, қуш ва ҳайвонлар киради. Стандарт - завод-фабрикаларда тайёрланган гипсли, шунингдек, нашрли кўргазмалар киради. Кўлда тайёрланган - расмлар, схема, эскиз ва бошқалар характерида бўлади. Бу ўринда шуни айтиш жоизки, кўргазма турлари ичидаги энг самаралиси ўқитувчини ўзи тайёрлаган кўргазмадир. Чунки, бундай кўргазмалар дарс материалига мос холда ишланади.

Кўргазмаларнинг бошқа турлари ҳам ғоят самаралидир.

М: гипсли ишламалар муляж ва чучелоларни аҳамияти бениҳоя каттадир. Чунки, уларсиз дарс ўтиб бўлмайди. Табиий материаллар эса ўқувчиларни дарсга бўлган қизиқишини оширишнинг бош омили бўлиб ҳисобланади.

Хуллас, кўргазмаларни ҳаммаси ҳам ўз ўрнида аҳамиятли бўлиб, уларни барчаси дарс самарадорлигини оширишда мислсиз аҳамиятга моликдир.


6. ЎҚИТИШНИНГ АКТИВЛИК ВА ИЖОДКОРЛИК ПРИНЦИПИ.

Маълумки, ҳар қандай ўқитишининг пировард заминида ўқувчиларнинг активлиги, мустақиллиги, ташаббускорлиги ва ижодкорлиги туради. Машғулотлар жараёнида ўқувчининг активлиги дарс самарадорлигини 60-70%ни ташкил этади. Чунки дарсдаги ўқувчи активлиги уни мустақилликка, мустақиллик эса ташаббусга, ташаббус эса ижодкорликка бошлайди. Ўқувчилар активлигини ошириш аввало ўқитувчининг шахсий намунаси ва активлигига боғлиқ бўлиб, уни ижодий ишлаши асосида таъминланади.

Яъни, ҳар бир машғулот учун ўқитувчи дарс мавзусига мос материаллар танлайди. Шу боисдан ўқитувчи дарсга пухта тайёрланиши, зарурий кўргазма ва дидактик материал тайёрлаши, танлаши, бу материаллардан ўринли фойдаланиши зарур. Хуллас, ўқитувчининг ўзи актив ва ижодкорлик билан ишлаши ўқувчиларнинг дарсга, унинг материалига бўлган қизиқишини оширади, дарсдаги ўқувчилар ташаббуси ва мустақиллигини таъминлайди.

Тасвирий санъатнинг ҳар бир амалий машғулотида расм чизиладиган натура, объект, темани ўқувчини ўзи идрок этиши, тасаввuri билан тахлил қилиши, олинган таассуротлар асосида расм чизиш лозим. Бунинг учун расм чизиладиган нарса ва воқеа ҳақида ўқитувчи батафсил маълумот бериши, расмни чизиш йўлларини илмий асосда тушунтириб берилиши лозим.

Масалан: «Ўлкамизда баҳор» темасида расм чизиладиган бўлса, дарс машғулотида ўқитувчи тузиладиган композиция бўйича сұхбат ўтказади. Бу сұхбатда баҳор фасли ҳақида умумий маълумот беради. Ўқувчилар баҳор фасли ҳақидаги маълумотлар асосида ҳомаки расмлар чизадилар. Сўнгра баҳор фасли ҳақида ўзлари хохлаган мавзуу ва сюжент бўйича «Ўлкамизда баҳор», «Шафтоли гуллади», «Ўрик гуллади», «Ховлимизда баҳор», «Тоғда баҳор», «Баҳорги ишлар» каби темаларда расм чизадилар. Ўқитувчи болаларни янада қизиқтириш учун баҳор фаслини асосий элементларидан намуналар кўрсатади.



***Баҳор фаслида эрта амалга кирадиган дарахтлар ва
ўсимликлар, уларнинг шохчалари.***

Ўқувчилик композиция тузиш вақтида бу элементлардан фойдаланиб расм чизадилар. Ўқувчилик активлигини оширишда ўқитувчини қўлда тайёрлаган кўргазма материали фоят яхши самара беради.

Нарсани ўзига қараб расм чизишдан кўпроқ ўқувчилик таниш, биладиган нарсалардан танланади, улар хақида батафсил маълумотлар берилади. Умуман дарсда ўқувчилик активлигини оширишнинг жуда кўп воситалари ва усуллари мавжудки, буни ўқитувчининг ўзи ташаббуси билан ҳар бир дарсда янги-янги материаллар топиш, янгидан-янги услубларни қуллаши ва дарсга жуда пухта тайёрланиши жараёнида юзага келади. Яна ўқитувчини ўз фани бўйича уни ўқитиши методикасини яхши билиши, меҳнатсевар, ўзига ва ўқувчилик талабчан бўлиши кабилардан ҳам ўқувчилик активлиги намоён бўлади. Бу ўринда яна шуни айтиш жоизки, машғулотлар жараёнида ҳар бир ютуқни ривожлантириши, ўқувчилик кайфиятини кўтарувчи ҳар бир омилдан усталик билан фойдаланиши, дарсда техника воситаларидан ҳам фойдаланиши лозим-ки, буларнинг ҳаммаси ўқувчилик активлигини оширади, уларни ижодий ишлашга ундейди.

7. АМАЛИЁТ БИЛАН НАЗАРИЁТНИ БОҒЛИҚЛИГИ ПРИНЦИПИ.

Маълумки тасвирий санъатни ҳар бир машғулоти ўз назариясини шу дарсни ўзида амалиёт билан боғлади. Чунки, ҳар бир тасвирий санъат машғулотида ўқитувчи аввал назарий маълумот беради ва шу маълумотлар асосида амалий иш бажарилишини талаб қиласди.

Дарсда ўқитувчи дарс темаси бўйича ўкувчи бажариши лозим бўлган вазифани эълон қилиб, бу вазифани бажариш учун етарлича маълумот бериб, уни бажариш усулларни ҳам синф доскасида кўрсатиб беради.

Нарсани ўзига қараб расм чизиш дарсида ўқитувчи ўқувчиларга расм чизиладиган нарсани кўрсатиб, у ҳақидаги барча маълумотларни баён этади. Сўнгра уларни расмини чизиш ва тасвирлаш бўйича назарий ва амалий кўрсатмалар беради. Бу ерда нарсани яратилиши, дунёга келишидан бошлаб уни шакли, тузилиши, ранги, туриш ҳолати ҳақида сухбат ўтказади.

Сўнгра уларни расмини чизиш тасвирлаш бўйича назарий ва амалий кўрсатмалар беради. Бу ерда нарсани яратилиши, дунёга келишидан бошлаб уни шакли, тузилиши, ранги, туриш ҳолати ҳақида сухбат ўтказади. Сўнгра бу нарсани этаплар асосида тасвирлашни синф доскасида чизиб, кўрсатиб беради. Сўнгра синф доскасида кўрсатилган тасвирлар ўчириб ташланади, кўргазма материаллар олиб қўйилади, натура ўқувчилар қаршиисига қўйилиб, уни тасвирлаб бериш вазифаси айтилади.

Ўқувчилар эса ўқитувчи берган маълумотлар асосида, натура расмини чизишга киришадилар. Кўриниб турибдик, дарсда берилган назарий билимлар шу дарсни ўзида амалий ишларга жалб этилади. Назарий билимни амалиётда қўлланиши тасвирий санъатнинг ҳамма турлари бўйича машғулотларда ҳам амалга ошириш имконияти бор. Буни фаннинг ўқитиш характеристи, услуби ва дидактик принципи талаб этади ва унга амал қиласди. Шунингдек, уйга берилган вазифани бажариш жараёнида ўқувчилар дарсда олган назарий билимларини амалда қуллаш кўникмаларини мустаҳкамлайдилар.

ТАСВИРИЙ САНЬАТНИ ЎКИТИШДА ПРЕДМЕТЛАРАРО БОҒЛАНИШ.

1. ПРЕДМЕТЛАРАРО БОҒЛАНИШ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ.

«Фанни ҳақиқатдан ўрганмоқ учун, унинг ҳамма алоқаларини ва воситаларини бирга ўрганмоқ, текширмоқ керак».

Я.О.Коменский.

Мамлакатимизда фан, техника, маданият ва маънавият шиддатли ривожланиш даврига кириб бормоқдаки, бу ёш авлодни тарбиялайдиган тарбия ва таълим муассасалари ва халқ маорифи ходимлари олдига улкан вазифалар қўймоқда. Бу вазифалар айниқса, мактаб фаолиятини такомиллаштириш, унда бўлажак мамлакатимиз ёш авлодга замон талаби даражасида билим ва малакалар бериш жараёнида амалга оширилади.

Мактаб фаолиятини такомиллаштириш ва унда бериладиган билим ва малакалар самарадорлигини оширишнинг асосий воситаси ва шарти ўқув фанларини ўрганишда предметлараро ва фанлараро боғланиш системасидан фойдаланиш эканлиги педагогика фанига маълумдир. Чунки, мактаб фаолиятида предметлараро боғланиш:

1. Ҳар бир машғулотни мақсади ва вазифасини тўғри белгилаш имкониятини беради;
2. Ҳар бир машғулотни зарурый кўргазма ва дидактик материаллар билан таъминлайди;
3. Ўқувчиларни фанга, машғулотга бўлган қизиқишлирини оширади, дарсга бўлган эпоционал ҳолатини ва машғулот жараёнида ихтиёрий-барқарор диқкатини таъминлайди;

4. Расм чизиладиган натура, объект ва композиция элементларини илмий асосда ўрганишни, кузатишни, кузатилган нарса ва воқеаларни объектив, ҳақконий идрок этишга имкон беради;

5. Натура ва объектларни кузатиш асосида характерли ва асосий белгиларни ажратиб олишга ўргатади;

6. Ўқувчиларни ташабускорликка, мустақилликка, ижодкорликка ўргатади, материалистик дунёқарашни ва эътиқодларни такомиллаштиради;

7. Ўқувчиларни билимларини системалаштиради, асосли ва ҳар томонлама, изчил, илмий, билим ва малакага эга бўлишини таъминлайди.

Шу боисдан - Буюк Чех педагоги Я.О.Каменский: - «дарс материалларини шундай таксимламоқ зарурким, ҳар бир янги материал ўзидан олдинги материални давоми бўлсин ва кейинги материални тўлдирмоғи лозим,» - деб ёзган эди.

Маълумки предметлараро боғланишни барча педагоглар эътироф этган ҳолда унга катта баҳо бериб келадилар. Ҳақиқаттдан ҳам мактаб ўкув фанларини ўрганишда предметлараро боғланиш бугунги қунда ҳам энг самарали дидактик принцип бўлиб колади.

Предметлараро боғланиш - икки характерда намоён бўлади:

1. Назарий жиҳатидан боғланиш - бу табиатда, жамиятда, умуман моддий оламда бўлган, бўлаётган ва бўладиган воқеа-ходисалар ўкув предмети мазмунида ифода эта оладиган дидактик шароитига айтилади, яъни ўрганилаётган ўкув фанлари мазмунида бошқа ўкув фанларини назарий материалларидан фойдаланиб ўз ўкув материалларини ифода этишдан иборатdir.

Масалан: Тасвирий санъат дарсида К.П.Брюловнинг «Помпейни сўнгги куни» санъат асарини ўрганишда, «Қадимда дунё тарихи» курсидаги «Қадимги Рим маданияти» темаси ва география фанидаги «Вулқонлар» темаси - материалларидан фойдаланиб, юқоридаги санъат асардаги сюжет ва воқеалар ҳақида илмий маълумотлар берилади ва асар тахлили утказилади.

2. Предметлараро боғланишни методик йўналиши ўқитувчи билан ўкувчи ўртасида индивудал ва умумий савол-жавоб, уй вазифаларни текшириш жараёнида амалга оширилади.

М: Ўқитувчи савол беради: - Куб қандай шакл?

Ўқувчи математика фанидан ва тасвирий санъат дарсларида олган билимлари ва малакалар асосида жавоб берадилар.

- Куб - 6 томонли, 12 қиррали, 24 бурчакли бўлиб, барча томонлари, қирралари, бурчаклари бир-бирига teng геометрик жисм - шакл, деб жавоб беради. Фан ўқитувчиси ўз фаолиятида предметлараро боғланиш принципидан фойдаланиши учун фани билан боғланадиган ўкув фанларини дастур, дарслик ва ўкув қулланмаларини ўрганиб бориши, ўша фан билан системали алоқада, ҳамкорликда бўлиши лозим. Бу предметлараро алоқа ўқитувчига:

1. Дарсини илмийлигини, унинг дарсдаги ташаббусини ва ижодий ишлшини таъминлайди.

2. Ўқитувчи меҳнатини қисқартиради, меҳнат унимдорлигини оширади.

3. Дарс материалларини ихчамлаштиради, дарсдаги такрорланишларни, умуман мактаб ўкув фанларидаги такрорлашларни камайтиради, тугатиши ҳам мумкин.

4. Фан ўқитувчисини иш фаолиятини системага солади.

5. Ўқувчиларга эса ўкув фанларини осон ўзлаштириб олиш имкониятини бериб, уларда бир бутун илмий жиҳатдан асосланган билим ва малакаларга эга бўлишини ва ўкув фанларни осон ўзлаштириш имконини беради. Уларда мукаммал, илмий жиҳатдан асосланган билим ва малакалар базаси бўлишни таъминлайди.

Мактаб - маорифга эса дарс соатларини, ўкув кунларини иқтисод қилиш, чегаралаш ва қисқартириш имкониятларини беради. Агар мактабни барча ўқитувчилари шу системада ишласа, кунлик ўкув соатини 5-4 соатгача, ҳафталик ўкув кунларини 5 кунгача қисқартирилиши мумкин.

2. ТАСВИРИЙ САНЬЯТНИ ЎКИТИШДА ПРЕДМЕТЛАРАРО БОҒЛANIШ.

Узок йиллик иш тажрибаларимиз ва илмий экспериментал тадқиқотларимиз натижалариға кўра шуни айтиш мумкинки, тасвирий санъат мактабдаги барча ўкув фанлари билан бевосита боғланади.

Тасвирий санъатни бошқа ўкув фанлари билан боғланишида кўпроқ биология, география, меҳнат, чизмачилик, математика, физика, тарих, тил адабиёт фанлари актив иштирок этади. Бу боғланиш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан амалга оширилади. Предметлараро боғланишни ташаббускори тасвирий санъат ўқитувчиси бўлади. Чунки, тасвирий санъат ўқитувчиси ўз фанини, унинг ўқитиш методикасини яхши билса, уни предметлараро боғланишдан фойдаланишга интилади ва уни ишга солади. Тасвирий санъат ўқитувчиси учун бу қийин эмас.

Энг аввало ўқитувчи мактабда тасвирий санъат кабинетини ташкил этиши лозим. Кабинетда тасвирий санъат боғланиши энг якин бўлган ўкув фанлари биология, меҳнат, география, тил адабиёти, тарих каби ўкув фанларининг дастури, дарслик ва кўргазма материаллардан база ташкил этиш зарар. Тасвирий санъат ўқитувчиси ўз иш режасини тузади, ҳар бир дарсни қайси фан билан боғланишини кўрсатади. Ёки картотека ташкил этиш зарур. Боғланадиган ўқитувчининг ўкув фанларининг назарий материаллари бўйича ўзини дарс кунини белгилаб уларни йилдан-йилга кўпайтириб бориши зарур. Боғланадиган ўкув фанларининг ўқитувчиларининг машғулотларига кириб уларни ўрганиши, улардан ўз дарсларида фойдаланиши системасида ишлаши зарур.

Тасвирий санъат ўкув предметини бошқа ўкув фанлари билан боғланиши турлича характер, мазмун ва шаклларда амалга оширилади. Бу боғланиш ўтиладиган дарс темасини мақсади, вазифаси ва мазмунига кўра амалга оширилади. Бу боғланиш энг аввало предмет ичра боғланиш мазмунида амалга оширилиб, қаламтасвир ёки нарсани ўзига қараб расм чизиш, тематик композиция

тузиш, бадиий безаш, ҳайкалтарошлиқ, амалий санъат, сұхбат машғулотлари ўзаро бир-бири билан боғланади. Сүнгра предметлараро боғланиш ассида бўлиб, бу машғулотлар кўпроқ ботаника, зоология, математика, чизмачилик, адабиёт география, меҳнат каби фанлар билан боғланади.

Бунда олма, анор, нок, қовун, тарвуз, редиска, сабзи, туруп, шохча, терак, тол, ўрик ва ўт-ўланлар каби нарсалар расми чизилганда албатта ботаника ўқув фани материалларидан фойдаланадилар.

Дарсда қуш ва ҳайвонлар - қўй, эчки, товук, кептар, қарға, ҳакка, бўри, тулки, шер, фил, илон, тошбақа ва бошқаларни расми чизилганда албатта ўқитувчи зоология фанининг ўқув материаллари билан боғланади.

Тасвирий санъатни кўпчилик дарсларида геометрик шакллар призматик буюмлар расми чизилади.

Куб, призма, кўпёқли, пирамида, конус, цилиндр, шар ва шу шакллардаги предметлар расми чизилганда ўқитувчи математика ва чизмачилик фани билан боғланиши зарур.

Техника воситалари, механик ўйинчоқлар расми чизилганда эса дарсда физика ўқув фани материалларидан фойдаланиши тақозо этади.

Рўзгор буюмлари, меҳнат қуроллари расми чизилганда ўқитувчи меҳнат фанига боғланади, уни кўргазма ва ўқув материалларидан фойдаланади ва ҳоказо.

Айниқса, санъат асарларини ўрганиш дарсларида адабиёт, тарих география, биология, физика, меҳнат, астрономия каби ўқув фани материалларидан фойдаланиши зарур.

У.Тансиқбоевнинг «Жонажон ўлка», «Иссик кўл» оқшоми, В.Кайдаловнинг «Ҳосил мўл бўлди», Л.Абдуллаевнинг «Чўлни ўзлаштириш», Ю.Елизаровнинг «Пахта терувчилар», «Теримчи қиз», А.Абдуллаевни «Назарали Ниёзов» асарларини ўрганишдан қўплаб ўқув фанларига мурожаат этилади. Чунки унда: ўт-ўланлар, дарахтлар, тоғ-адирлар, тарихий воқеалар, ҳайвонлар,

куш-парандалар, техник воситалари мавжуд бўлиб, улар ҳақида сухбат ўтказиш учун буларни ўрганадиган фанлар билан боғланиши зарур.

Хуллас, тасвирий санъатнинг барча турлари барча бўлимлари, барча темаларини ўрганишда аввало предмет ичра боғланиш асосида ўқитилади.

Сўнгра унинг ҳар бир дарс машғулоти мактаб ўкув фанлари билан боғланиши лозим ва зарур. Бу боғланишсиз мактаб тасвирий санъатни машғулотларнинг илмийлик салоҳиятини асло кутариб бўлмайди.

Илмий салоҳиятга эга бўлган дарс ва унинг ўкув предметини ўқитишдаги самарадорлик бугунги миллий мактабларимизнинг мақсади - мазмунидир.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ КАБИНЕТИ ВА УНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИ.

Мактаб тасвирий санъати ўқувчиларни энг аввало эстетик жиҳатдан тарбиялайди. Ўқувчиларга график жиҳатдан билим ва малака беришнинг асосий ўкув фани ҳисобланади. Шунингдек, ўқувчиларнинг мустақил ишлашга, ташаббус кўрсатишга ва шулар орқали ижодий ишлашга ўргатади. Аммо бунинг учун мактабда энг аввало мутахассис ўқитувчи ва яхши жиҳозланган тасвирий санъат кабинети бўлиши шарт. Мактабда тасвирий санъатни ўқитишнинг энг биринчи ва асосий шарти - кабинетни зарурлигидир.

Тажрибалар ва узоқ йиллар бўйича қузатишлар ҳам мактабда тасвирий санъат кабинетини ташкил этилмасдан, у ерда тасвирий санъат дарсини ўтказиш ҳақида фикр - гап бўлмаслигини тўла исботлаб беради. Шу боисдан мактабда иш бошлаётган ёш ўқитувчининг 1-ўриндаги ва асосий бош вазифаси тасвирий санъат кабинетини ташкил этишdir.

Мактабда кабинетни ташкил этилиши:

1. Мактабда тасвирий санъат дарсини методик ва дидактик жиҳатдан тўғри бўлишини таъминлайди.
2. Дарсларни зарурий дидактик ва кўргазма материаллар билан таъминлайди.

3. Дарсда техника воситаларидан фойдаланиш имкониятларини яратади.
4. Тасвирий санъат ўқув фани бўйича кўргазма ва дидактик материаллар базасини тўплаш имконини беради.
5. Дарсни бошқа ўқув фанлари боғлаш имкониятини ташкил этади.
6. Дарсдан ва мактабдан ташқари машғулотларни амалга ошириш имкониятини яратади ва ҳоказо ўнлаб турли тадбирларни амалга оширишга шартшароит яратади.

Кабинетни ташкил этиш бўйича Наманган вилоятида қўплаб иш тажрибалар амалга оширилган. Шунга кўра, кабинет ташкил этиш хона танлаш билан бошланади. Кабинет учун хона танлангач, уни қайта ремонт қилинади, электр манба билан таъминланади, жиҳозланади, безатилади.¹

Хона энг аввало 45 минутли дарс жараёнига тайёрланади. Бунда хонадаги барча нарсалар ўтказиладиган дарс мақсади ва вазифасига қаратилади. Хонада дарсдан ташқари тўгараклар, консультациялар, факультатив машғулотлар ҳам ўтказилади. Хонани жиҳозлаш ва безатишда шкафлар ва стеляжлардан фойдаланилади.

Хона шкафлари ва стеляжларда ўқув дидактик материаллар, турли қоғозлар, методик адабиётлар, газета ва журналларнинг подшипкалари сақланади. Энг яхши ўқувчиларни ишидан намуналар йиғиш, стенд ва кўргазмалар ташкил қилинади.

Кабинет фаолиятини йўлга қўйиш учун энг аввало унинг иш режаси тузилади. Кабинетга актив ўқувчилардан ёки тўгарак аъзоларидан навбатчилик тайинланади. Кабинет инвентарлари махсус «темир» дафтарга қайд этилади. Уни кўпайтириш, доимий назарда тутиб бориши тадбирлари кўрилади.

Кабинет зарурий техник воситалар билан таъминланади.

Кабинет кинопроектор, эпидиаскоп, фильмоскоп, телевизор, рефлектр - ёритгичлар, мальберт - столлар, табуреткалар билан жиҳозланади.

Шунингдек, бир қатор ўкув фанлари: биология, география, адабиёт, математика, меҳнат, чизмачилик, жисмоний тарбия каби ўкув фанларнинг дарслик ва зарурий ўкув - дидактик материаллари билан таъминланади.

Мактаб тасвирий санъати кабинетининг асосий жиҳозлари: гипсли слепкилар, муляжлар, чучелолар, 3-4 донадан кам бўлмаган челаклар, кабинетда ўқийдиган синф ўкувчиларининг ҳаммасига етарли даражада стакан (банкалар) билан таъминланиши зарур.

Мактаб тасвирий санъати ўкув предметининг ўкув-тарбия ишларини тўғри йўлга қутиши - мактабни мутахассис тасвирий санъат ўқитувчиси билан таъминлашдан иборат бўлган ҳолда, тасвирий санъат дарсини бошлаш учун мактабда тасвирий санъат кабинети бўлиши шарт.

Чунки, мактабда тасвирий санъат кабинетини ташкил этмай туриб, уни ўқитиши мутлоқ мумкин эмас. Шу боисдан мактабда тасвирий санъат ўқитувчисининг асосий ва биринчи вазифаси - мактаб маъмуриятининг ёрдами асосида мактабда замон талаби даражасидаги тасвирий санъат кабинетини ташкил этиши лозим.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИДА ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ.

Маълумки, бугунги кунда мактаб ўкув-техника воситалари асосан эпидоскоп, кодоскоп, ЛЭТИ, фильмоскоп, телевизор, видеомагнитафон кабилардан иборатдир.

Тасвирий санъатни ўқитишида мальберт, таглик, рефлектр каби қўшимча техник жиҳозлар ҳам қўлланилади. Бу нарсалар натурани ўкувчини кўриш горизонтига мослаштириб олишида қўлланадиган буюмлар бўлиб, улар яrim меҳаник услубда ишлатилади.

Рефлектр - натурага тушаётган ёруғ-сояларни нормал бўлиши учун қўлланилади. Мальбертлар ўкувчиларни расм чизиш учун мосламалар бўлиб,

уни дарсда ва дарсдан ташқари расм чизишда ишлатилади. Тасвирий санъати ўқитишда кўпроқ ЭПИДИАСКОП қўлланилади.

Эпидаскоп - тасвиirlарни катталаштириш учун зарур бўлади. Бу санъат асарларини таҳлили даврида жуда аҳамиятлидир. Диапозитивлардан фойдаланиши учун ЛЭТИ - аппаратидан фойдаланилади. Тасвирий санъат дарсларида ва ҳозирда яхши ишлаётган техник воситалардан яна бири фильмоскопдир. Унда диафильмларни намойиш этилади. Тасвирий санъатдан бугунги кунда кўплаб диафильмлар мавжуд. Айниқса, санъат асарларини таҳлили даврида анча самара беради. Дарсда техника воситаларидан фойдаланиши ҳам меъёрий бўлиб, 2-3-4 минутга боради.

Факат суҳбат дарсларидағина купроқ ишлатилади. Агар бирор фильмни тўла намойиш этиладиган бўлса, уни дарсдан ташқари вақтда амалга оширилади. Техника воситаларидан фойдаланиш ўкувчиларни дарс материалига бўлган қизиқишини оширади, дарс самарадорлигини кўтаради.

СИНФДАН ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ИШЛАР.

Ўқувчиларни тасвирий санъатга бўлган қизиқишини оширишда, ўзлаштирмовчиларни яхшилар қаторига қушишда, тасвирий санъат ва рассомчилик касбига бўлган қизиқишини оширишда, дарс ва машғулотларда ўкувчиларни активлигини ва ижодкорлигини кўтаришда синфдан ва мактабдан ташқари ишлар алоҳида самара берувчи воситадир.

Тасвирий санъат бўйича синфдан ва мактабдан ташқари ишлар мактабдаги тадбирларни энг кўп турини ташкил этиш мумкин. Бу фан бўйича дарсдан ташқари ишларнинг 40 дан ортиқ тури мавжуд.

Улардан энг асосийлари:

1. Тўгараклар.
2. Консультациялар (кўшимча дарслар)
3. Суҳбат, лекция, докладлар.

4. Экскурсия, походлар.
5. Күргазма ва конкурс (күрик) лар.
6. Бадиий - санъат кечалар.
7. Матбуот ишлари.
8. Стенд, альбом, индивудал күргазмалар.
9. Кинофильм телекүрсатувларни күриш.
10. Рассомлар ижоди бўйича конференция, учрашув, юбилей тантаналарни ўтказиш кабилар.

Тўгараклар. Мактаб шароитини назарда тутилган ҳолда «расм чизиши» (ёш рассом), «графика», «нақкошлиқ», «кулолчилик», «санъат тарихини ўрганиш», «ёғоч, ганч ўймакорлиги», «ҳайкалтарошлиқ» каби тўгараклар ташкил этилади. Тўгаракка ихтиёрий, қизиқувчи, энг яхши расм чизувчилардан 2-3 тагача гуруҳлар ташкил этилади. Гуруҳларга 10-12 ўқувчи олиниб, ҳафтада 2-3 машғулот режалаштирилади. Машғулотлар 2-3 соатгача давом этади.

Қўшимча дарслар (консультациялар). Ўзлаштиrmовчи ва фанга қизиқувчи ўқувчилар учун умумий ва индивидуал машғулотлар ташкил этилади. Консультациялар кам вақт ажратилган темалар ёки ўқувчиларни талабига кўра бирор бўлим, курс бўйича уюштирилади. Бундай машғулотлар учун ҳафтани маълум 1 ёки 2 куни белгиланади.

Суҳбат, лекция, докладлар. Бундай машғулотлар таникли рассом, санъат усталари ёки рассом-педагогларни ижоди бўйича амалга оширилади.

Бу машғулотлар суҳбат, савол-жавоб, мушоира, конференция шаклларда ташкил этилади.

Экскурсиялар. Санъат музейларига, кўргазма залларига, студия, рассом уйларига ва олий ўқув юртларига, очиқ музейларга, классик ва замонавий обидаларга, тоғ-тошларга, боғларга ташкил этилади. Экскурсия натижалари самарали бўлиши учун улар экскурсиядан қайтгач иншо ёзиш режалаштирилади.

Бадиий - санъат кечалари. Атоқли рассомларнинг туғилган кунига, юбилейига, бирор бир тантанали кунлар муносабати билан бадиий-ижодий кечалар ўтказилади. Санъат кечалари 2 қисмдан иборат бўлади.

1-қисмда кеча кунига бағишланиб доклад, музокара ва бадиий чиқишилар бўлади.

2-қисм - бадиий қисм бўлиб, унда викторина, мушоира, савол-жавоблар, кино, концерт, театрлаштирилган, ҳатто экранлаштирилган чиқишилар, китоб савдоси ўтказилади.

Кўргазма ва конкурс. Атоқли рассомлар ёки ижодкор ўқувчиларни яратган асарлари бўйича кўргазма ва конкурслар уюштирилади. Бу ерда ўқувчилар иши бўйича уюштириладиган кўргазма ва конкурслар ғоят катта аҳамиятли бўлади. Уни ташкил этиш бир ой аввал афиша (эълон) чиказиш билан бошланади. Бу афишада конкурс ва кўргазмани куни, очилиши, мазмуни шартлари, тақдирлашлари ҳақида маълумот берилади. Сўнгра ташкилий қумита ва жюри тузилади. Ишлар бир ой йиғилиб, сўнгра намойиш этилади. Кўргазмани очилиши ва ёпилиши тантанали ҳолда ташкил этилади.

Матбуот ишлари. Мактаб матбуоти асосан деворий газета, бир қатор мактабларда радио ва видеолардан ҳам фойдаланилади. Мактабда тасвирий санъат бўйича деворий газеталарда одатдагидек бош мақола, фанни ўқитилиши, дам олиш - юмористик характеридаги рубрикалар берилади. Газетани номи «Нафосат», «Рассомчилик», «Ёш қаламкаш», «Санъатшунослик» каби санъатга оид мавзуларда берилади. Сўнгги йилларда матбуотда радио, телекўрсатувлардан ҳам илгор тасвирий санъат ўқитувчилари фойдаланиб келмоқдалар.

Рассомлар ижоди бўйича конференциялар. Тасвирий санъатга бўлган ўқувчилар қизиқишини оширишда, яна синфдан ташқари тадбирлардан бири атоқли рассомларни ижоди, санъатга бағишиланган умрлари бўйича конференция ўтказишдир. Бу тадбирлар асосида келажак санъатшунослари тайёрланади. Чунки, бу ўринда докладчилар мактабни юкори синфидаги тасвирий санъат тўгараги аъзоларидан бўлади. Шунингдек тасвирий санъат бўйича ижодкор

ўқувчиларни шахсий альбомлари, уларга атаб стендлар, индивудал кўргазмалар ташкил этилади. Яна кинофильмлар ва телекўрсатувларни коллектив бўлиб кўриш ғоят самарали тадбирлар бўлади.

Аммо синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил этиш ҳам мактабда тасвирий санъат кабинетини ташкил этилиши билан амалга оширилади.

Мамлакатимизда тасвирий санъат бўйича синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича катта тажриба тўпланган.

Шу боисдан тасвирий санъат бўйича дарсдан ташқарида олиб бориладиган тарбиявий тадбирларни дарс ва машғулотлар самарадорлигини оширишдаги роли, ўрни ва аҳамиятига катта эътибор берилади. Шунингдек, уни кўплаб мактаблардаги иш тажрибалари матбуот сахифаларида кенг ёритилган. Бундай мактабларга Тошкент шаҳридаги № 26/2, 90, 16, Наманган шаҳридаги №26, 29, Тўрақўрғон туманидаги №8, 29, шунингдек, Андижон, Қашқадарё, Хоразм, Фарғона вилоятларини кўплаб мактабларини бу соҳада иш тажрибалари умумлаштирилиб, оммалаштрилган.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИСИ - ШАХСИ.

1. ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИСИ ШАХСИ.

«Педагогика тарихидан маълумки, ўқитувчи - киши руҳининг инженеридир» - дейди Я.О.Каменский.¹

Бас шундай экан ўқитувчи ким бўлиши, уни ўзи қандай характерда бўлиши ҳакида ўйлаб кўриш керак. Шу боисдан «ўқитувчи шахси онадан ўқитувчи бўлиб туғилмоғи керак» - деган иборани ҳам қуллаш лозим. Чунки, ўқитувчи энг аввало сахий қалб эгаси, очик кўнгил, тўғри сўзли, пок, ҳалол, инсониятнинг барча яхши фазилатларини ўзида мужассам эта олган шахс бўлиши лозим.

¹ Я.О.Каменский. Буюк дидактика. Т. 1975 й.

- Ўқитувчи кенг тафаккурга эга бўлган, бунинг учун у ғоят ақли, доно, фаросатли, илмли, жуда кўп ўз фанидан ташқари илмларни, табиат ва жамиятни ривожланиши қонуниятларини билиши зарур

- Ўқитувчи ҳам таълим берувчи, ҳам тарбия берувчи шахс бўлиши керак.

Шу боисдан у таълим ва тарбия назариясини яхши билиши, ўқитиш дидактикасини ва методикасини жуда кучли эгаллаган бўлиши керак.

- Ўқитувчи ўз фанини «аъло» даражада билиши, унга тегишли бўлган барча соҳаларни ўзлаштирган ва ўз устида - ижодий ишлай олиши лозим.

- Ўқитувчи - бола шахсини яхши тушуниши, улар билан ишлаш технологиясини жуда кучли билиши шарт.

- Ўқитувчи физиологик ва морфиологик жихатдан бақувват, қадди-қомати келишган, чиройли ва ёқимли ҳуснга эга бўлиши, айниқса, кўз қарашлар ва мимикаси кучли, суюнгани ҳам, ғазабланганини ҳам кўз қарашлари, мимикасида ифода эта оладиган, қаттиққўл, принципли, ҳакиқатгўй ва ўкувчиларга меҳрибон бўлиши керак.

Шунингдек, у ўкишни, ёзишни, гапиришни, чиза олишни юксак даражада эгаллаган, ижодкор, ҳар бир харакатини ўзи юксак тарбия талабида бажара олиши ва ўзини жуда кучли бошқара олиши лозим.

- Ўқитувчи сиёсий жихатдан етук, материалистик тушунчада, жамиятни, Ватанини, халқни юксак даражада - онгли - илмий асосда тушуниши зарур. Ўқитувчининг бу хислатларини ҳаммаси айнан мактаб тасвирий санъат ўқитувчисида мужассамлашган бўлиши шарт. Мактаб тасвирий санъат ўқитувчисига яна қушимча ҳолда ғоят покиза, гўзалликни қадрловчи, чиройли, ҳуш-чақчақ, ёқимли, фелу-атворли, юксак аҳлоқий поклик, маънавий жихатдан ғоят бой шахс бўлиши лозим.

Чунки, мактаб тасвирий санъати ўқитувчисига қўп киши ялинади, ундан нажот кутади, ёрдамига муҳтож бўлади, ўкувчиларни кўпчилиги уни ортидан эргашади. Чунки мактаб тасвирий санъат ўқитувчиси одамларни, ўкувчиларни

кўз олдида мўжизалар яратади. У хеч кимни кўлидан келмайдиган ишларни бунёд этади, у янгилик яратувчи, ижодкор шахсдир.

2. ЎКУВ-ТАРБИЯ ИШИДА ЎҚИТУВЧИННИГ РОЛИ ВА ЎРНИ.

Мактаб тасвирий санъат ўқитувчиси энг аввало ўз фанидан ўқувчиларга умумтаълим характеристидаги фан сифатида таълим ва тарбия бериш вазифасини бажаради. Шунингдек мактаб тасвирий санъат ўқитувчиси ўқувчиларни мазкур ўқув фанини ўқитиш асосида нарсаларни эътибор билан кўришга, предметлар шакли, ранги ва моҳиятини таҳлил қилишга ўргатади.

- Тасвирий санъат ўқитувчиси ўқувчиларга кузатишни, идрок этишни, нарса ва воқеаларга диққат билан эътибор беришни ўргатади.

Мактаб тасвирий санъат ўқитувчиси тасвирий санъат дарси ва машғулотларни ташкил этади. Бу машғулотларни ташкил этиш шунчалик мураккабки ҳар бир дарс учун кабинетда 20-25 ўкувчи учун тўла ўкув қуроллари, дидактик материалларни тайёрлаши лозим. Турли мазмунда кўргазмали қуролларни ҳозирлаш керак. Чунки тасвирий санъат ўкув фанини мазмунига кўра ўкувчи идрок қилган, кўрган нарсасини расмини чизиши зарур. Яна шуни айтиш жоизким, мактаб тасвирий санъат дарси 5 турда, 5 хилда, 5 характерда ташкил этилади. Бундай хилма-хил дарсларни ташкил этиш ва ўтказиш анча қийинчиликлар яратади. Уни иши жуда кўп. Шу боисдан дарс материалларни муракқаблиги дарсларга ўқитувчини пухта тайёргарлик кўришини талаб этади. Тажрибакор ўқитувчи ҳамма ишларга вақт топади. Ўқитувчи дарсни ташкил қилишдан бошлаб, уни охиригача ўз активлиги билан амалга оширади. Ўқитувчи дарсга тайёргарликдан бошлаб уни ўқувчиларга осон, қисқа, асосли етказишга ҳаракат қиласи. Ўқитувчи дарс жараёнида ҳар бир ўкувчи билан индивудал иш олиб бориши лозим. Ўқитувчи яхши расм чизиши уни синф доскасида ёки уйда тайёрлаган босқичли расмларида ифодалаб бериш кўрсатиши лозим. Ўқитувчи дарсни ташкил этишда барча нарсаларга эътибор бераб, ҳамма

камчиликларни дарсни бошланишиданоқ түғрилаб олиш керак. Дарсни олиб борища ҳар бир этапига түғри амал қилиши зарур. Ажратилган ҳар бир минутлардан унумли фойдаланиш лозим. Ўқувчилар билимини текширишдан бошлаб, уйга вазифа беришгача бўлган даврдаги ҳамма ўқув-тарбия ишларини эришмай амалга ошириш зарур.

Хуллас, мактаб тасвирий санъат ўқитувчисининг бош вазифаси болаларда энди шаклланиб келаётган тасвирлаш қобилиятини ўстиришдан иборат бўлиб, уларга қаламни ушлашдан бошлаб, расм чизадиган дафтарни парта юзасига қўйишни, расми чизиладиган нарса ва воқеани кузатишни, олинган таассуротларни қофоз юзасига туширишни ўргатишда ўргатувчи биринчи шахс, ўқувчини ёрдамчисидир.

Шунингдек, ўқувчини расм чизишда мустақил ишлашга, ундан ташаббусга ва ундан ижодкорликка бошловчи педагогдир. Ўқитувчи расм чизишга ўргатиш билан бирга ўқувчиларга гўзаллик-эстетик тарбия беради. Мехнатга, ижодга, ўз ўлкасига, Ватанига, халқига муҳаббатли бўлишига ўргатади. Тасвирий санъат ўқитувчиси болаларга ҳалол, пок, иймонли, түғри сўзли, эътиқодли бўлиш ҳистийғуларини сингдириб, уларни Буюк маънавият сари бошлайди. Буларни ба жариш ва амалга оширишда ўқитувчи шахсий ташаббуси билан фаолият курсатади.

I-IV СИНФЛАРДА ТАСВИРИЙ САНЬЯТ ДАРСЛАРИ МЕТОДИКАСИ.

1. I-IV СИНФЛАРДА ТАСВИРИЙ САНЬЯТ МАШГУЛОТИ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси президенти И.Каримовнинг ташуббуси билан ўрта умумтаълим мактабларини ислоҳ қилиш масаласи мамлакатимиз халқ таълими ходимлари олдига алоҳида вазифалар қўймоқда. Президентимиз И.Каримовнинг 1997 йилги Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисining IX-сессиясида сўзлаган нутқида мамлакатимизда ўрта таълим мактаблари фаолиятидаги камчиликлар очиб ташланиб, уни қайта қуриш режалари ҳақида аниқ ва реал кўрсатмаларни беради.

Таълим-тарбия назарияси тажрибасидан шу нарса маълумки, умумий таълимнинг асосий босқичи бошланғич синфлар (I-IV синфларда) даври бўлиб, бу даврда бола асосан шаклланади. Чунки, бу даврда бола ҳам жисмоний, ҳам ақлий, ҳам маънавий жиҳатдан ғоят тез ривожланади.

Бу даврда болалар барча билимлар заминини ўзида мужассам қиласи ва барча фанлардан бошланғич маълумот олади. Болалар бу даврда моддий олами кўришни, кузатишни, улардан олган таасуротларни текширишни ўрганади. Бу малакалар бошланғич синфларда ўрганадиган ўкув фанлари дарслари асосида амалга оширилади. Шу боисдан бошланғич синфларда ўқитиладиган ўкув фанлари зиммасига жуда катта масъулияtlар юкланди. Бошланғич синфларда ўрганиладиган тасвирий санъят ўкув фани ҳам бугунги болаларимизни таълимиy ва тарбиявий соҳаларида бекиёс аҳамият касб этади. Мактаб тасвирий санъати болаларга табиат ва жамият қонунларини, уларни шакли, тузилиши, ранги, ўзаро боғлиқлиги ҳақида дастлабки тушунчаларни беради. Бу уларни

жуда ёшлигидан материалистик дунёқарашларини шакллантириб, уни ривож топтиради.

Маълумки, мактабдаги бирор фан табиат ва унинг элементларини ўқувчига шакли, тузилиши, ранги ва мазмун жиҳатдан ўргатмайди. Буни фақат тасвирий санъат ўқув предмети амалга оширади. Шу боисдан болаларни ёшлигиданоқ 7-6 ёшдан бошлаб тасвирий санъат ўзининг таълимий ва тарбиявий соҳаларини сиру-асрорларини болаларга очади.

1-синф ўкувчисига тасвирий санъат оддий чизик нимадан иборат, уни қандай чизиш керак, шакл нима, уни қандай тасвирланади, шаклни натурадан олиб, дафтар юзасига қандай туширилади, барг, ўсимлик, дарахтлар, қуш ва ҳайвонлар, уларни тузилиши ва ранглари ҳақида дастлабки илмий маълумотларни беради. Предметларни кўришни нарсалар шаклидаги ўхшашиклар, фарқлар, уларни шаклланиши ва ривожланиши, ранглари, ранглардаги ўхшашиклар каби хали бола билмайдиган нарса ва воқеалар ҳақида, уларни пайдо бўлиши ва ривожланиши бўйича маълумот оладилар. Бу жараён II-III ва ниҳоят IV синфларда ўсиб, такомиллашиб, ривожланиб боради. Бошланғич синфлардаги тасвирий санъат дастури нарсани ўзига қараб расм чизиш, тематик композициялар устида ишлаш, бадиий-амалий санъат, ҳайкалтарошлиқ, санъат асарларини идрок этиш каби турларини ўз ичига олади. Аммо дастурда I-II синфлар учун санъат асарларини ўрганиш учун алоҳида дарс соати берилмаган. Бу жуда тўғри, сабаб бошланғич синфдаги асосий вазифа нарсалар расмини қаламда ва бўёқда ишлаш малакасини оширишдан иборат бўлади.

Янги дастурда:

1. Суҳбат.
2. Рангтасвир.
3. Графика (қаламтасвир)
4. Ҳайкалтарошлиқ.
5. Меъморчилик.

6. Амалий ва дизайндан иборат бўлган 6 та йўналишда билим малакалар бериш кўзда тутилади. Бу йуналишларнинг ўқув-тарбия вазифаси:

1. Санъатшунослик асослар (фаолиятидан)
2. Тасвирий фаолият (натурага қараб расм чизиш ва тасавурлар асосида расм ишлашдан).
3. Композиция фаолияти (мавзули ва безакли композиция) дан иборат бўлади.

Бу вазифаларни бажарилиши рангтасвир, қаламтасвир, (график), хайкалтарошлик машғулотлари мазмунида ўз ифодасини топади.

Бошлангич синфи I-II синфларида санъат асарларини ўрганиш бўйича алоҳида дарс соати берилмаган бўлсада, расм чизиш машғулотларида бир неча санъат асарлари ўзига хос талабда таҳлил қилинади. III синфда 2 соат сухбат берилади. Бунда «Санъатда ранг, ранг турлари, совук ва иссиқ ранглар», «Санъатда турмуш воқеаларини тасвирланиши» темалари ўрганилади. Бу машғулотларда ўқитувчи болалар билимига, ёшига кўра санъат асарлари танланади. Унда атоқли рассомларни манзара, портрет, турмуш жанрида яратилган асарлари таҳлил қилинади.

Сухбатда табиатда ранг, уларни турланиши, иссиқ ва совук ранглар, уларни санъат асарини яратилишида тутган ўрни, шунингдек санъат асарларини жанрларга, турларга бўлининиши ва турмуш жанрида яратилган асарларни тузилиши, ундаги рангларни ишлатилиши ҳақида маълумотлар берилади.

2. I-IV СИНФЛАРДА ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА БАДИЙ МЕҲНАТ ДАРСЛАРИ, УЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ.

Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш муносабати билан халқ таълим мининг барча жабҳаларида, шу жумладан тасвирий санъат таълим мининг жаҳон педагогикаси тажрибалари асосида қайта қуришни бугунги кун талаб қилмоқда.

Шунга кўра, Ўзбекистонда тасвирий санъатни ўқитилишини қайта қуриш самарадорлигини ошириш бўйича Ўзбекистон халқ таълими вазирлигининг 1996 йил 18 июль № 01-282 сонли буйруғига асосан Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат номи билан ягона интегратив ўкув предмети тузилади.

Бу ўкув предметида ўкув режаларда 2 соатдан вақт ажратилиб, бу фан «Тасвирий санъат» ва «Меҳнат» дарслари ўрнида ўқитилади. Бу фанни фақат тасвирий санъат, амалий санъат рассомлари ва педагогик рассомлар ўқитадилар. Бу ўкув предмети мазмунига бошланғич синфлардаги тасвирий санъат дарслари ва меҳнат дарсларини бадиийлаштирилган характердаги материаллари киритилади. Бу ўкув предметининг йиллик машғулотлари учун ҳар бир синфга 66 соатдан вақт ажратилган бўлиб, уларни муваффақиятли ўқитиш учун мактаб тасвирий санъат ўқитувчиси зиммасига каттагина масъулият тушади.

Бу ўкув предмети дастури бўйича ўкув материаллари вилоят малака ошириш институти, Наманган Давлат Университети «Тасвирий санъат» кафедраси, Ўзбекистон ПФИТИ нинг «Бадиий таълим ва тарбия» сектори биргаликда тахминан режалаштириш ишлаб чиқилди. Бу дастур ва режалаштиришлар ўкувчиларга замон талаби даражасида график билим ва малака беришнинг ва ўкувчиларни ҳар томонлама камол топишини, юксак эстетик тарбиясини амалга оширади. Яна юксак маънавий маданиятга эга бўлган шахсни камол топишига тўла жавоб беради.

Шуларга кўра мазкур дастур ва режалаштириш I-IV синф ўкувчиларига куйидагича билим ва малакалар беришни амалга оширади:

1. Борлиқни чиройли, гўзал шаклини, тузилишини ва ранг ҳолатларини кўра билишни ва уларни ифода эта олиш малакаларини бериши;
2. Натура ва объектларни қаламтасвир ва рангтасвирини яратা олиш малакаларини етказиш;

3. Унчалик мураккаб бўлмаган нарсаларни, предметларни ва механик буюмларни қоғозда, картонда, ёғочда, лой ва пластинда ишлаш кўникмаларини бериш;

4. Тасвирий санъат асарларини, бошланғич таҳлилини ўтказа олиш, тасвирий санъат бўйича бошланғич сўз ва атамаларни ўргатиш каби асосий таълимий вазифаларни бажара олади. Узлуксиз таълим амалга ошириш ва кадрлар тайёрлашни миллий дастурини фаолиятга киритилиши муносабати билан бошка ўкув фанлари қатори тасвирий санъат дастурлари ҳам анча мураккаблашиб бораётганлиги сабабли ҳам, уни ўқитилишида бир қатор талабалар қўйилади. Уларда энг биринчи ва асосий талаб мактабда тасвирий санъат кабинетини ташкил этиш ва уни зарурий ўкув дидактик материаллари билан таъминлаш. Кабинетда фанга бўлган ўқувчилар қизиқишини ошириш учун зарурий барча дидактик шарт-шароитни яратилиши лозим.

Шунингдек, мактаб мутахассис тасвирий санъат ўқитувчиси билан таъминлаш зарур.

Мактаб тасвирий санъат ўқитувчиси тасвирий санъат ўкув предметига, ҳар бир дарсга бўлган ўқувчилар қизиқишини ошириб бориш тадбирларини ишлаб чиқади. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни мунтазам ҳолда амалга оширади.

I-IV синфларда тасвирий санъат дарсларини ўтказиш методикаси ва дидактикасининг педагогик асосларига таянади. Шунга кўра ўқитувчи I-IV синфи ҳар бир синфида ўқувчиларни билим-малакаси, қизиқиши ва ёш хусусиятига кўра дарс материалини танлайди.

Маълумки, I-III синфларда ҳажмсиз предметлар расми чизилади. Бу машғулотларни самарали бўлиши учун ўқитувчи қўпроқ амалий ишларга эътибор бериб, расм чизишни илмий асослари билан ўқувчиларни таништириб боради. Дарсда тасвирлаш машқлари узлуксиз - дидактиканинг «системалик» принципи асосида амалга оширилади.

I-III синфларда «нарсани ўзиға қараб», «тема асосида» расм чизиш, «бади-ий-амалий санъат» ва «хайкалтарошлиқ» каби амалий ишлар мазмунидагашкүлотлар ўтказилади. Бу синфларда санъат асарларини ўрганиш учун алоҳида вақт ажратилмаган бўлсада, ҳар бир машғулотда дарс мавзуси бўйича 1-2 дона асарлар ўрганиб борилади. Бу машғулотлар янги дастурда қаламтасвир, рангтасвир, амалий ва дизайн санъати, меъморчилик, хайколтарошлиқ ва сухбат мазмунидаги берилади. Бу машғулотлар асосида ўқувчиларга бошланғич синфданоқ тасвирий санъат ҳақида маълумотлар берилади. Шунингдек бошланғич синфларда чизик, композиция, шакл, ҳажм, фазо, натура ҳақида бошланғич маълумотлар бериш қўзда тутилади.

I-VII СИНФЛАРДА ТАСВИРИЙ САНЪАТНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ.

Педагогика назарияси ва тарихида маълумки ҳар бир дарс методикаси жаҳон педагогикаси тажрибаларига суюнади. Дарс методикасининг тўғри танлаш энг аввало педагогика назариясига таянган ҳолда амалга оширилади. Ҳар бир ўқитувчи ўзи дарс методикасини белгилашда ўқитишнинг дидактик принципларидан келиб чиқсан ҳолда дарс материалини осон, қисқа, илмий асосда ўқувчига етказадиган энг самарали методини танлайди.

Тасвирий санъатни ўқитишда оғзаки баён этиш, савол-жавоб ва амалий ишларни ташкил этиш ва кўргазмалилик методларидан фойдаланилади. Мактаб тасвирий санъати курсини ўзига хос хусусиятлари бўлиб, дарс жараёнида ўқитувчи расм чизиладиган нарса, обьект воқеа-ҳодисалар ёки ўргатилаётган асар ҳақида ўқувчиларга оғзаки маълумотлар беради. Бу оғзаки баён этиш методида талқин этилиб, ўқитувчи дарснинг мақсади ва вазифасидан келиб чиқсан ҳолда дарс мазмунини оғзаки баён этиш услубида амалга оширади.

Тасвирий санъат дарси ўз характеристига кўра ҳар бир дарс материалини кўргазмалар воситасида, кўргазмали ўқитиш услубиётида амалга оширади.

Ўқитувчининг кўргазмалилик услубида амалга оширган дарси ўқувчиларга пухта билим бериш имконини беради. Тасвирий санъат дарсларининг барчасида амалий ишлар бажарилади. Шу боисдан ўқитувчилар амалий ишлар методидан ҳам фойдаланади.

I-VII синфларнинг тасвирий санъат дарсларини барчасида педагогиканинг барча турдаги дарс ўтиш методларидан фойдаланилади. Унда ҳатто савол-жавоб методидан ҳам фойдаланилади.

I-VII синфларда расм чизиладиган натура ва натюрмортларда расмини чизиш ёки тематик композициялар яратишнинг иш мазмуни анча мураккаблашиб боради. Булар ўқитувчидан дарс жараёнида қўлланилаётган услубларини ўзгартириб gox бир, gox иккинчи - бошқа услублардан фойдаланишни тақазо этади. Аммо ҳар бир дарсда оғзаки баён этиш ва савол-жавоб методидан кенг фойдаланади.

Тасвирий санъат дарсларини ташкил этишда турли услубларни қўлланишидан қатъий назар ўқитиш дидактикасини тарбиявийлик, илмийлик, изчиллик, кетма-кетлик, кўргазмалилик, назариёт билан амалиётни бирлиги каби принципларга доимо асосланади. Чунки, дарс услубларини барчаси ўқитиш дидактикаси асосида амалга оширади. Дидактика синф - дарс системасини илмий асоси бўлиб, дидактика талабига жавоб бермайдиган дарс ўз мақсадига эриша олмай ва олдига қўйган вазифани бажармайди. Шунингдек, тасвирий санъатнинг ҳар бир дарс машғулоти предметлараро боғланиши принципи асосида ишлайди.

Предметлараро боғланиш дарсни илмийлигини, изчиллигини, амалиёт билан боғлиқлигини таъминлайди. Предметлараро боғланиш дарсини ва унинг ўқув материалларини бошқа ўқув фанлари билан боғлайди. Ўқувчиларни бошқа фанлардан олган билим ва малакаларидан тасвирий санъат дарсларида фойдаланишга ўргатади. Улар бу боғланиш асосида дарс материалини осонроқ ўзлаштириб оладилар.

Ўқитувчининг дарс услубини тўғри танлаши ва ундан унумли фойдаланиши ўзига осонроқ шароит яратади, ўқув материалини осон, киска, илмий ва тушунарли килиб ўқувчига етказади.

Янги дастур бўйича I-VII синфларда тасвирий санъат ўқув фани машғулотлари: сухбат, рангтасвир, графика (қаламтасвир), ҳайкалтарошлиқ, меъморчилик, амалий ва дизайн санъати йўналишларида олиб борилади. Бу синфларда ҳам ўқувчилар тасвирий санъат, амалий санъат, бадиий лойиҳалар, дизайн санъати, ҳайкалтарошлиқ (ҳажмли тасвирлаш) ни ва санъат асарлари таҳлилини ўрганадилар. Шунингдек, улар қаламтасвир, рангтасвир, графика, жанрлар, мавзу, композиция, ҳажм, фазо (перепектива), чизик, ёруғ соялар, ранг, ранг уйғунлиги, доғ, мазмун, шакл, ғоя кабилар ҳақида маълумот оладилар.

**ДАРС КОНСПЕКТИ
НАМУНАВИЙ ВАРИАНТ.**

«Тасдиқлайман»

илемий ишлар бўйича
директор ўринбосари.

«_____» _____ 2001

**ДАРС ТУРИ: НАРСАНИ ЎЗИГА ҚАРАБ РАСМ ЧИЗИШ.
(Қаламтасвир)**

Кун, ой, йил: 14 - сентябрь 2001. IV-синф

Дарсни мавзуси. Кубни ўзига қараб расм чизиш.

Дарсни мақсади. Ўқувчиларга ҳажм ҳақида маълумот бериш ва ҳажмли предметлар расмини чизишига ўргатиш. Куб ва призматик предметлар расмини чизиш, перспектива ҳақида маълумот, штрихлар асосида-
ти ёруғ-сояларни тушунтириш.

Дарсни жиҳозлари: Куб, призма ва шулар тасвиранган расмлар. Куб расмини чизиш бўйича расм-таблица. IV-синф тасвирий санъат дарслиги (30-32 бетлар) даги расмлар.

Дарсни боғланиши. Дарс IV-синф математика ўқув предметини «ҳажм ҳақида маълумот» дарси ва Чизмачилик фанини «аксанометрик проекция» дарслари билан боғланади.

Дарснинг режаси. Ташкилий давр.

Уй вазифасини текшириш.

Янги тема баён этиш.

Ўқувчиларни мустақил ишларини ташкил этиш.

Синф ишини таҳлили.

Уйга вазифа бериш.

Дарснинг якунлаш.

Дарсни бориши.

Ташкилий давр: Кабинетни дарсга ҳозирлаш. Ўқувчиларни дарсга тайёргарлигини назоратдан ўтказиш.

Уй вазифани кўриш ва баҳолаш:

4-6 ўқувчини уй иши таҳлил қилинади ва баҳоланади.

Таҳлил учун тахминий саволлар:

1. Бу ишни ким бажарган?
2. Иш уйга берилган вазифа асосида бажарилганми?
3. Бу иш сизларга ёқадими?
4. Расм яхши ишланганми?
5. Расмда қандай камчиликлар бор?
6. Расмни қайси ўринлари яхши ишланган?
7. Расмни қандай баҳолаймиз? кабилар.

Янги темани баён этиш:

Янги мавзу: Кубни ўзига қараб расмини чизиш (қаламтасвир).

Куб бир-бирига teng 6 ta томон, 12 ta қиррага эга бўлган геометрик шаклдир. Куб ҳажм бирлиги сифатида қабул қилинган. Куб шаклидаги буюмлар турмушимизда кўплаб учрайди.

Аквариум, қутича, яшиқ ва бошқалар. Агар сиз куб расмини чизишни билдиб олсангиз, шунга ўхшаш нарсаларнинг расмини бемалол чиза оласиз. Мана бу куб, уни яхшилаб кузатинг, унинг томонлари, қирраларини қўринг, улар бир-бирига teng. Уни расмини чизишда дафтарингиздан кубни расмини сиғадиган жойни белгиланг.

Доимо ҳажмли предметларни чизищда контур чизиқлардан фойдаланинг. Яъни кубни умумий баландлиги ва энини топиб олинг. Сўнгра тик қирраларини топиб белгиланг.

Сўнгра кубни тик қирраларини баландлигини кўз билан чамалаб, белгиланган, нуқталарни қушиб чиқинг. Ана кубни умумий тасвири чиқди. Сўнгра чизиқларни эгри-буғри жойларини тўғрилаб чиқинг.

Шу ерда сизга яқин турган кирраларни бироз узунлигини сезяпсизми? Доскадаги расмларни кузатинг. Кубни шакли тўғри топилган бўлса контур чизиқларингизни ўчириб ташлайсиз. Шундан кейин кубни кўриниб турган учта томонини қалам штрихлари билан бўяб чиқинг. Томонларни бўяганингизда томонлар бир-биридан оқ-қоралиги бўйича фарқ қилсин. Таблицадаги куб расмни яхшилаб кузатинг. Ундаги қайси қирралар сизга узунроқ, қайсилари қисқароқ кўриняпти. Сиз доскадаги таблицада кубни чизиқларини қискаришини кўриб чиқинг, яқиндаги нарсадан узокдаги нарса кичик кўринишини эсланг. Шунинг учун куб қирраларида ҳам шу кичрайиш - перспектива ҳодисаси содир бўлади, уни расмда тасвирлайсиз. Сўнгра қаламда бўяшга киришасиз.

Ўқувчиларни мустақил ишларини ташкил этиш.

Дарсни тушунтириб бўлингач, ўқувчилар қаршисидаги барча расмлар, таблицалар олиб қуйилади, доскадаги расмлар ҳам ўчириб ташланади. Ўқитувчи ўқувчилар оралаб юриб қийналаётган болаларга индивидуал ёрдам бериб боради. Ўқувчиларни натурага қараб, уни қандай кўринса шундай тасвирлашга ҳаракат қилиши тушунтирилади. Агар кўпчилик ўқувчилар бирор ўринда тўхтаб қолсалар, ўша ўринни чиза олмасалар, барча ўқувчиларни ишдан тутатиб, 1-2 минутли консультация - кўрсатмалар берилади. Айрим ўқувчиларни ишидан наъмуналар олиб ўқувчиларга кўрсатиб ҳам турилади.

Синф ишини таҳлили.

Дарсни тугашига 6-8 минутлар чамаси қолганда ўқитувчи «аъло», «яхши», «ўрта» ва «ёмон» бажарилган ишлардан 4-6 дона (тахминан) олиб ўқувчилар иштирокида таҳлил қилинади.

Таҳлил саволлари:

1. Қаранг, куб расми чиқиптими?
2. Расм яхши чизилганми?
3. Расм нима учун яхши чизилган?
4. Расмда айрим камчиликлар ҳам борми?
5. Камчиликларни тузатиш мумкинми?
6. Расмни чизган ўқувчимиз ким?
7. У нега расмни яхши чизади?

Уйга вазифа бериш.


Уйга вазифа: Куб шаклидаги предметлардан топиб, уни расмини қаламда чизиб келиш.

Ёдда тутинг! Расм чизишингизда албатта контур чизиқлардан фойдаланинг. Натурангизни шундай қуйингки уни учта томони албатта сизга қўринсин. Уйдагиларингиз вазифангизни чизиб беришмасин, улар зарур бўлса, куб расмини чизишини ва бўяшни ўргатиб қўйишин. Уйда расмни 2-3 маротаба қайтакайта чизишингиз хам мумкин.

Дарсни якунлаш.

Дарс тугашига 1-2 минут қолганда, хона тозалигини ўриндиқлар тозалиги кузатувдан ўтказилиб, дафтар, қалам, резина, ўчиргичларни сумкага солиб, дарсни тугаганини эълон қилинади.

КУБ РАСМИНИ ЧИЗИШ.



ДАРС ТУРИ: САНЬАТ ҲАҚИДА СУХБАТ.

Кун, ой, йил. 20 - октябрь 2001 й.

VI-синф.

Дарснинг мавзуси: ШАРҚ МИНИАТЮРА САНЬАТИ.

Дарснинг мақсади:

Ўқувчиларни миниатюра санъати билан таништириш. К.Бехзод, М.Музаххаб, А.Бухорий, М.Самарқандий, Ч.Ахмаров, Т.Мухаммедовлар ижоди ҳақида маълумот бериш. Миниатюра санъатига ўқувчилар қизиқишини ошириш.

Дарс жихози: Миниатюра санъати асарлари репродукциялари, К.Бехзод, Музаххаб, Бухорий, Самарқандий, Ч.Ахмаров, Т.Мухамедов асарларидан на муналар.

Дарс режаси: Ташкилий давр.

Уй вазифасини куриш.
Янги темани баён этиш.
Асарлар тахлили (мустакил ишлаш)
Уйга вазифа бериш.

Дарсни боғланиши. Дарс адабиёт, тарих, меъморчилик фанлари билан боғланади.

Дарсни бориши.

Ташкилий давр: Кабинетни дарсга ҳозирлаш. Дидақтика ва қўргазма материалларни дарсга тайёрлаш. Ўқувчиларни дарсга ҳозирлаш.

Уйга берилган вазифани текшириш ва баҳолаш.

4-б ўқувчини (ишини) уйда «ўрта асрларда жаҳон санъати»га оид йиғилган репродукция ва ёзилган иншолар бўйича савол-жавоб ўтказилиб, уларни иши баҳоланади.

Ўрта асрлардаги жаҳон санъати ютуқлари бўйича саволлари:

1. Ўрта асрлар санъатига қайси даврлар санъати киради?
2. Ўрта асрларда қайси халқлар санъати яхши ривож топди?
3. Ўрта асрларда уйғониш даври Осиёда, жумладан Ўрта - Марказий Осиёда қачон бўлган?
4. Ўрта асрлар уйғониш даври Италияда қачон бошланди?
5. Уйғониш (Италия) даврида қандай рассомлар ижод қилдилар?
6. Италия уйғониш даврида рассомлар қандай жанрларда ижод қилдилар?
7. XIV-XVI асрларда Ўрта Осиё санъати қандай ривожланади?
8. К.Беҳзод, А.Бухорий, М.Самарқандий, М.Музаххаб ҳақида нима биласиз?
9. Умуман Ўрта асрларда катта ижод қилган рассомларни номларини биласизми?
10. Ўрта асрда меъморчилик қандай ривожланади? кабилар.

Янги темани баён этиш.

Янги тема мазмуни: ШАРҚ МИНИАТЮРА САНЪАТИ.

Жаҳон санъати тарихида миниатюра санъати, айниқса Шарқ миниатюра санъати жуда катта ўрин тутади.

Шарқ миниатюра санъатига Араб, Эрон, Турк, Озарбайжон, Ҳинд ва Ўрта Осиё миниатюра санъати киради. Улар орасида Маворунарх (Ўзбекистон) миниатюра санъати ўзига хос алоҳида ўрин тутади. Чунки ўрта асрлар миниатюра санъатида Темурийлар даври санъат, яъни Шарқ миниатюра санъатини қайта тиклаб, уни наваторлиги асосида ривож топган. К.Беҳзод, М.Музаххаб, А.Бухорий, М.Самарқандий ва Шарқнинг Боғдод, Қобул, Шероз, Техрон, Истамбул, Хурросон, Дехли, Бенгал, Агра каби шаҳарларидағи Беҳзод услуби шарқ миниатюра санъатини янгича талқин этишга олиб келади.

Камолиддин Беҳзод - (1455-1537) Хиротда туғилиб ижод этган. У жуда ёшлигиданоқ етим қолади ва тоғаси Мирак Наққош қулида тарбия топади. Мирак Наққош Навоийнинг замондоши катта рассом эди. Мирак Наққошни «Нигористон» бадиий Академияси бўлиб, Беҳзод шу ерда мўйқалам сирларини ўрганади. Сўнгра Ҳусайн Бойқаро саройида ижод услубларини давом эттиради.

Беҳзод Навоий, Жомий, Машҳадийлар замондоши сифатида уларни кўплаб сұхбатларида бўлган. 1487 йили Беҳзод Ҳусайн Бойқаронинг Хиротдаги кутубхонасини мудири этиб тайинланади.

1492 йили Жомий, 1501 йил Навоий, 1506 йил Ҳусайн Бойқаро вафот этдилар, темурийлар салтанати инқирозга юз тутади.

1507 йили Шайбонийхон Хиротни эгаллайди. К.Беҳзод 3 йил Шайбонийхон саройида ишлади. 1510 йили Эрон шоҳи Сафавийлар томонидан Шайбонийхон тор-мор келтирилиб, Хирот исмоил Сафавий қўлига ўтади. Исмоил Беҳзодга яхши шароит яратиб беради. Сўнгра уни ўғли (1524 й) Исмоил Тўхмас қўлида ишлади. 1506 йилдан табризда ижод килади. 1537 йилда жияни шогирди Рустам Али вафот этган йили вафот этади.

Беҳзод Хиротда вафот этади. Хоки Кухи муҳтор тоғи этагидаги Ҳазрати шайх Буховиддин қабристонига, Рустам Алининг қабри ёнига қўйилган.

Асарлар таҳлили (мустақил ишлар).

Мустақил ишлаш даврида Беҳзоднинг «Алишер Навоий» портретни таҳлилини ўқитувчи қилиб беради.

Сўнгра, К.Беҳзоднинг «Бир чўпон тасвири», «Бино қурилиши», «Чавғон уйини», «Бой ва дехқон», «Суворийлар кўриги» (кушинлар паради) «Маст қози», «Масжиддаги ваз», «Илтижо», «Ухлаётган дарвеш», «Меърож», «Илтижо», «Отбоқар тулпор ёнида», «Расмий қабул» каби миниатюра асарлар таҳлил қилинади.

Таҳлил учун саволлар.

1. Бу асарни авваллари кўрганмисиз?
2. Уни қаерда, қачон кўргансиз?
3. Асар муаллифини биласизми?
4. Муаллиф (рассом) ҳақида нима биласиз?
5. Бу асар қачон ва қайси даврда ишланган?
6. Асарни темаси нима?
7. Асардаги сюжет - нимадан иборат?
8. Асардаги ғоя, рассомни фикри-туйғулари?
9. Асардаги бадиий услугуб қайси «мактаб» услуги?
10. Асар ҳозир қаерда, қандай сақланади? ва ҳоказолар.

6-8 ўқувчи мустақил иш даврида баҳоланади.

Ўйга вазифа бериш: Дарс тугасига 2-3 минут қолганда уй вазифаси берилади.

Миниатюра асарлари репродукциялар йифиши ва 2 та миниатюра асарига таҳлил ёзиш.

Таҳлил юқоридаги саволлар асосида ёзилиши ҳам мумкин. Қўнғирок чалинишига 1 минут қолганда ўқувчиларни ҳамма ўқув қуроллари папкаларига солишига рухсат берилади. Ўқитувчи дарсни тугаганини эълон қиласди.

КУРС БЎЙИЧА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. И.Каримов. Ўзбекистон Буюк келажак сари. Т. 1998 й.
2. И.Каримов. Баркамол авлод орзуси. Т. 1999 й.
3. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. 6-максус сони. Т. 1999 й.
4. Н.Ростовцев. Ўрта мактаб тасвирий санъатни ўқитиш методикаси. М. 1980 й (рус тилида).
5. Н.Ростовцев. Тасвирий санъатни ўқитиш методикаси тарихи. 2 томли. М. 1980 - 82 й. (рус тилида).
6. Р.Ҳасанов. Ўзбекистон мактабларида бадиий таълим ва тарбия беришнинг методик асослари. Т. 1990 й. (рус тилида).
7. Р.Ҳасанов. Нарсани ўзига караб расм чизиш. Т. 1968 й.
8. Р.Ҳасанов. Нақш чизиш методикаси. Т. 1972 й.
9. Б.Орипов. Тасвирий санъат ва чизмачилик кабинети, синфдан ташқари ишлар. Т. 1974 й.
10. Б.Орипов. Тасвирий санъат дарслари самарадорлигини ошириш омиллари. Т. 1978 й.
11. Е.В.Шорохов. Композиция асослари. М. 1979 й. (рус тилида).
12. Б.Н.Орипов. Тасв ирий санъатни ўқитиш услубиёти. Н. 2001 й. (ўқув қўллнма).
13. Б.Н.Орипов, Б.Б.Орипов. Тасвирий санъатни ўқитиш методикаси. (дастур). Н. 2001 й.
14. М.Набиев, Б. Азимова. Расм чизишни ўргатиш методикаси. Т.1976й.
15. Б.Орипов. Расм чизиш ва уни ўқитиш методикаси (дастур).Т.1986 й.
16. Р.Ҳасанов. Тасвирий санъат машғулотларини такомиллаштириш. Т. 1986 й.
17. Р.Ҳасанов. Бошланғич синфларда тасвирий санъат дарслари.Т.1983й.
18. К.Қосимов. Наққошлиқ тўгараги. Т. 1990 й.
19. Б.Орипов, А.Турдалиев. Тасвирий санъатни ўқитиш методикаси. Т. 1991 й.
20. Р.Ҳасанов, Х.Эгамов. Мактаб тасвирий санъат дарслари. Т. 1995 й.
21. Р.Ҳасанов. Умумий таълим мактабларида тасвирий санъат таълими концепцияси. Т. 1995 й.
22. Р.Ҳасанов. Тасвирий санъат. (1-7 синфлар дастури). Т.1995 й.

23. Р.Хасанов, Б.Орипов. Тасвирий санъат. (1-7 синфлари тасвирий санъат ва бадиий меҳнат ўқув материалларини режалаштириш) Н. 2000 й.

М У Н Д А Р И Ж А

- 1, Кириш.
2. Санъат назарияси.
3. Нафис санъат
4. Графика
5. Ҳайкалтарошлик.
6. Амалий санъат.
7. Дизайн санъати.
8. Фото санъати
9. Икэбана санъати
10. Тасвирий санъатнинг жанрлари
11. Меъморчилик санъати.
12. Расм чизишни ўргатиш
13. Педагогика колледжларида тасвирий санъат.
14. Нарсани ўзига қараб расм чизиш.
15. Қаламтасвир.
16. Ясс ива шартли ясси предметлар расмини чизиш
17. Ҳажмли нарсаларни ўзига қараб расм чизиш.
18. Перспектива ҳақида умумитй маълумот.
19. Геометрик шакллар расмини чизиш.
20. Мураккаб (аралаш) шаклдаги предметлар расмини чизиш.
21. Газламани буқланган ҳолати расмини чизиш.
22. Табиат материалларини расмини чизиш.
23. Қуш ва ҳайвонлар расмини чизиш.
24. Одам расмини чизиш.
25. Рангтасвир.
26. Ранг ва бўёқлар.

27. Расм ишлашда ранг ва бўёқлардан фойдаланиш.
28. Композиция.
29. Нарсани ўзига қараб расм чизишда композиция.
30. Тематик расм чизишда композиция
31. Бадиий безаш ишлари.
32. Бадиий безаш ҳақида умумий маълумотлар.
33. Харфлар ва уларни ёзилиши.
34. Ҳайкалтарошлиқ.
35. Тасвирий санъатни ўқитиш методикаси.
36. Тасвирий санъатни ўқитиш методикасига кириш.
37. Тасвирий санъатни ўқитиш методикаси тарихи.
38. Ўзбекистонда тасвирий санъатни ўқитиш тарихи
39. Мактаб тасвирий санъати ўқувчиларнинг таълим ва тарбиясидаги роли ва ўрни.
40. Мактаб тасвирий санъатининг дастур, дарслер ва ўқув методик кўлланмалари.
41. Мактаб тасвирий санъатини ўқитиш дидактикаси.
42. Тасвирий санъатни ўқитишда предметлараро боғланиш.
43. Мактаб тасвирий санъат кабинети ва уни иш фаолияти.
44. Тасвирий санъат дарсида техника воситаларидан фойдаланиш.
45. Тасвирий санъат бўйича синфдан ва мактабдан ташқари ишлар.
46. Тасвирий санъат ўқитувчиси ва унга қўйиладиган талаблар.
47. I-IV синфларда тасвирий санъат машғулотлари ва уларни ўқитиш методикаси.
48. Дарс конспект ива уни тузилишига қўйиладиган талаблар.
49. Дарс конспектини намуналари.
50. Курс бўйича адабиётлар.

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ўзбек тилида

Бадриддин Нуридинович Орипов

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА УНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ.

Педагогика коллажлари учун ўқув қўлланма

Тақризчилар:

Редактор:

Бадий редактор:

Тех.редактор:

Корректор:

Масъул рассом:

Тошкент «Ўқитувчи» - 2004 йил

